

ВИКТОР АЛИМАЌОВ

ФАЛСАФА
ЁХУД
ФИКРЛАШ ЛАЗЗАТИ

Бахт нима? Бизни ҳамisha маънавий поклик ва комилликка ундаб, руҳиятимизни нурлантириб турадиган нарсанинг ўзи нимадан иборат? Бизни севиш ва севилишга талпиниб, ҳақу ҳақиқатга, адолат ва эзгуликка топиниб яшашга нималар мажбур этади? Киши қарздор тугилади, хўш, дунё олиндидаги қарзларини узиши учун у нималар қилиши лозим? Маданият, нафосат, цивилизациянинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни қандай?..

Китобда ушбу азалий саволларга жавоб изланади. Муаллиф ички зиддиятларга тўла ҳаётни мушоҳада этиб, «фикрлаш лаззати»дан тугилган ҳикматларини ўқувчи ҳукмига ҳавола этади.

Тақризчилар: **Иброҳим Ғафуров;**
Манзурат Холматова,
фалсафа фанлари доктори

ЕРДАГИ БАХТ

БИРИНЧИ МАҚТУБ

Синглим Сайёрахон! Мактубингизни олдим. Унда сиз мени «ердаги бахт» ҳақида баҳсга чорлабсиз. «Ердан бахт тополмаган одам кўкдан ҳам тополмайди. Менга ердаги бахтни топиб беринг, акс ҳолда кўкдаги бахт ҳақидаги ривоятларингизга ишонмайман. Кўкни мақтаган эмас, ерни мақтаган оқил, чунки одам, сиз кўп тилга оладиган Инжилда айтилганидек, хокдан пайдо бўлган, охирида ҳам хокка қайтади»,—деб ёзибсиз. Сиз ҳақсиз, Сайёрахон, мавжуд дунёдан саъд тополмаган одам уни мавҳум дунёдан ҳам тополмайди. Мени ҳам мавжудлик қизиқтиради, бироқ кўкдан мисол келтирганим — ерни рад қилганим эмас, балки ерга нажот излаганимдир.

Бахт—азалий мавзу. Бахтли бўлишни истамайдиган киши йўқ. Аммо энг ғаройиби ҳам шундаки, «Ҳеч ким бахтнинг нималигини аниқ билмайди» (В. Татаркевич, поляк файласуфи). Азалдан серсир ва дилхарош мавзу ҳақида битилган мактубингизга ушбу мақолам орқали жавоб беришни лозим топдим.

«Ҳаётда бахт йўқ,—дебсиз мактубингизда.—Қимнинг чўнтаги долларга тўла бўлса бахт ўшаники. Қимнинг «Mercedes»и, икки-уч қаватли қасри, хусусий идораси, ўнлаб хизматкорлари бўлса, ўша — бахтиёр! Бедавлат киши дайди итга ўхшайди. Дайди итнинг эса на озиғи бор, на қозиғи. Утган ҳам тепади, уни кетган ҳам...»

Яширмайман, бадавлат яшашдан бахт топганлар кўп. Аммо ундан безганлар ҳам кўп. Уларнинг қайси бири ҳақ. Қайси бири тақлидга лойиқ. Бу борада ўлчов ҳам йўқ, ҳакам ҳам. Фикр қилиб шунга етдимки, бахтдан ҳам ўта шахсий нарса йўқ: сизга бахт бўлиб кўринган нарса мен учун ўткинчи, менга бахт кўринган нарсанинг эса бошқа учун қадр кераксиз хасча. Кимгадир йиққани — бахт, кимгадир — сочгани; кимгадир суйдиргани — бахт, кимгадир — куйдиргани; кимдир «бахтим—элимда» дейди, кимдир — «белимда». Ҳамма бир хил бахтли бўлишни истайди, аммо ҳар ким ўзича бахтли. Демак, бахт пулда ҳам эмас, пулсизликда ҳам эмас.

Ҳаётда бахт йўқлигига мени ишонтира олмайсиё. Ҳатто ўзингизни ҳам. Инсоннинг қалби бир-бирини маҳв этишга шай эҳтиросларга тўла, бири сўнса, иккинчиси жунбушга келади. Назаримда «ҳаётда бахт йўқ», деб ёзаётганингизда юрагингиз ақл измида эмас, алам измида эди. Дарвоқе, эсладим. Олдинги учрашувимизда, институтга кирсам, энг бахтли одам бўлардим, дегандингиз. Минг афсус ҳаёт сизга бағритошлик қилди. Шу боис оламини сиз зимистон, деб айблашга шайсиз. Бу алам туйғуси менга таниш. Бир пайтлари у менинг ҳам юрагимни қон, ниятларимни вайрон қилган. Бироқ кейинроқ англадимки, ҳаёт, бахт институтга киришдан кенгроқ ва гўзалроқ экан; оламини олам, одамини одам қилиб турган нарса бу — меҳнат ва муҳаббат экан.

«Менинг отам кечани кеча, кундузни кундуз демай 84 ёшигача қора меҳнат қилди. Топгани икки бўлмади. Бирор марта у раҳматлининг «бахтлиман», деганини эшитмадим. Онам бечора: «Менинг бахти қаролигимга отанг сабабчи, бирорта бадавлат одамга текканимда балки бахтли яшармидим... Сен ҳам ўқишга кирардинг... Энди сен менинг хатоимни такрорлама», деб ўргатади. Мен ҳам шу фикрдаман».

Ўзгалар ҳаёти ҳақида ҳукм чиқаришга мен ожизман. Эҳтимол, отангизга ўхшаб қора меҳнат қилган, диёнатни, покликни ҳар нарсадан устун қўйган, аммо қорни нонга тўймай, бири икки бўлмай ўтганлар ҳаётда кўпдир. Начора, халқ билиб айтади: меҳнаткашга — меҳнат бу дунё, роҳаткашга — роҳат бу дунё...

Руҳимизда воизлар ваъзларига иккиланмай ишонаверишдек шарқона хислат бор. Ўтган ўн йилликларда кимларнинг даъватларига пайғамбарона ҳикмат деб эргашмадик, ахир? Эътироз билдиришга журъатимиз етмади. Шубҳаланганларни эса «ватан хоини, халқ душмани» деб атардик. Биров янги уй кўтарса ёки машина сотиб олса, «юмалоқ хатлар» уюштирардик. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деб жар солардик, аммо уйимиз ҳам, ўйимиз ҳам ғариблигича қолаверди. Ўзни ҳавойи ғоялар учун қурбон қилиш — бахт деб билдик. Уларнинг санохони ҳам ўзимиз эдик...

Минг қатла шукурки, ҳозир халқимиз ўзини, ўзлигини танимоқда. Дунёни ўрганмоқда. Бахтли яшаш ҳам, бой-бадавлат яшаш ҳам айб эмаскан. Шунинг учун, Сайёрахон, онангиз ҳақ гапни айтган, бироқ кишига тайёр давлат эмас, ўз тафаккури ва қўли билан яратгани, топ-

гани шараф келтиради. Чунки ҳатто «энг даҳо сангсиз ҳам мрамарга жо дурдонани тафаккур ила қўл кучи ёрдамида топади» (Микеланжело).

Эсингиздами, поездда кетаётганимизда дугонангиз нима дегани? «Домла, дунё ўзгармоқда. Кишилар онгида, муносабатларида ўзи учун яшаш асосий мақсадга айланмоқда. Наҳотки, сизлар, файласуфлар, буни сезмаётган бўлсангиз? Келгусида бизда ҳам худди Фарбагидек, роҳат-фароғатда, айш-ишратда, тўкин-сочин яшаш, шахсий самолётда учиб бахтга айланади, кишилар ҳам бой-камбағалликларига қараб бирлашадиган бўладилар. Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Сиз айтаётган эзгулик, маънавият, руҳият мўъжизаларига фақат савдойиларгина ишонадиган бўладилар...»

Мен Фарбни бориб кўрмаганман, аммо Фарбни бойбадавлат қилган меҳнат эканлигига ақлим етади. Тўғри, Фарба индивидуализм кучли, бироқ бу, Фарба ҳеч ким меҳнат қадрига етмайди, дегани эмас. Аслида одам ким учун меҳнат қилади? Фақат ўзи учунми? Ахир, ҳуснингизга ҳусн қўшадиган кўйлакни кимгадир ёқиш учун, кимнингдир ҳавасини келтириш, ҳеч бўлмаганда кимнингдир ҳайратли нигоҳига мушарраф бўлиш учун тикасиз-ку! Бир тасаввур қилинг-чи, қалб қўрингиз билан тиккан ўша кўйлакни кийиб чиққач, сизга ҳеч ким суқланиб қарамаса, севган кишингиз ёки қўшингиз илиқ сўз айтмаса, сизга нима бўлади? «Одам табиатида ўзгалар мақтовига сазовор бўлишга интилишдек зўр истак яширинган» (Дейл Карнеги).

Ҳақиқатан ҳам, дугонангиз ҳақ — дунё ўзгармоқда. Дунё билан бирга меҳнатга, бахтга бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Инкор қилмайман, Фарб ҳаёти ўзининг оммавий маданияти, кўзни ўйнатувчи буюмлари ва дилни қитиқловчи созлари билан ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Шунинг учун Фарб индивидуализми кўпгина ёшлар ўртасида тарқалиши, ҳатто айрим анъаналарни сусайтириши, шубҳасиз. Лекин менга ҳеч ким, келгусида одамда меҳнат қилиб бахт топиш истаги сўнади, меҳнат кераксиз машғулот, у эскирган нарсага айланади, деб исбот қилиб беролмайди. Одамни айш-ишрат, ташқи безакларчалик тезроқ бездирадиган нарса йўқ. Самур либоси зоҳирингизни безаши мумкин, лекин ботинингизни безай олмайди, биллур қандил уйингизни ёритиши мумкин, лекин дилингизни ёритолмайди, «Mercedes» йўлингизни яқин қилиши мумкин, лекин умрингизни узоқ қилолмайди-ку! Ўз ҳаётидан дурдона яра-

толган одам бахтиёрдир», дейди мен севган фаранг донишманди Андре Моруа. Ўз ҳаётини дурдонага айлан-тиришни ҳавас қилмайдиган киши топилмайди, айниқса, сизнинг ёшингизда. Бунинг йўли эса битта — меҳнат. Фақат меҳнат билангина умрингиздан дурдона топасиз, ҳаётингизни дурдонага айлантирасиз.

Кейинги пайтларда яна бир хулосага келяпман. Бахтли бўлиш учун фақат меҳнатнинг ўзи камлик қиларкан. Киши ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиши ҳам зарур экан. Бошқаларнинг меҳнатида турли қинғир йўллар билан катта фойда орттираётганлар ҳозир кўп. Кишиларимизнинг ўз ҳуқуқларини билмаслиги ва улардан фойдалана олмаслиги бу ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб. Ҳеч қачон ва ҳеч қаерда Эрк, Адолат ва Бахт курашсиз қўлга киритилмаган. Сиз келгусида ҳуқуқшунос бўлмоқчисиз. Демак, олдингизда кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек оғир ва олижаноб вазифа турибди. Сиз умрингизни охиригача адолатга содиқ қола оласизми? Ноҳақ камситилганлар, хўрланганлар ва алданганларни ҳимоя қилишни ҳаётингизда мақсадингизга айлантира оласизми? Ёнингизда Қаландаровдек беписанд, «мўртгина экансиз», дейдиганлар (А. Қаҳҳор) кўп бўлади. Хўш, сиз ҳуқуқ соҳасида Саида бўла оласизми? Ўзгаларнинг бахтидан бахт топа олган одам бахтиёрдир. Бу — бахт нималигини туйган донишмандларнинг фикри. Мен ҳам шўларга қўшиламан.

Меҳнатлар ичида энг оғири — ўқиш. Кенг маънода албатта. Ўқитувчи бир соатлик дарс ўтиши учун оддий хизматчидан икки-уч марта кўп вақт, етти-саккиз марта кўп ақлий куч сарфлайди. Илмий тадқиқотлар хулосаси ана шундай. Бўлмаса нега ўқитувчи меҳнати қадрсизланиб кетди? Биргина ўрта мактабларимизнинг ўзида 18 мингдан зиёд ўрин бўшаб қолган. Олий ўқув юртларида-чи? Ўзингиз ибратли мисол келтирибсиз. «Катта опам институтда ўқитувчилик қиларди. У талабаларнинг жон-дили эди. Ҳаммамиз ҳавас қилардик унга. Кейин, арзномаган маошга яшаш жонимга тегди, деб ўзини олди-сотдига урди. Икки марта Туркияга, бир марта Японияга бориб келди. Яқинда яп-янги «Nexia» олди. Ҳамма нарса бор, аммо... оиласи барбод бўлди. Эри ташлаб кетди, катта ўғли ароқхўр, ҳеч қаерда ишламайди. Опамнинг бахтсиз эканлигини кўзидан, сўзларидан сезиб тураман».

Мулоҳазаларингиздан шу нарса сезиляптики, ўқитувчи меҳнатига ардоқ ва ҳимоя зарур!

Ўзгалар билан сайд бўлолмаган одам ўзи билан ўзи сайд бўлолмайди. Менинг ишончим комил, ҳар қандай шароитдан ҳам киши яшашдан маъно, турмушдан завқ, ёнидагилардан ишқ, излаганидан саъд топа олади. Фақат бахтли бўлишга интилиш зарур. Шунинг учун ҳам, «Интилганга толе ёр», дейди халқимиз. Эсингизда бўлсин Сайёрахон, бахт бахтлини топар, бебахтлик — бебахтни. Бетолеман деб ўзингизни ишонтирдингизми, тамом — бетолесиз. Ҳеч ким сизга даво бўлолмайди. Хуштолеман, деб ўзингизни ишонтирсангиз — хуштолесиз. Киши бахтли яшаш имконига доимо эга, бироқ ҳамма гап унинг ўзида, руҳиятида. Уйу саъйида. Ёрман десангиз дунё сизга ёр, ёвман десангиз дунё сизга ёв. Истакларимизга ҳаёт бефарқ. Демак, «ситамгар ҳам ўзингизга ўзингиз, халоскор ҳам ўзингизга ўзингиз».

Сизга дунёни ёр ва ўзингизга ўзингизни халоскор қилишни эса меҳнат ва муҳаббат ўргатади.

Муҳаббат нима? «Ўзингни унутиш» (Ларошфуко). Яъниким, дилиннга яқин кишиларга, фарзандларингга, элиннга, ватаниннга ўзингни бағишлаш. «Муҳаббатни чўнтаги қуруқлар ўйлаб топишган, қуруқ қармоққа эса балиқ ҳам илинмайди. «Илинганлар» эса бир умр афсус-надоматда яшайди», деб эътироз билдирарсиз. Муҳаббатни кимлар ўйлаб топганини билмадиму, лекин одамни буюкликка кўтарган нарса муҳаббатдир. Агар муҳаббат бўлмаганида, одам ҳанузгача бир дарахтдан иккинчисига сакраб ўрмонда яшарди. На заминни биларди, на замонни. На ўзини танирди, на ўзлигини. Ҳақ гап: муҳаббат билан одам икром топади, нафратдан — икроҳ. Нафратдан шу пайтгача бахт топганини эшитганим ҳам йўқ, учратганим ҳам йўқ. Нафрат — умр эгови. Бахтнинг ҳам. Нафратини ўзига мусаллат этолмаган бахтга мусаллам бўлолмайди.

Тўғри, шоҳона яшайман деб, ўз иффатини, баданини сотувчилар бор. Ҳаётда бунга мисоллар ҳар доим топилади. Бироқ менда дили пок, эътиқоди баланд, тақдири равшан кишилар ҳавас уйғотади. Бир танишим бор. Йирик олим. Унга мансаблар, унвонлар, нишонлар беришди. У бўлса бир куни менга шундай деди: «Мен жоҳнинг эмас, ҳақнинг қулман». Бу илмга, ҳаққа буюк муҳаббат эди! Дарвоқе, сизнинг ўзингиз ҳам ҳар қандай истаклардан юқори — эркак ва аёлни жуфт бўлиб

яшашга ундовчи муҳаббатдан туғилгансиз. Исо алай-
ҳиссалом ўз меҳрини тақдим қилганида, сиёҳ диллар
уни рад этган, сиёҳбахтлар салибга михлаган. Шунда
у ибратли бир гап айтган. «Мени рад этган — Яратган-
ни рад этган, Яратганни рад этган — ўзини рад этган».
Шунинг учун муҳаббатни рад этиш—ҳаётни рад этиш,
ўзини рад этиш...

Яқинда Россиянинг бурятлар яшайдиган ўлкасида
бўлиб қайтдим. Ен-атрофдаги гўзал табиат ҳам, мезбон-
ларнинг иззат-ҳурмати ҳам уч кун ўтгач, кўнглимга сиг-
маётганини сездим. Нимадир етишмасди. Кейин бил-
сам, туғилиб ўсган остона, меҳр қўйган оилам, ҳамкасб-
ларим, таниш савтлар ва сўзлар етишмаётган экан. Ча-
рақлаб чиқадиган қуёш ҳам. Энди мен, «қуёш ҳамма
жойда бир хил нур сочади», деган гапга қўшилмайман.
Ўзбекистонда қуёш бошқача чарақлайди. Ана шунда мен
ўзимни Ўзбекистоннинг бир парчасидай сездим, у эса
менинг бутун борлигим эканини англадим. Бу — Ватан
туйғуси эди. Ўзингни севмаслигинг, ҳатто ўзингдан ке-
чишинг мумкин, лекин ватанингни севмаслигинг, вата-
нингдан кечишинг мумкин эмас экан, асло! Дарвоқе,
Сайёрахон, сизнинг қалбингизда ҳам шундай туйғулар
ҳукмронлигини Муҳаммад Юсуфнинг «Лаганбардорлар»
шеърини ёддан ўқиганингизда сездим.

Ёв надир? Зўр келса ўлдиради ёв.

Булар қон сўргувчи искаптопарлар.

Қаҳҳорни қанд касал, Ойбекни соқов

Қилиб қўйганлар ҳам лаганбардорлар.

Улар устозига қулдайин кимса

Меҳрибон ҳомийси эрур шогирдларининг

Ўзи ўлдириб, сўнг мазоригача

Кўтариб боришар тобутларини...

Иккиланмай айтиш мумкин, ушбу мисраларни ўз
ватанига, унинг буюк фарзандларига меҳри тўла бўл-
ган кишигина қалбида кўтариб юради. Абдулла Қаҳ-
ҳорнинг тили ва маҳорати ҳақидаги бетакрор фикрла-
рингиз эса ҳамон қулоғим остида...

— «Миллий тикланиш» партияси кишиларга, ёш-
ларга қандай бахт ваъда этади,—деб сўрабсиз. Синглим
Сайёрахон! Кишини бахтли қилиб бўлмайди, аммо
унинг бахтли яшаши учун имкониятлар яратиш мум-
кин. Ҳатто энг мукамал жамият ҳам ўз аъзоларига
бахтли яшаш имконини яратишигина ваъда қилиши
мумкин, холос. Бизнинг партиямиз ҳам шундай. Пар-

тиямиз ноҳақ унутилган, камситилган ота-боболаримиз номларини, маънавий бойликларимизни, қадриятларимизни тиклаш орқали халқимизда миллий гурурни, жаҳон халқлари ичида ўзига яраша ўрни, цивилизацияга қўшган улуши борлигини англаш ҳиссини шакллантириш учун курашади. Хўш, бу бахт эмасми? Замахшарий, Нақшбанд, Бухорий, Термизий, Фитрат, Чўлпонлар... руҳини шод этиб ёдга олиш, улар дилини ўртаган фикрларни ўқиш, шеърларини ёдлаш бахт эмасми?

*Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб
Энимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: «Югуриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни шунчалар гўзал!
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»*

Чўлпоннинг бу шеърини шунчалар нафис, шунчалар серҳис эканлигини мен сиз туфайли билдим. Сиз уни ёддан ўқиганингизда чехрангизда балоғатни, ҳаётга муҳаббатни, нафосатга чексиз меҳрни кўрдим. Сизнинг ўзингиз, шоир айтганидек, «*Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал*» эдингиз шу лаҳзаларда. Бахтиёр ҳам эдингиз. Газетамиз сонларини варақласангиз, ташкилотларимиз ўтказаетган кечалар, учрашувлардан хабардор бўлсангиз, партиямиз Чўлпон ижоди ва ҳаётини ўрганишга катта ҳисса қўшаётганининг гувоҳи бўласиз. Демак, сизни Чўлпон ижодига ошно қилишда партиямизнинг ҳам ўзига яраша хизмати бор.

«Фуқаролари бебахт жамиятнинг ўзи ҳам бебахт. Давлат ўз фуқароларининг толеи билан ҳеч қачон қизиқмаган. Унга ўз осойишталиги муҳим», деб фикр юритасиз. Тўғри пайқабсиз, фуқаролари бетоле жамият бахтиқародир. Аммо бахтни ким яратиб беради? Давлатми? Йўқ. Ота-онангизми? Йўқ. Давлат ва ота-онангиз сизга бахтли яшаш учун имкон яратиб бериши мумкин, холос. Бахтни эса ҳар ким ўзи яратади. Шоир мутлақо ҳақ: «*Ғойибдан келажак бахт бир афсона*» (Ғафур Ғулом). Агар бахтни давлат ёки ота-онангиз яратганда эди, одамда бахт деган тушунчага ҳожат қолмасди. Унда яшаш истаги ҳам қолмасди. Одам ўз бахтини ўзи яратгани туфайли ҳам бахтиёрдир. Шундай имкониятдан маҳрум киши эса, ҳақиқатдан ҳам бахтиқародир.

Сайёрахон, ушбу мактубни ёзиб тугатаётганимда

хонамга қизим кириб келди. «Дада, нималар ёзясиз ўзи? Тонгда ҳам ёзасиз, тунда ҳам?» «Бахт ҳақида ёзяман, қизим». «Хўш, бахт нима экан?» —деб сўради у қизиқиб. Узоқ тушунтирдим. Охирида дедим: «Мен учун бахт — бу сенсан, қизим». У эса сўзларимга бепарво, меҳр тўла кўзларини девордаги неварам сура- тига тикиб жилмайиб турарди. Мен хафа бўлмадим, чунки билардим — ҳар кимнинг бахти ўзгача. Одам учун одам бахт экан, унинг бахтиёр яшашига ҳам ишон- са бўлади. Ерда, ҳаётда бахт борлигига ҳам.

1996 йил

ИККИНЧИ МАКТУБ

Синглим Сайёрахон! «Саодат» журналида (1997 йил, 2-сон) чоп этилган «Севгим, севгилим» сарлавҳали мақоламни ўқиб ёзган мактубингизга кечикиб жавоб бераётганим учун узр. Бошида оила ҳақида мен янги фикр айта оламанми, менгача бари айтилган, уларни такрорлаб насихатгўйлик қилишим шартми, деган ўйга бордим. Кейин ўйлаб кўрсам, азалий мавзуларга оид муаммолар ҳам азалий экан.

«Одамзод ўйлаб топган нарсалар ичида,—деб ёзиб- сиз,— энг қудратлиси — зар, пул. Гоҳо телевизорда, «оила, аёл — муқаддас» деган таърифларни эшитиб қоламан. Ахир ҳаммага аён-ку: «зари борнинг ўчоғида ўчмайдиган нори бор, зари борнинг қучоғида кечмай- диган ёри бор» (халқ қўшиғи). Наҳотки, элга аёни илмга аён бўлмаса?..»

«Оила—табиатнинг шоҳ асари» (Ж. Сантаяна, аме- рикалик файласуф). Одамнинг ҳам. Бу «асар»ни одам асрлар давомида ёввойи табнатдаги бежилов ва бе- раҳм, ўз руҳиятидаги бетаскин ва бетаслим кучларга қарши яратган. Бу кураш ҳаёт ва мамот кураши эди. Одам гоҳида мағлуб бўлди, гоҳида—ғолиб. Лекин охири оқибатда ундаги яшашга бўлган сабр устун чиқди. Тўғри, бу кураш ниҳоясига етган эмас. Баъзи оилалар- да меҳр бемеҳрликка, вафо бевафоликка, садоқат сот- қинликка айланиб, бегуноҳ норастанлар аросатда, бе- мадад қолса, азалий ахлоқий тартибларни топтаб, шаҳвоний майлларни қондириш учун бир-бирига ёт ҳамхобалар панада қовушса, биллингки, оиланинг му- қаддаслиги учун кураш ҳали давом этади. Давом эт-

моғи ҳам шарт. Ҳозир менга бир нарса аниқ—мабодо бирорта муртад ва манфур куч одамни ўзи яратган барча қадриятлардан воз кечиб, улардан фақат битта-синигина сақлаб қолишга мажбур этадиган бўлса, у иккиланмай оилани танларди. «Инжил»да зикр этилишича, Қодири Мутлақ Одамни умрбоқий қилиб яратган. Кейин у аёлнинг гапига кириб, тақиқланган мевани егач, Яратган уни беҳишдан қувган, аёл билан бир тан бўлгач эса умрбоқийликдан маҳрум этган. Менинг ишончим комил, агар ёнида оиласи бўлмаганида одам ўз умрбоқийлиги учун Яратганга шак келтиришдан қайтмасди. Хўш, шундай экан, оиладан кўра зар муқаддас бўлиши мумкинми? Ахир одам зарни, топганларини нимага сарфлайди? Энг аввало оиласига эмасми?

Менга эътироз билдириб ёзибсиз: «Оламни одам бошқарса, одамни зар бошқаради. Зарли зорлиқ билмас. Заҳм чекмас». Инкор қилмайман, зар замон тебратган. Яна тебратар. Зарли, пулдор кишининг ўзини тутиши бошқача. Унинг ҳаракати ғайратли. Алфозлари асосли, фикрлари салмоқли. (Дарвоқе, кейинги пайтларда «иш қилдим» ўрнига «пул қилдим» иборасининг пайдо бўлгани даврнинг қайси томонга ён босаётганини кўрсатади). Пул одамга қаср, қадр ва қувват беради. Зари, пули йўқ кишига қаранг: унинг на ижтиҳодида шижоат бор, на шаклида салобат. «Берганинга шукр»—унинг алфози, яшаш шнори. Бироқ, зарни, пулни, улар қанчалик қудратга эга бўлмасин, яратган одам. Аслида зар—оддий жез. Пул эса оддий қоғоз. Уларни қадрли қиладиган — одам, жамият. Демак, гап зарда, пулда эмас — одамларда, жамиятда. Оилага келсак, ҳеч бир жойда пулнинг қудрати оиладагидек бўртиб турмайди. Буни олимларимиз, гапимга ишонинг, яхши билади. Керагидан зиёд ҳам билади. Аммо уларда бор зиддиятларни рўй-рост очиб берадиган шижоат кам.

«Поччам бир толибаси билан юрар экан. Опам билиб қолибди».—Мен ундан кечмайман, кетсанг кетавер!—дебди поччам опамга. Опам бечора йиғлайвериб, чўп бўлиб қолди. Ажралай деса, ўртада икки ўғил бор. Ишонасизми, маҳалламизда бегона аёл билан юрмайдиган эркакнинг ўзи йўқ. Ён қўшнимизнинг, у тўқувчилик корхонасининг бошлиғи, учта хотини бор. Газета ва журналларда, телевизорда, оила ундай, оила бун-

дай, деб лофлар тўқишади, ҳаётда эса уларнинг теска-
риси...»

Сайёрахон, ҳаёт бизнинг хаёлий андозаларимиздан кенг. Жамиятдаги ҳар бир ўзгариш бирпасда онлада ўз аксини топади. Халқлар ва давлатлар ўртасида кенгаётган алоқалар, 70-йилларда Фарбда авж олган «муҳаббат инқилоби»нинг ҳозир Россия ва қўшни республикаларда тарқалаётгани бизнинг ҳаётимизга ҳам таъсир қилмай қолмади. Тарихдан эса маълум, бир замонлар аёллар вафот этган эрлари билан тириклай кўмилишни ўзларига шараф деб билганлар. Жоҳил Нерон ўз устози Сенеканинг томирини қирқишга ҳукм қилганида, донишманднинг хотини ҳам шу қисматни ўзига ихтиёр этган. «Манфур ўлимдан мағрур садоқатим устун!» Тўғри, ғайриинсоний жасоратни энди ҳеч ким аёлдан талаб этолмайди. Ҳозир давр бошқа. Кимга садоқат кўрсатиш шахснинг ихтиёрида. Бу унинг қалбиши. Тайёр андозалар билан фикрлашга ўрганган биз учун бу эркинлик ғайриахлоқий, ҳатто ғайримиллий кўриниши мумкин. Лекин, начора, ҳаёт хаёлий андозаларга, истаклар асосига қурилмайди. Бугун тенгсиз бўлиб кўринган сиймо эртага кўзингизни қувонтирмаслиги, қалбингиз тубида яширинган мубҳам бир ҳис, бир туртки боис, муқим турмушингизни тумтароқ қилувчи бошқа бир сиймони учратиб қолишингиз мумкин. Дунё кезиш, ранг-баранг олам ва одамлар билан мулоқот қилиш имконияти кенгайган ҳозирги пайтда шундай бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Ҳеч ким.

Сайёрахон, яна такрор айтаман, ҳаёт тайёр андозаларга, истаклар асосига қурилмайди, балки аксинча, сиз ҳаёт оқимига мос келувчи, уни қўллаб-қувватловчи андозаларни, истакларни топишингиз керак. Ана шунда ҳаётингиз, умрингиз фожиага айланмайди. Мабодо опангиз бошига нохуш савдо тушган экан, энг аввало, унга ноўрин қадам қўймасликни маслаҳат бераман. Ажралиш осон, бир «туф» мисол. Бунинг учун ақл, мулоҳаза, сабр-тоқат каби инсоний фазилатлар керак эмас. Аммо оилага бўлган меҳрни, садоқатни исботлаш учун улар шарт. Шу билан бирга аёл қалбига табиат жо этган зукколикдан ҳам бу йўлда фойдаланиш керак. Ҳўш, бу зукколик нима экан, деб сўрашингиз табиий. Поччангизни ром этган толиба ким? Унинг қайси сифатлари опангизда йўқ? Ёшлигимни ё кўҳлиги? Аёл истаса ўзини ёш, истаса кўҳлик кўрсатиш илмига эга.

Хусни? Тўғри, ҳусн эркакни тез ром этади, ахир айтишадн-ку, эркак кўзи билан севадн, деб. Лекин эркак ҳусндан тез безадн ҳам. Меҳрми? Эркак — «ката гўдак». Бу бор гап. Ҳар қандай ўжар «гўдак»ни эса авраш мумкин. Аҳли сидқ қилиш мумкин. Донишманд Пифагорнинг қуйидаги ўғитига мен ҳам қўшиламан. «Оқила рафиқам!—деб мурожаат қилади у.—Агар эринг атрофингда парвона бўлишини истасанг шундай қилки, у сени ҳузурингдаги роҳат-фароғатни, меҳрибонликни бошқа ҳеч қаерда учратолмасин».

Эркак сифатида ўзим ҳам бир сирни айтишим мумкин: эркак табиатан «саргузаштчи», у доим рақиб излаб, рақиб истаб яшайди. Тўсиқларсиз ҳаёт унга ҳузур бермайди. Бироқ у узоқ саргузаштларга, чексиз азиятларга тоқатсиз. Файзли ўчоқ, вафодор дудоқ, «дадажон» деб очилган фараҳбахш қучоқ унга ҳар нарсадан қиммат. Топганидан ҳам, талпинганидан ҳам.

Яна. Огоҳлантиришим ҳам зарур: оғиз билан қулоқ ораси бир қарич, аммо оғиз илтижосининг, юракка эмас, ҳатто қулоққа, айниқса, ўзга қулоққа бориб етиши учун баъзан бир умр ҳам камлик қилади...

«Биз ўзбеклар оила, фарзанд, қавму қариндош, маҳалла учун яшайдиган миллатмиз. «Ўзинг учун яша» деган нарса биздан узоқ. Шу боис бир-биримизнинг на фикримизда фарқ бор, на зикримизда. Ахир, киши энг аввало ўзи учун яшаши керак эмасми? Ахир, одам бетакрор иқтидорини, ҳаётий режаларини рўёбга чиқариш учун дунёга келмаганми?» Сайёрахон, тўғриси-ни айтсам, бу дадил фикрларингиз менга ёқади. Аммо «Ҳаммаям оила қуриши шарт эмас. Буюк ўзгаришлар ва кашфиётлар қилишга оила халақит беради», деган фикрингиз менда эътироз уйғотди. Аслида бу сўзларингиз янгилик эмас. Инглиз файласуфи Френсис Бэкон, «Фақат танҳо кишиларгина буюк ишларга қодир» деган эди. Лекин ҳар бир алоҳида шахснинг мустақил фикрини шахсий, деб қабул қилмоқ жоиз. Барча атоқли кишиларнинг ҳам ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаси яшаш тарзига йўлланма бўлавермайди. Тарих, ҳаёт эса бу фикрларни тасдиқлайди.

Ким учун, нима учун яшашингиз сизнинг ихтиёрингизда, албатта. Бироқ сиз онладан, маҳалладан, жамиятдан ташқарида яшамагансиз. Улар яратган неъматлар, бойликлар туфайли камол топгансиз. Айниқса, ўзлари емай сизга едирган, ўзлари киймай сизга кийдирган, бор офияти ва руҳиятини сарфлаб сизни вояга

етказган ота-онангиз олдида бир умр қарздорсиз. Бу қарзингизни сиз энг аввало ота-онангизга неvara ато этиш билан узишингиз мумкин. Чунки, ҳаёт гули сўн-маслиги учун авлодлар аждодлар олдида қарздор қилиб яратилган. Ҳа, тан оламан, маълум бир сабаблар, ҳаётий мақсадлар боис оила қурмасдан, ёлғиз яшаб ўтганлар ҳам бўлган. Бундайлар яна топилар. Аммо бу — истисно ҳолат. Халқ, миллат эса истиснога тақлид қилиб яшолмайди.

Сайёрахон, «ўзи учун яшаш» деган фикр нимага сизни банд этаётганини сезиб турибман. Ҳаёт равон ва кенг шоққўча эмас, унинг чорраҳалари кўп. Эҳ-ҳе! Унгирлари қанчадан-қанча! Йигирма ёшингизда уларнинг борлигини билишингиз мумкин, лекин машаққатларини тўла ҳис этолмайсиз. Ҳали кучингизга ва ҳусингизга маҳлиёсиз.

Шу боис, тошойна олдида турганингизда олам пойнингизда кўринади, на имтсолга борсиз, на илтижога, на тилакка эгиласиз, на талабга. Минг ваҳки, куч ҳам ўткинчи, кўрк ҳам. Ҳаёт сизни бир кунмас бир кун ҳусингиздан чирой, тиззангиздан мадор кетганини тан олишга мажбур этади. Ана шунда сизга таёқ суянчиқ эмас, тирик суянчиқ зарур бўлади.

Ҳа, ўзбеклар оила, қариндош-уруғ, маҳалла бўлиб яшашга ўрганган. Улар нима қилмасин, нимага интилмасин, оиласини, фарзандларини кўзлайди. Халқимиздаги бу хислатнинг менга хуш ёқмайдиган томони ҳам бор. Масалан, зарур пайтда у қорани «қора» деб айтолмайди, оиламга, фарзандларимга кейин бирор корҳол бўлиб қолмасин, маҳалла, эл-юрт кўзига кейин қандай қарайман, деган ўйларга боради. Начора, биз асрлар давомида ана шундай қарашларга ўрганган халқимиз.

Сайёрахон! Яқинда даҳамиздаги Маданият саройида «Оила маданияти» мавзусида суҳбат бўлди. Унда мен баъзи бир фикрларимни исботлаш учун сизнинг мактубларингизни ҳам ўқиб бердим. Тадбирдан сўнг бир аёл ёнимга келди.

— Агар Сайёрахонга хат ёзсангиз,—деди у менга турар жойи ёзилган қоғозни узатиб,— мендан ҳам салом айтинг. Тошкентга келса, бизникига кирсин, ошансингил тутинсак ажаб эмас.

Ана кўрдингизми, синглим, нотаниш аёл сизга сирдош, нотаниш оила сизга ғамдош бўлишга шай. Бундай фазилатларни эса одамга оила ўргатади. Демак, одам-

30Д мавжуд экан, уни оиладан ҳам қудратли, оиладан ҳам муқаддас куч борлигига ҳеч ким ишонтиролмайд.

Мулоқотимиз ҳали яна давом этади, деган умиддаман.

1996 йил

АЁЛ МУЪЖИЗАСИ

* Донишмандлик — аёлга бўлган муҳаббатдан бошланишини тан олмагунча фалсафа ўткинчи талаблар, қотиб қолган қондалар ва сийқа таърифлар қурбони бўлиб қолаверади.

* Шарқ ривоятларидан бирида айтилишича, Қодир Мутлақ мукамал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер, ўсимлик, жониворларни, охирги кунни эса эркакни яратибди. Яратганлари бир-бирига шунчалик мутаносиб эканки, уларнинг мукамаллигига Қодир Мутлақнинг ҳаваси келибди.

Кейин қарасаки, яратганлари янада мукамал бўлиши учун аёл зоти етишмаётгандай туюлибди. Бахтга қарши лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда у Ойдан аёл жамолини, тундан қошу кўзини, мажнунтолдан сочини, камалақдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва ҳуркакликни, тонгдан мусаффоликни, сакдан садоқатни, асаларидан бол териш хислатини, серфарзанд бўлсин, деб балиқдан увилдириқни, айтганлари куй, хониш бўлсин, деб булбулдан навони, хуллас, ҳамма нарсадан бир чимдим, бир чимдим олиб аёлни яратибди. Натижада мукамал дунё номукамал, яъни бир кам дунёга айланибди. Ёлғиз аёлгина мукамал эмиш...

* Табиатда битта мукамал муъжиза бор, у — Аёлдир!

* Қадимги ҳинд қабилаларидан бирида қабрга аёлни эркаклар, эркакни аёллар кузатиб қўйишар экан.

* Инсоният заифани шарафлаган даврларни шарафлаб, заифани улуғлаган шахсларни улуғлаб келади. Заифани шарафлашга ўзида куч тополмаган даврда комиллик, заифани улуғлашга ўзида куч тополмаган одамда каримлик йўқ.

* Кўҳна ҳинд афсоналаридаги худолар рамзи — аёл. Масалан, Индрани олайлик. Унинг тасвири кейин-

Ғи даврларга хос тасаввурлардан. Аммо одамзод ҳа-
нузгача азалиятни аёл шаклида тасаввур қилади. Шу-
нинг учун Расул Ҳамзатов аёлга қарата: «Сен шоним-
сан, сен саройим, Сен жонимсан, сен Худойим!» дега-
нида юз карра ҳақ эди.

* Биринчи муҳаббат — аёлни билиш сари қўйилган
биринчи қадамдир. Лекин аёлни билиш учун биринчи
қадамнинг ўзи камлик қилади. Буни қирқдан ошган
ҳар бир эркак тасдиқлаши мумкин.

* Бир донишманд: «Аёлсиз яшаш қийин, лекин аёл
билан яшаш ҳам мушкул», деган экан. Даҳолик ва
бақолик ҳикмати ана шу «икки ҳикмат» орасида: би-
ринчисида даҳоликка эришиш мумкин, лекин танҳосан,
иккинчисида гадо бўлишинг мумкин, лекин бақосан.

* «Она қарғиши — тилдан, ота қарғиши — дилдан»,
деб насиҳат қиларди бувим ёшлигимда, — Ота қарғи-
ши Худо қарғиши, ота қарғишидан қўрқ, болам!

* Аёлни алдаган ўзини алдайди. Бироқ мен ҳозир-
гача, аёлдан алданганман, деган эркакни учратмадим.

* Эркакдан кечган аёл — эркидан кечган аёл, эр-
кидан кечган аёл—ўзига ўзи қул аёл.

* Заифадан рақиб излама, охирида ўз ақлинг қосир,
руҳинг заиф эканлигига иқрор бўлишдан ўзга чоранг
қолмайди. Аёлдан дўст қидир, аёлни ёр тут, алқисса,
руҳинг шод, уйинг обод бўлганлигини кўриб Қодири
Мутлаққа ҳам, кулбайи чироққа ҳам тасанно айтасан.

* Ҳаётнинг ибтидоси ҳам аёл билан, интиҳоси ҳам.
Сен аёл учун ўзингдан кечсанг-да, аёл сен учун ўзи-
дан кечолмайди. У фарзандлари учун ўзидан, лозим
бўлса, сендан ҳам кечиши мумкин.

* Аёлдан айш қидирган ҳам, айб қидирган ҳам эр-
как. Унинг айбини оламга ёйган ҳам эркак. Масалан,
«Қамасутра»дан тортиб, то «Лолита»гача ҳаммаси —
унинг иши. Бу билан эркак ўзини-ўзи бадном қила-
ётганини билмайди. Аёл эса ҳамон унинг истакларига
ҳам, қилмишларига ҳам жимгина кўниб келади. Назар-
римда, «Нодонга энг тўғри жавоб — сукут» эканини
аёл яхши уқиб олган.

* Эркак ғайрати ва илми билан дунё қуради, аёл
латофати ва ҳилми билан. Эркак ҳамиша безовта, бо-
рини сарфлаб дунё кезгани кезган, аёл — осуда, меҳ-
рини сарфлаб уйини безагани безаган. Эркак учун
дунё — уй, аёл учун уй — дунё. Эркакнинг қисмати

жабр, аёлнинг қисмати — сабр. Чунки эркак жабр тортиб тахт топади, аёл сабр қилиб — бахт...

* Аёлдан сирдош тутмагунингча, одамзоднинг бир елкасида Холиқ, бир елкасида Махлуқ ўтиришини билмайсан.

* Адолат — заифага иззатдан бошланади. Токи кўзи нам, боши ҳам бирон заифа бор экан, адолат ҳақидаги сўзларимиз ҳам ҳавоий бўлиб қолаверади.

* Аёллар қисматига қараб, юртнинг қисматини айтиб берса бўлади.

* Машҳур донишманд Диоген бочкада яшаган. У: «Нимаики инъом этмасин, аёлни ёнимга киритмайман», деган. Эҳ, Диоген, Диоген! Бу аслида аёлдан кечганининг эмас, аёлни севганининг гапи.

* Аёлнинг бир нарсага ҳеч ишонгиси келмайди — қариганига. Шунинг учун ҳам вақт дарёсини орқага қайтаришни орзу қилмаган аёлни топиш душвор.

* Исо алайҳиссалом гуноҳкорларни кечириб, ганимларни севиб яшашга даъват этади. Бунинг учун Биби Марямдан ўрганган бўлса, ажабмас. Фақат аёлларгина бундай жасоратга қодир, эркаклар эса, юқорида айтилганидек, рақиб истаб ва рақиб излаб яшайди.

* Ҳаёт гули сўлмасин деб, аёл ўз бокиралигидан воз кечади. Айнан мана шу фидойилиги учун эркак доимо унинг атрофида парвона.

* Ҳамд ва ҳадыга зикна киши аёлга дўст бўлолмайди.

* Икки пурмаъно ҳикмат бор. Биринчиси — аёл қулоғи билан севади, эркак—тили билан. Иккинчиси — ҳақиқат гапирувчининг тилида эмас, эшитувчининг қулоғида. Бу икки ҳикматни бир-биринга қўшолсангиз, аёл дилига йўл топасиз.

* «Асал» деб «заҳар» тотиш эркак қисмати, «асал»дан эркак безмасин деб, «заҳар» бўлиш аёл ҳикмати.

* Аёл ўзини малика билиб қанчалик кўз-кўз қилмасин, ўзи туққан фарзандининг чўриси эканини асло унутмайди.

* Давлатларни аёллар бошқарганида эди, дунёда ўз фуқароларини шилувчи бирорта ҳам ҳукумат бўлмасди. Чунки тошганини фарзандларига сарфлаш хислати фақат аёлга хосдир.

* Эркак учун севилиш эмас, севмаслик азоб, аёл учун севиш эмас севилмаслик азоб.

* Малик бўлишни истамаган йигит йўқ, малика бўлишни истамаган қиз.

* Биринчи бўса фахр уйғотади, иккинчиси — меҳр, учинчиси... Учинчи бўсадан кейин аёл жабру истакларига банд бўлганини тан олишга мажбурсан.

* Онам менга қадр нималигини ўргатди. Хотиним — меҳр, қизим — жабр. Ҳайратга соладигани шундаки, жабр нималигини ўргатгани менга азизроқ.

* Аёл муҳаббатини қозониш учун ҳатто зардан фойдаланганлар. Масалан, Зевс Данайяни зар бериб қўлга киритган. Йигирма беш асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, зар қудрати ошса ошдики, камайгани йўқ.

* Ҳамма нарса бир кун жонингга тегади, фақат аёл, маҳбуба ҳақидаги ўйлардан ҳеч зерикмайсан. Вақт ўтиб ҳамма нарсадан безасан — мансабдан, давлатдан, унвондан, шуҳратдан... Фақат бир нарса ўйингни ҳам, уйингни ҳам доим безаб туради, у — аёлдир, аёл!

* Эркакни туғиб, уни яна ўзи қийноққа солиш сиридан фақат аёл воқиф.

* Аёл пайғамбарларни, авлиёларни, даҳоларни туғиб, вояга етказган бўлса-да, ўзи пайғамбарликка ҳам, даҳоликка ҳам даъво қилмайди, аксинча, ўзи уларга сиғиниб яшайди.

* Аёл миллатпарастдан эмас, иллатпарастдан қўрқади.

* Бир танишим: «Аёл — ҳикмат», — деб юрарди. Вақтидан олдин туғилган фарзандига ўзи доялик қилишга мажбур бўлгач, «Аёл — ҳикмат, аммо аёллик — азият», дейдиган бўлиб қолди.

* — Рашкингиз борми? — деб сўради таниш бир аёл.
— Сизни ҳатто ўзимдан ҳам рашк қиламан...

— Кечирасиз, унда мен рашкинг эмас, ишқинг қурбони бўлишни истайман, — деди у.

* Эркаклар ақлли аёлга эмас, чиройли аёлга уйланишни маъқул кўрадилар. Чунки, биринчиси улар дилида ҳасад уйғотади, иккинчиси — ҳавас. Ҳавас билан бир умр яшаш мумкин, ҳасад билан-чи? Асло.

* Аёлга маълум сир — оламга маълум.

* Эр кўрган аёлнинг эркалиги бошқа, аёл кўрган эркакнинг — айёрлиги.

* Аёл гийбат қилиб юрагини бўшатади, бу унинг иллати эмас, зийнати.

* Аёллардан файласуф чиққан эмас. Чунки улар донолик қилишдан донолар туғишни афзал кўрадилар.

* Бахтиёрлик боисини аёл ўзида деб билади, бахтсизлик боисини — эрида.

* Ҳатто рад қилиб бўлмас далиллар билан айбини исботласанг ҳам, аёл ўз бегуноҳлигини исботлаш учун далил топа олади.

* Аёлнинг рақиби — аёл.

* Онаминг ҳорғин ва сокин нигоҳида менга аталган меҳр яширинган, қизимнинг шўх ва ўйноқи кўзларида кимгадир аталган сеҳр.

* Цицерон: «Аёл бўлмаганда эркак худо бўларди», деган экан. Эркак бўлмаганда-чи? Аёл маъбуда бўларди. Суқсур маъбуда!

* Эркакнинг эртага, индинга, ҳатто бир йилдан кейин ҳам нима билан банд бўлишини айтиб берса бўлар балки, аммо аёлнинг нима билан банд бўлишини айтиб беролмайсиз. Чунки у ҳар бир дақиқадан, ҳар бир кундан мўъжиза кутиб ва мўъжиза топиб яшайди. Шунинг учун эркак вақтнинг ҳукмрони, аёл — қурбони.

* Маҳбубаси илҳом ёки далда бермаганида, эркак зоти бирорта ҳам арзигудик кашфиёт қила олмасди. Шунинг учун у барча кашфиётларни аёл исми билан атайди ва ўз ожизлигини билмаган ҳолда, ошкор этади.

* Аёллар бирлашса тахтлар, чегаралар ва салтанатларга ўрин қолмасди, барча халқлар бир давлатга фуқаро бўлиб, бир динга эътиқод қўйиб, бир мавжудотдан нажот кутиб яшарди. Ўша давлат, ўша дин, ўша мавжудот — аёлдир, аёл!

* Аёл рад этган ҳикматдан ҳикмат топа олган одамгина яшашдан ҳикмат топа олади.

* Ҳамма эркакка бир хислат хос — ўз кучига мубталолик, ҳамма аёлга бир иллат хос — ўз кўркига маҳлиёлик.

* Қудратингни синамоқчи бўлсанг, аёл билан яша, ожизлигингни синамоқчи бўлсанг, аёлсиз яша.

* Алла — мангулик мадҳияси. Аллада барча донишмандлар топган ва ҳали тополмаган донишмандлик яширинган.

* Аёл мавжудлигининг ўзи бир зийнат!

* Севганлар — кўп, севилганлар — оз. Севганлар ҳам, севилганлар ҳам аёл ҳукмида.

* Эркак фаҳми билан етган ҳақиқат — аёл қалби билан етган ҳақиқатдир.

* Жонингдан кечишга лойиқ бирорта ҳам аёлни учратмаган бўлсанг — ё кўрсан, ё гўрсан.

* Руҳнинг борлиги ва ўлмаслиги рост бўлса, у руҳ аёлдир. У элдан элга, макондан-маконга, замондан замонга ўтиб авлодлар дилини — меҳрга, ўйини — келажакка, ғайратини — мангуликка даъват этиб юради. Уни сезмаганлар ёки тан олмаганлар заиф кўланка каби ҳаёт саҳнасига ета олмай сўнадилар. Энг ғаройиб шундаки, бу руҳнинг аёллигини биринчи бўлиб аёлнинг ўзи рад этади.

* Ҳар қандай изтироб, у қанчалик аламли бўлмасин, пайти келиб унут бўлади, аммо рад этилган илк муҳаббат юрагингда битмас армон бўлиб қолади. Уни ҳатто кейинги эҳтирослар, ардоқлар ҳам бутунлай ўчиролмайди. Уйинг, хаёлинг илк ишқий таассурот билан борлиқ ўртасида сарсон кезади, қулоқларинг унинг алфозини эшитишга, лабларинг унинг исмини такрорлашга интилаверади.

* Қачон, қаерда ва кимни севиб қолишингни ўзинг ҳам билмайсан, акс ҳолда, севги азоби ҳеч кимни қийнамаган, ёр висоли ҳеч кимни зор-интизор қилмаган бўларди. Муҳаббат сени ногаҳон кашф этади, сен оламни кашф этасан. Улар ўртасида бир қўлида ишқини, бир қўлида оламни тутиб аёл мағрур яшайди.

* Қирқ кишининг умрини кўрсанг ҳам, бир аёл қалбини тўла билолмайсан, эркак қалбини билиш учун эса «аёл» деган бир сўз кифоя.

* Абадият диалектикаси: эркак аёлга талпиниб яшайди, аёл фарзандларига талпиниб, фарзандлари ўзгаларнинг фарзандларига ҳам талпиниб, ҳам топиниб яшайдилар.

* Хотин кишининг узоқ вақт сукут сақлаши ваҳимали момақалдироқ, кучли бўрон, қаттиқ дўл олдидан бўладиган сукунатни эслатади. Жимлик тугагач, эр яширинишга жой топа олмай қолади.

* Ғазабнок аёлдан кўра, ғазабнок асадга дуч келган маъқул.

* Эркак машҳурликни севади, машҳур аёлни эмас. Аёл машҳур эркакни севади, лекин машҳурликни эмас.

* Аёл — ечиб бўлмас жумбоқ! Бироқ у «физиклар»га эмас, «лирик»ларга муштоқ!

1997 йил

АЁЛ ҚУДРАТИ

* Мени туққан — рус аёли, боққани — ўзбек. Бири менга жон берган, бири — нон. Жонсиз танда ҳаёт қайда, нонсиз танда — қувват?

* Илк куйдиргани — у эди, насиб этгани — бу бўлди. Кейингиси билан дилим шод, уйим обод яшасам-да, илк куйдирганини ҳеч унутолмайман. Флобер ҳақ экан: «Тўйдирган ҳаётдан кечиш осон, жуда ҳам осон, аммо куйдирган аёлдан кечиш, о, қанчалик қийин! Қалбинг тубига жо бўлган моҳрўй сиймони на қувончлар ўчира олади, на қучоқлар...»

* Тўрингни гулистон қиладиган ҳам, гўристон қиладиган ҳам — аёл. «Гулим» деб севсанг, у тўрингни гулистон қилгай, «қулим» деб қувсанг — гўристон.

* Аёл қудрати — аёлликда. Буни билиш учун ҳатто Зевс ҳам ўзининг Яздоний қудратидан воз кечиб, Ерни макон қилган экан.

* Эркак «қудратим — ақлимда» дейди, аёл — «қалбимда». Эркак «бари топганим билагимдан» дейди, аёл — «тилагимдан». Эркак ақлига сиғинмаганининг, билагини яратмаганининг қадрига етмайди, аёл — қалбини туймаганининг, тилагини топмаганининг. Қодирини Мутлақ ақл билан қалб, билак билан тилакни якжиҳат яратган.

* Донишмандликнинг боши — бешикда. Кейин эшикда. Бешикдан ҳикмат тополмаган эшикдан тополмайди.

* Эркак қуёш қудратини тоғу тош қаъридан ёриб чиққан майсада кўриши мумкин, аёл қудратини — бешикдан таралган «инга»да. Бироқ у на қуёш қудратини тўла ўлчаётлади, на аёл қудратини: унга бу қудратларнинг мавжудлигини тан олиб яшаш имкони берилган, холос.

* Аёлнинг топгани ҳам фарзанди, топинадигани ҳам фарзанди. Фарзандига озор етказадиган ҳар қандай нарсага аёл душманлик кўзи билан қарашга тайёр.

* Эркакнинг мангулик ўлчови мингта. Давлат, шуҳрат, унвон, мансаб... Аёлнинг эса ўлчови битта, у ҳам бўлса фарзандларидир.

* Аёл ҳаммасидан ҳам ёлғизликдан қўрқади. Аёл вужудига Яратган шундай бир иқд жо этганки, ёлғизлик азобидан халос бўлиш учун у ҳатто яъжужга ёндош бўлишдан ҳам қайтмайди.

* Гўзал аёлнинг ўзи — давлат, ўзи шуҳрат. Агар шундай аёл яна давлат ва шуҳрат истаса борми, эркакларнинг ҳолига вой. Бунга Клеопатра мисол.

* «Бошинг тошдан бўлсин, илоҳим», деб тилак қиларди бувим. «Қаддингиз тоғдек бўлсин», деб ният қилади хотиним. Серғавго турмушнинг ташвишларини чекавериб, бошим тошдан ҳам қаттиқ, серғалва ва «омонатнинг» чопишларига чидайвериб, қаддим тоғдан ҳам виқорли бўлди. Аммо тошдан ҳам қаттиқ бошим, тоғдан ҳам қаттиқ қаддим «дадажон» деган бир оғиз сўз учун қизимга нозик ниҳолдек нигун. Бундан гоҳо ўзим ҳам ҳайратдаман.

* Эркак ҳақу ҳақиқат деб нималарни тарғиб қилмасин, уларга аёл ишонмагунча эл ишонмайди. Буни Муҳаммад алайҳиссалом яхши билганлар: шунинг учун ҳам у исломга биринчи бўлиб ўз рафиқалари Ҳадичани ишонтирганлар.

* Аёлдан нажот кутадиган эркак ўз кучига ишончини йўқотади. Аёл ҳамдард, ҳамсуҳбат, ҳаммаслак бўлиши мумкин, ундан ортиғига эркакнинг ўзи қодир. Еки Қодир қодир.

* Аёлга муҳаббат — ҳаётга муҳаббат, бироқ ҳаётни севганинг аёлни севганинг эмас, чунки аёл ҳаётдан ҳам улуғроқ ва қимматлироқ бир зотки, фақат уни севиш орқалигина ҳаётни севишингни исбот этасан.

* Аёлни суймагунча ва аёлдан куймагунча эркак дунёга нима учун келганини билолмайди.

* Эркак аёл ва аёлниг нималигини билгач, ўзига оламни билиш учун ақл, борлиқни яратиш учун қўл, ҳаётни севиш учун юрак берилганини англади. Шундан бери унинг ақли аёл ва аёлликни шарафлаб, қўли аёл ва аёлликни қўриқлаб, юраги аёл ва аёлликни ардоқлаб келади.

* Ҳаётингдан нолисанг аёлдан маслаҳат сўра.

* Қобордин шоири Олим Кешоков аёлга қарата: «Агар мен тоғ бўлсам, сен — тонгги шафақ» деган экан. Тонгги шафақ туфайлигина тоғ чўққиси виқорли кўринадиди!

* Аёл қалбига туташ йўл — қил кўприк. Ҳамдга ва ҳадяга зикна эркак ундан ўтолмайди.

* Аёл — хушомаднинг қули. Хушомаднинг бўлмаса, инъом этган жаннатинг ҳам уни шод этолмайди.

* Рашки йўқ аёл — ишқи йўқ аёл. Аёл рашк қилиб, ишқига ўзини ўзи ишонтириб юради.

1999 йил.

СЕРФУСУН АЁЛ

* Аёлни улуғлаган — ҳаётни улуғлаган. Аёлдан кечган ҳаётдан кечган. Ҳаётни улуғлаганни замон улуғлайди, аёлдан кечганни на Яратган кечиради, на яратилган.

* Умр бўйи эслаб юрадиган хотирот — аёл ҳақидаги хотиротдир. Аслида умр — суйдирган ва куйдирган аёллардан қолган хотиралар тўплами. Унинг муаллифи ҳам ўзинг, муҳаррири ҳам ўзинг. Аёл эса — мунаққид.

* «Аёлнинг кўксидан ҳаётнинг боши...» деган Байрон. Ҳаётнинг охири-чи? Жавоб кўп. Боис ҳам кўп. Лекин ҳеч ким аёлни айбламайди, чунки ҳаёт интиҳосини излашдан кўра ҳаёт ибтидосига шукур қилиб яшашга ўрганган одамзод.

* «Аёл — худонинг иккинчи хатоси» (Ф. Ницше). Лекин энг пурҳиммат ва пурҳикмат хатоси.

* Худо Момо Ҳаволарни эмас, Момо Ҳавони ёлғиз яратиб Одам Атога қўшган. Бу ниятда ахлоққа, иф-фатга, наслга тааллуқли ҳикмат бор эди...

* Эркак кун демай, тун демай югуради, чопади. Офияти ва оромидан, кучи ва қувватидан кечади, охир натижада топган-тутганини аёл пойига тўкади. Чамада, табиат аёлни эркак устидан кулиш учун яратган.

* Эркак чекадиган тан жароҳатларига ўзи сабабчи, дил жароҳатларига — аёл. Тан жароҳатларини эркак тез унутади ва тез кечиради, дил жароҳатларини эса ҳеч қачон унутолмайди. Унинг умр бўйи бағрини эзадигани — аёл қолдирган дил жароҳатларидир.

* «Эҳ, ихтиёримда бўлганидами, аёл деб аталган яъжужга нигоҳим тушмаслиги учун кўзларимни, ишқим тушмаслиги учун юрагимни юлиб ташлардим». (Қ. Ҳаббард.) Фузулий эса, «Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим», дейди. Кўзларни қувончга, юракни оташга тўлдириб «бежилов дарё» деб аталган умрни сермазмун қиладиган аёл эканини ёзувчи ва шоир унутишганга ўхшайди.

* Умрида тўртта аёлга дил изҳор этмаган эркак йўқ, умрида тўртта эркакдан дил изҳори эшитмаган аёл ҳам йўқ. Дил изҳор қилдирган ҳам аёл, дил изҳорларини эшитган ҳам аёл.

* Агар аёллар фақат қулоқлари билан севганларида эди, эркакларининг ҳовлига боғланган итдан фарқи қолмасди. Аёллар туфайли эркаклар дағал харсангдан маъбудалар йўнишни, бетартиб саслардан куйлар тў-

қишни, бемаъно бўғинлардан шеърлар битишни — ақлни лол қолдирадиган нафосат яратишни ўргандилар. Шунинг учун ижодкор эркак таланти ва заковатига тасанно айтаётганимизда қалбимиз тўрида уни туғиб воёга етказган аёл сиймоси пайдо бўлади.

* Муҳаббатдан хор бўлган аёл йўқ, бироқ унга зор аёллар кўп. Дарвоқе, аёлларнинг деярли барчаси умри бўйи ишққа зор яшайди.

* Аёл — сир. Бу сирнинг тагига етиш учун эркакка ўз завжасини билиш камлик қилади.

* Аёл — серфусун бир нуқта, олам унинг атрофида айланади. Энг ғалатиси ҳам шундаки, буни энг аввало аёлларнинг ўзи рад этади.

* Гўзал аёл миллатнинг шони, оқил аёл — давлатнинг. Гўзал ва оқила аёллари кўп юртни шуҳратнинг ўзи излаб топади.

* Хушрўйлик — аёл зийнати, лекин аёл хушторлар орттириш учун хушрўй бўлишга интилса ёмон.

* Агар аёл истаса дўзахда ҳам ўзига хуштор топади.

* Гўзаллик — бойлик. Лекин бойликсиз гўзаллик йўқ. Аёлнинг бойликка ўчлиги унинг гўзалликка ўчлигидан. Шунинг учун ҳам гўзаллик худоси — аёл.

* Ҳа, аёл — хушрўй ва хушбўй атиргул. Бошда эркак у гулнинг рўйи ва бўйидан ғурурланиб юради. Кейинчалик унинг тиканлари ҳам борлигини тан олишга мажбур бўлади. Начора, муҳаббатнинг ҳузуридан азияти кўп.

* Аёл — тасаввурдагина беқусур фаришта.

* Аёлдан қусур излаган эркакни, мабодо меннинг ихтиёримда бўлганида, ҳомиладорлик азобини тортиб туғишга ҳукм қилардим.

* Эрталаб тўшакдан турганинда кўзинг меҳр ва сеҳрга тўла паривашга тушмаса, билки, табиат сенга юрак ўрнига беҳис кесак, кўз ўрнига пўстин тешиги ҳада этибди.

* Қувватга тўла пайтинг дуч келган аёлга маҳлиқо деб эргашасан, лекин қувватинг кетгачгина аёллардан биттасини, яъни ўз завжангни, бир умр излаганингга иқрор бўласан.

* Уз завжасини севолмаган эр аёллар шаънига фиқу фасод тўқишдан нарига ўтолмайди. Завжасини севиш учун эркакка ҳар онда, ҳар куни ўзидан кечишдек жасорат керак, ўзга аёлларни севиш учун эса оддий бир нигоҳ, оддий майлу истак кифоя.

* Эркак аёл билан яшаш завқини туйиши учун ҳеч бўлмаганда йилда бир марта ё бўғзига пичоқ, ё бўйнига сиртмоқ тортиб, бу дунё уқубатларидан қутулишни истаб туриши керак.

* Суюкли хотин эридан севги талаб қилмайдиган хотиндир. Ундан ҳам суюклиси — пул талаб қилмайдигани. Улардан ҳам суюклиси — ширин орзуга, чексиз хаёлга айлангани.

* Эркак ғамгинликда хотинини қидиради, хушвақт-лигида — хушторини.

* Эркак аёлни ожиза деб аташга ўрганиб қолган. Тўғри, эркак қудрати билан дунё қуради, лекин уни аёл истагига монанд қуради. Хўш, энди айтинг-чи, ким ожиз экан?..

* Эркаклар аёллардаги барча қусурларни кечиришлари мумкин, лекин улар аёлдаги оқилаликни кечиролмайдилар. Оқила мансабга эришган заҳоти, эркаклар бирлашиб, унга ё пинҳона, ё ошкора ҳужумга ўтадилар.

* Пули кўпайганда аёл атиги икки кўли ва икки оёғи борлигидан афсус-надоматга тушади.

* Аёллар тараққиётга эргашиб эмас, ундан ўзиб яшайдилар.

* Миллат равнақи аёллар кўлида. Лекин аёллари буни билган миллатгина равнақ топади.

* Аёллар истамаган ҳаётни, тузумни, давлатни яратган эркакларни келажак бадном этади.

* «Менга тўртта аёлни бирлаштиришдан бутун Европани бирлаштириш осон» (Людовик XIV). Аёллар истамаган давлат қуришга чиранган шохларнинг ўз ожизлигини оқлаши бу.

* Ўтмиш сабоқлари бир жумлага жо. У жумла — «Ўғлонлари бемаслак, маҳдийлари баднафс, аёллари бемадад даврни келажак тавқи лаънат билан қарши олади».

* Аёллар суҳбатидан ҳам зерикарли ва бенаф нарса йўқ, лекин ана шу зерикарли ва бенаф суҳбатни умр зийнатига айлантириш сиридан фақат аёллар воқиф.

* Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор, дейди эркаклар. Улар гапининг асосий қисми ғийбат эканлигини ҳам эркаклар айтишган.

* Аёл ғийбати олдин эркакни ваҳимага солади, кейин ҳайратга, охирида эса у ғийбат аёл зийнати эканлигига иқдор бўлади. Агар аёл ғийбати бўлмаганда, нотикларнинг нутқи — ғариб, ошиқларнинг тили — соқов, адилларнинг битиклари — сийқа, тилнинг сержило

қирраларидан дурдоналар яратиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

* Тўғри, ғийбат қилиб аёл дилини бўшатади. Лекин доим ғийбат билан банд аёлнинг дили ҳам, тили ҳам меҳру муҳаббатга тўла иқроор ва илтижоларга ёпиқ бўлади.

* Аёл аёлни мақтаса билаверингки, улар ўртасида ғайримантиқий бир иқд пайдо бўлган.

* Аёл ўз эътиқоди билан эмас, балки эркаклар эътиқоди билан яшагани учун унга тасанно айтишади. Ким билади, балки бу — Шарқ аёлининг камсуқум хислатидир?

* Тунги ваъдаларнинг умри қисқа. Агар аёллар бахтиёр яшашни истасалар, эркакларнинг тунги ваъдаларини тез-тез эсига солиб туришлари керак.

* Олмон файласуфи Шопенгауэр, аёл жасоратга қодир эмас, деган эди. Асоссиз гап. Шуҳрат ва давлатга ўч, ниятига етиш учун ҳар қандай нопоклик ва ёвузликдан қайтмайдиган эркаклар билан ёнма-ён яшашнинг ўзи жасорат эмасми?

* Бедил, мансабпараст эркакларга иши тушганда, аёл ўз жинсини унутгиси келади ва, аксинча, ман-ман деган эркакларнинг иши унга тушганда, аёл ўз аёллигидан ғурурланади.

* Ҳеч кимга аёл ёки эркак бўлиб туғилиш ихтиёри берилмаган. Бироқ аёл ёки эркак бўлиб яшаш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

* Аёлнинг умрлик сирдоши — тошойна. Тошойна унинг ташқи суратини акс эттиргани учун эмас, балки дилидаги суратини акс эттиргани учун севади.

* «Аёл — бахтга таклифнома» (Ш. Бодлер). Лекин бу ҳали бахтнинг ўзи дегани эмас.

* Аёл шаънига бирор доҳиёна фикр айтолмаган эркакнинг, ҳаётни суйиб ва ҳаётда куйиб яшадим, деганлари ёлғон.

1998 йил.

СЕВГАНИМ, СИҒИНГАНИМ

* Аёлни билдинг — дунёни билдинг. Аёлдан кечган кунинг Акмалдан кечган кунинг бўлади.

* Мукамалликнинг ўзи фалсафа! Аёлликнинг ҳам!

* Эркакни уч нарса эзади: йўқсиллик, беақл фар-

занд ва жафокор хотин. Аёлни уч нарса эзоди: фарзанд-сизлик, бадавлат кундош ва бедавлат эр.

* «Маҳобхорат» пурҳикмат ҳикоя билан бошланади. Олий худо Броҳман худоларни йиғинга чақиради. Улар нчида Ганга ҳам бор экан. Бир пайт шамол туриб Ганганинг кўйлагини кўтариб юборади. Маҳобҳиша, худолардан бири, Ганганинг гўзал қоматига маҳлиё бўлиб, тикилиб қолади. Буни кўрган Броҳман аччиқланиб уни ерга, одамлар орасига бадарға қилади.

* Аёл гўзаллиги олдида ҳатто авлиёлар ҳам ўзини тиёлмаган экан, биз — ожиз бандаларга йўл бўлсин.

* Муқаддас китобларда ёзилишича, Одам Ато билан Момо Ҳаво наслимиз кўпайсин, деб қизларини олдин туғилган ўғилларига хотин қилиб берган экан. Қобил ўз туғишган синглисини севиб қолади ва унинг акаси Ҳобилга берилишини истамай Ҳобилни ўлдиради. Кишилиқ тарихидаги энг охириги жиноят ҳам аёл учун содир бўлса ажаб эмас.

* Пайғамбарларнинг бирортаси ҳам ўзига аёллардан шогирд тутмаган. Бунинг боисини узоқ қидирдим, жавобини ХХ асрда даҳолик даражасига кўтарилган ҳинд мутафаккири Шри Ауробиндодан топдим. У умрининг охирида: «Етукликни мен Оналардан топдим», деган экан.

* Эркак шуҳрати ҳавас уйғотади, аёл шуҳрати — ҳасад.

* Даҳоликнинг боши алладан. Алладан илҳом ва қудрат олмаган китоблардан илҳом ва ҳикмат ололмайди.

* Муҳаббатни аёл кашф этган, фаройиботга қарангки, аёлнинг ўзи муҳаббатнинг гадосидир.

* Фақат аёлгина қариликни тан олмайди, сочларига оқ, пешонасига ажин тушса-да, у севилишга мунтазир яшайди.

* Муҳаббатни аёл кашф этган, нафратни — эркак. Эркакнинг қудрати — муҳаббатни нафрати билан қўриқлаганида, аёлнинг қудрати — нафратни муҳаббатга айлантирганида.

* Инсоният тарихидаги илк қаҳрамонлар — амазонка — аёллар бўлган. Инсоният тарихидаги энг сўнгги қаҳрамонлар ҳам аёллар бўлса ажаб эмас.

* Аёлга ишқи сўнганларгина аёлдан ишқ талаб қилади.

* Муҳаббат — ихтиёрий асирликдир. Бироқ, эркакнинг асирлиги маҳргача, аёлники — қабргача.

* Исо Алайҳиссалом олдига бир аёлни келтиришибди.

— Буни гуноҳ устида ушладик. Илгари бевафо хотинларни тошбўрон қилишарди. Хўш, сен унга қандай жазо берасан?

— Ким бегуноҳ бўлса, — дебди Исо Алайҳиссалом, — майли, биринчи бўлиб тош отсин.

Ҳеч ким, шу жумладан, даврадаги ўн икки ҳаворий ҳам тош отишга журъат этолмабди. Хўш, Пайғамбарлар айблашга журъат этолмаган аёлни, ҳатто, у гуноҳкор бўлганда ҳам, биз айблашга ҳақлимизми?

* Ёв топиш осон, ёр топиш қийин.

* Келишинг ҳам ихтиёрингда эмас, кетишинг ҳам. Севиш ҳам ихтиёрингда эмас, севилиш ҳам. Нима ихтиёрингда? Келиш билан кетиш, севиш билан севилиш орасида азобланиб яшаш.

* Исо Алайҳиссалом: — Мен дунёга кишиларни азоблардан халос қилиш учун келганман, — деган экан. Қизиқ, унда одамга нима қолади?

* Шундай севки, маъшуқанг номи битилмаган қўшиқ устингда айтилган азадек эшитилсин. Шундай севки, маъшуқангсиз ўтказган туинг қабристонга чўккан зулматдек туюлсин. Шундай севки, маъшуқангни бир дам унутган сиймосидан йироқлашган кўзларингни ўйиб, бир дам исмини такрорламаган тилингни кесиб, бир дам ҳажридан ўртанмаган юрагингни сугуриб ташлагинг келсин! Шундай севки... Қандай? У якка Яратганга маълум.

* Мақтовга ҳам танаффус керак. Танаффус!

1995—1996 йиллар

САРҲАДЛАРДАН УТГАНДА

Юрган дарё, дейди халқимиз. Юриб юрт танийсан. Эл танийсан. Одам танийсан. Дунё кезиб ўзинг униб ўсган остона, руҳинг сингган Ватан қадрига етасан. «Ўғлон, дунё кез, — деб маслаҳат беради Макар Чудра. — Оёқларинг толгунча дунё кез! Ана шунда умр маънисини топасан, ўғлон!»

Август ойида Бурётистон (Бурятия)да сафарда бўлдим. Одам уруғи қаерларга сочилмаган дейсиз. Менинг онам ўша ёқлардан.

Бобом ва бувим ўтган асрда Сибирга сургун қилинган. Чор ҳукуматига қарши чиққанларнинг тақдири шу бўлган. Анчадан бери улар кўмилган ер, хокини зиёрат қилиш ниятим бор эди. Қаерда яшамайлик, аждодлар руҳимизни безовта қилиб туради, қонимизда бир иқд борки, у такаббуруна истакларимизни енгиб, ўз илдизига талпингани талпинган. Айниқса, ёшинг ўтган сайин бу туйғу вужудингни чулғаб фарзандлик бурчингни ўташга сени ундайверади. Шоир ҳақ экан: «Икки ҳис қалбда доим ҳукмрон, бири — Ватан ўйи, бири — ўтганлар ёди».

«Тошкент-Иркутск» поезди Қозоғистондан ўтгач, кўм-кўк далалар гоҳ маҳзун, гоҳ сирли эртақ айтаётгандек, кекса қора қарағайзорлар, қалин ўрмонлар оралаб кетади. Нигоҳни хушнуд этиб, қалбни қитиқловчи манзараларга қараб тўймайсан. То охири манзилгача шундай. Шоир топиб айтган: «Россияни ақл билан идрок этиш қийин бўлганидек, аршин билан ўлчаш ҳам қийин» (А. Фет).

Қайси бекатда тўхтамайлик, россияликлар поездимизни интизор бўлиб кутаётганини кўрдим. Бу ўзбек халқига чуқур ҳурмат эди, шубҳасиз.

— Мен сизларни икки кундан бери кутаман, — деди бир рус аёли, қовун олиб борган ҳамюртимга. У аёлнинг сўзидан таъсирланиб кетди, қўлидаги қовунни текинга бериб юборди. Аёл кўзида ўйнаган севинч ёшлари ҳар қандай рублдан қиммат эди унга.

Кимдир сочиқ сўрайди, кимдир — болиш, кимдир қовун сўрайди, кимдир — нок. Ҳар бир бекат — бир бо-

зор. Тижоратчи йигитларнинг қўли қўлига тегмайди. Бир челақ олмани ёки нокни бозор нархидан икки-уч баравар арзон сотсанг, харидор хурсанд бўлади-да.

Ўзбекона сахийлик россияликларга ёқишини кузатдим. Барнаулда бир рус аёли ҳазиллашиб:

— Тарозинг алдайди, ҳозир ўлчаб кўраман, — деди олма сотаётган йигитга.

— Опа, — деди ҳамюртим бир оз аччиқланган бўлиб, — очинг тўрвангизни! Энди розимсиз? У аёлнинг тўрвасига ярим челақ олмани бепул ағдариб юборди.

Бир киши, пули йўқ экан чамаси, қовунингиз ширинми, деб сўради ийманиб. Унинг кўзларидан қовун сотиб ололмаслиги шундоқ сезилиб турарди. Қовун сотаётган йигит вагонга югуриб кириб кетди, кесилган қовунни олиб чиқиб, пичоғи билан иккига бўлганича бир бўлагини ҳалиги кишига тутди. Бир ўспирин ундан бир олма, бундан бир нок териб юрибди. Ҳамюртларимдан бирортаси унинг қўлини ушлагани йўқ...

Маълумки, бошқа давлат чегарасига киргач, ҳар бир вагонда йўл тартибларига риоя қилиш қондалари текширилади. Агар вагонда юк ортиқча бўлса, поезднинг юришига рухсат берилмайди. Рубцовск бекатида бош техник назоратчи бизнинг вагонни текшириб, нозизи тарзда бош чайқади. Проводник бир челақка олма, нок, помидор солиб, унга узатди.

— Шундай шифобахш меваларсиз россияликлар қандай яшаши мумкин?

Назоратчи проводникнинг бу гапига қўшилиб кулди. Йўқ, бу пора эмасди. Бу оддий кишиларнинг бир-бирини қанчалик тез ва тўла тушунишига ёрқин мисол эди. Мен на боришда, на қайтишда ўзбекнинг рус тўғрисида, руснинг ўзбек тўғрисида иззат-нафсга тегувчи гап айтганини эшитмадим. Ўзбек тижоратчилари Россия шаҳарларида очиқ ва дадил савдо-сотиқ қилиб юришибди. Ўзбек пахтадан тайёрланган кийим-кечаклар, газламалар, чойшаблар россияликлар учун хорижий маҳсулотлардан азизроқ эканлигини ўз кўзим билан кўрдим.

Россиялик олимларни Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар ҳам қизиқтираётганини билдим. Новосибирскда иккита олим чиқди. Бирини — файласуф, Новосибирск давлат университетининг профессори, иккинчиси эса ўша ўқув юртида иқтисод фанидан ўқитувчи экан. Минг афсуски, мен уларнинг исми шарифини ўша пайтда ёзиб ололмадим. Файласуф «Урта Осиёда ислом мада-

нияти» мавзӯида докторлик диссертациясини ёқлаган экан. У Х. П. Пулатов, С. Шермухаммедов, И. Жабборов, Н. Гойибов каби олимларимиз ишларидан яхши хабардорлигини, уларнинг баъзилари билан халқаро илмий анжуманларда бирга қатнашганини гапириб берди. Суҳбат чоғида у, халқларимизнинг диний-маданий алоқалари узилмайди, бу омил иқтисодий омилдан ҳам кучлироқ, деди. Россияда проваслав дини қанчалик кенг тарғиб қилинаётган бўлса-да, унда ислом анъаналари, маданияти, турмуш тарзи ҳам эркин ривожланмоқда. Рус кишиси ўз руҳига кўра ислом динига мойил. Тўғри, у ҳозир иқтисодий шароитлар таъсирида, албатта. Бироқ барибир шу руҳий яқинликдан кўз юмиб бўлмайди.

Беш кун йўл юргач, Бурётистоннинг Мўғилистон билан чегарадош Тамир қишлоғига етдик. Ён-атроф кўм-кўк ўрмон. Қора қарағай ва алвон-алвон ўт-ўланлардан таралаётган хушбўй ҳиддан кишининг боши айланади, бир маромда шилдираб оқаётган сув киши танига ҳузур бағишлайди. Жимжит бепоён кенглик ўз қаърига олади, табиатнинг қанчалик улуғвор ва саховатли эканлигини туйиб, ўзинг ана шу мўъжизанинг ажралмас бўлаги эканлигиндан ё шеър битгинг, ё сурат чизгинг келади. Шундай гўзал қишлоқдан бирорта шоир ёки мусаввир чиқмаганини эшитиб, кейинчалик ҳайратга тушдим.

Мени қишлоқнинг Тамир деган номи қизиқтирди. У Темир деган сўздан келиб чиққан эмасмикан? Шусавол билан қишлоқ кексаларига мурожаат қилдим.

РИВОЯТ: Чингизхон майда қабилаларни бирлаштириб, иссиқ ўлкалар томон юриш қила бошлаган. Бир қабила ҳеч хон ясоғига юрмай, тутқич бермайди, вақти вақти билан эса хоқонни ҳам таҳликага солиб туради. Безор бўлган Чингизхон қабила аъзоларининг барчасини тигдан ўтказишга, қандай бўлмасин, қабила бошлиғини тириклай ушлашга амр этибди. Кучлар тенг эмасди. Жанг пайтида ёшу қари, барча қабила аъзолари асирга олинади, аммо қабила бошлиғи қочишга муваффақ бўлади. Агар таслим бўлсанг, қабилангни озод қиламан, ўзингни туманбоши қилиб тайинлайман, деб хоқон қабила бошлиғига хабар юборади. Элим омон қолсин, деб элбоши бунга рози бўлади. Аммо Чингизхон ўз сўзида турмайди, қабила бошлиғини икки отга боғлаб, тилка-пора қилишни буюради. Шунда қабила бошлиғи, шунчалик ботир ва бақувват эканки,

Икки отни бир силтагида ерга киргизиб юборади. Иккинчи, учинчи марта ҳам шундай қилади. Шунда Чингизхон уни икки ёввойи туяга боғлаб тилкалашга буюрибди. Қабила бошлиғи бир наъра тортиб, туяларни шундай силтаган эканки, улар ҳам ярим белигача ерга кирибди...

Ҳақиқатдан ҳам, Тамир қишлоғини кунчиқар ва кунботар томонлардан ўраб турган икки қоя ярми ерга кўмилган туяларни эслатади. Уша қабила бошлиғининг исми эса Тамир бўлган экан. Қишлоқ кексаларининг изоҳига кўра тамир сўзи қаттиқ, кучли, бақувват деган маънони англатаркан...

Бурётистонда колхоз ва совхозлар тугаб кетган. Ерни якка хўжаликлар ва фермерлар ишлайди. Уларнинг ўн-йигирма гектарлаб ерлари бор. Умуман, Россия ўзининг бепоён далалари ва ўрмонлари билан одамни ҳайратга солади. «Беқиёс кенглиги ва ғалати қисмати билан Россия тараққиётнинг ақлга сиғмас йўллари орқали ривожланишга маҳкум этилган» (В. Ключевский).

Ҳақиқатдан ҳам, Россия беқиёс бойликларга эга бўлса-да, улардан оқилона фойдаланиш сезилмайди. Утган ўн йилликларда ташкил этилган қишлоқ хўжаликлари агросаноат комплекслари қисқа давр ичида талон-торож этилиб, улар ўрнида уюм-уюм ғишт деворлар, синиқ деразалар, яроқсиз техника воситалари қолган. Ҳамма нарса ташиб кетилган. Ҳамма жойда сонаноқсиз техника қисмлари занглаб ётибди. Қурумшо, Кокорино, Гусинозерск ва Қяхто шаҳарларида шундай аҳвол. Кишилар у ерда ҳам уч, тўрт ойлаб, ҳатто ярим йиллаб маош олишмайди. Қандай қилиб аҳоли тирикчилик қилаётганига ақлинг етмайди. Ҳамма ерда хўжалик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кечалари кўчалар ёритилмайди. Қоронғида ташқарига чиқишга қўрқасан киши. Кишилар маънавиятида эса парокандалик, фақат шу кун ташвиши билан яшаш ҳукмрон. Тўрт гектар ери бор холамдан сўрадим:

— Шунча ерингиз бор, мева-чева экиб, фойда кўрсангиз бўлмайдими?

— Нима қиламан азоб тортиб? — деди бепарволик билан холам. — Шаҳарга обориб пуллайманми? Йўқ, ноним бор, сутим бор. Қишга яқин бир чўчқани тузлайман. То келгуси ёзгача етади. Кимга зарур бўлса, шу эксин...

Ҳоламнинг ўн икки гектар ери бор қўшнисидан қйзиқиб сўрадим:

— Сиз бадавлат одам бўлсангиз керак? Ахир ўн икки гектар ер чакана фойда берадими?..

Гапим оғзимда қолди.

— Ана, — деди узоқда қуп-қуруқ сарғайиб ётган тепаликни кўрсатиб, — еримиз. На техника бор, на ишлайдиган одам. Уғлим ва келиним ичишни яхши кўради. Уларнинг фарзандлари ҳам шундай. Бу ерда топганини ичишга сарфламайдиган одам борлигини билмайман.

Социал-демократлар аҳолига демократик имтиёзлар беришган. Бунинкор қилиб бўлмайди. Лекин демократия боис, тескари дунёни қарангки, порахўрлик, зўравонлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг ҳам кенг тарқалишига йўл очилган. Оддий киши учун кун кўриш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қилган меҳнатига яраша ҳақ олиш жуда қийин.

Қурумшо қишлоғида Сирдарёдан бориб ишлаётган корейслар бор экан. Йўлда кетаётганимда уларнинг раҳбари Аркадий Ли билан учрашиб қолдим.

— Ун гектардан ошиқ ерни ижарага олганмиз, помидор, бодринг, карам, картошка, лавлаги, пиёз, сабзи — Ўзбекистонда ўсадиган барча сабзавотларни етиштирамиз. Ўзимизга зарур шарситни ўзимиз яратамиз. Бўш қолган икки қаватли мактаб биносини ижарага олганмиз, унда яшаймиз.

Бу ўлкада деҳқончилик ва тижорат қилиб маблағ топиш имкони кенг, лекин рекэтлар ёмон, тинчлик бермайди... «Ҳа, рус кишининг ғалати ҳаёт фалсафаси бор: уни чаплайдилар, қатл қиладилар, обрўсини тўқадилар, камситадилар ва устидан зўравонлик қиладилар. У бўлса қисматим шу экан-да, деб итоатда яшайверди» (Ю. Власов). Агар рекэт Аркадий Ли ва унинг ҳамроҳларини безовта қилмаганида эди, мен бу гапларни эсламасдим. Рекэт ҳар бир соҳада, ҳар бир жойда бор. Поездда кетаётганимизда аввал тожик, кейин арман рекэт гуруҳлари чиқиб йўловчиларни роса безовта қилишди. (Сиз шунақаси ҳам бўларкан-да, деб ишонмайсиз!) Улардан проводниклар ҳам йўл ҳақи сўрашга журъат этолмас экан. Энг ғалати жойи шундаки, рекэт гуруҳларининг барчаси бошқа чет ўлкалардан...

Бу томонларда қурол-аслаҳа беҳад кўплигини эшитгандим-у, лекин уларнинг уюмини ўз кўзим билан кўр-

магандим. Қяхто илгари ёпиқ шаҳар бўлган. Йўлда ана шу шаҳарда тўхташимизга тўғри келди. Беноён бир далада сон-саноксиз БТР, тўплар, машиналар қалашиб ётибди. Кўз илғамайди. Ушбу техника воситалари уч йилдан бери бирор марта ҳам ўрnidан силжитилмаган, улар чириб ётибди. Шунча қурол-аслаҳани бор-йўғи олтмиш киши қўриқлар экан.

— Ахир қишлоқда техника етмаётганда машиналарни аҳолига сотса бўлмайдимиз? — деб сўрадим, шу заводда хизмат қилаётган катта лейтенантдан. У саволимга «Бошингни қотириб нима қиласан, нодон экансан-ку, масалани ҳал қиладиганлар бошқалар», дегандек миёғида кулди.

Ҳарбийларнинг ҳам яшаши кўнгилдагидай эмас. Кўпгина офицерлар асосий иши қолиб олди-сотди билан шуғулланишади.

Бурётистон асосан аграр республика. Шу билан бирга унда қоғоз, тери, ёғоч тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналар ҳам бор. Аммо улар даромадининг етмиш-етмиш икки фоизи марказга кетади. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто республика пойтахти Улан-Удеда ҳам бирорта янги бино қурилаётганини учратмадим. Борлари эса эскириб қайта таъмирлашга муҳтож бўлиб ётибди. Тўғри, ҳар бир шаҳарда темир панжараларга ўралган тим қора ойнали замонавий банклар қурилган. Аммо ён-атроф ташландиқ, қаровсиз, нураб ётганда, бу дабдабали иморатлар кўзга ғалати ташланаркан.

Кўп қишлоқ ва шаҳарларда бўлдим, ён-атрофни, кишиларнинг турмуш тарзини кузатдим. Мен бурятларда ўзига хос миллий маданият, миллий турмуш тарзи борлигини пайқамадим. Уларнинг деярли барчаси руслашган. Баъзи жойларда ибодатхоналар очилган. Аммо уларга одамлар ниҳоятда кам қатнайди. Улан-Удеда буддавийлик бошқармаси мавжуд. Лекин бурятлар ичида ҳақиқий диндорлар жуда кам. Танишларим ва суҳбатлашганларим ичида Будда таълимотини яхши биладиганлар йўқ даражада, диний бошқарма — даца раҳбарлари ичида ўзаро низолар авж олган.

Бутун Россияда бўлганидек, Бурётистонни ҳам ишсизлик қийнайди. Айниқса, ёшлар орасида ишсизлар кўп. Бир пайтлар минглаб одамлар ишлаган гўшт, тери, алюмин заводлари аллақачон тўхтаб қолган ёки беркитилган. Байкал кўли ёнидаги машҳур қоғоз комбинати амал-тақал ишлаб турибди. Қяхто шаҳридаги газлама

ишлаб чиқариш комбинатининг ўз фаолиятини тўхтатганига уч йил бўлибди. Уттиз йилга яқин шаҳар аҳолисини боққан асбоб-ускуналарнинг яроқсиз ҳолда ётганини кўриб ичинг ачийди. Бойси — пахта йўқ.

Уша шаҳарда икки қаватли мусиқа ва санъат мактаби шип-шийдам қилиниб, дераза ва эшиклари ташиб кетилган. Август ойининг ўрталари бўлганига қарамай, рўпарадаги ўрта мактаб деворлари нураб ётибди. Салобатли бир бинода табиат музейи жойлашган. Минг афсуски, мутахассислар кетиб қолганидан, у ишламас экан. Шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғи олдида қўлини олға чўзиб «пролетариат доҳийси»нинг ҳайкали турибди. Боғнинг ичи ва атрофларида ахлатлар йиғилиб ётибди. Ҳеч қаерда ижтимоий ҳаётнинг қайноқ нафасини, кишиларнинг қишлоғим, шаҳрим, деб куйинишларини сезмадим, ҳар ким ўзи билан ўзи банд. Ҳокимиятдагилар ҳам шундай.

Бу ўлкада ичкиликбозлик кенг тарқалгани ҳаммага маълум. Кейинги йилларда бу иллат аёллар ва болалар ўртасида ҳам авж олган. Шундай хулосага келдимки, кишилар ҳаётга қизиқишни, келажакка ундовчи руҳий таянчни йўқотганларида, турмуш қийинчиликларидан халос бўлиш учун ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозлик каби иллатларга ружу қўядилар. Машҳур спортчи ва ёзувчи Юрий Власов киноя билан: «Рус халқини ичкиликдан халос қилиб бўлмайди. Агар у ичмаса фикрлашдан ҳам тўхтайти...» деганини эсладим. Россиянинг кучли файласуфларидан бири: «Мўъжиза кутиб яшаш рус халқининг хусусияти» (Н. Бердяев) деган. Ароқ эса рус кишисига мавжуд қийинчиликлардан халос қилувчи мўъжизавий куч бўлиб туюлади. Яна билмадим. Россияликларнинг ўзлари ҳам шундай фикрда.

Икки ой олдин Россия ҳукумати жамоат жойларида спиртли ичимликлар сотишни тақиқлаб, оқилона иш қилди. Ҳозир спиртли ичимликлар махсус дўконларда ва маълум белгиланган вақтлардагина сотилади. Спиртли ичимликларни ҳар ерда эмин-эркин тартибсиз сотиш — яхшилиқка олиб келмас экан.

Россияда амалга оширилаётган кескин ўзгаришлар кишиларнинг нафақат иқтисодий, шу билан бирга маънавий ҳаётига ҳам таъсир қилмоқда, шубҳасиз. Россиянинг эркин жамият қуришга интилаётгани сезилади. Шахсий ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳаси йўқки, ўз матбуотига эга бўлмасин. Чоп этилаётган китобларнинг

ранг-баранглиги ва кўплиги кишининг ҳавасини келтиради. Улар ичида турли хорижий тиллардан таржима қилинган илмий, бадий ва тавсиявий адабиётлар кўп. Хорижда чиқаётган деярли барча асарлар чоп этилмоқда. Мактаблар, ўқув юртлари ва корхоналарни компьютерлаштиришга эътибор катта. Ҳар бир россиялик бир, икки маошига рангли телевизор ёки турли компьютерлар сотиб олиши мумкин.

Китоб ва рўзнома дўконларида эркаклар ва аёллар жинсий ҳаётига оид нашрлар жуда кўп. Менга ғалати кўрингани шу бўлдики, уйда, кўчада, бекатларда бу нашрларни кўпроқ аёллар ўқийди.

Бу мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар марказда аниқ кўзга ташланаётир, аммо улар узоқларда, чекка ўлкаларда ҳали сезилмайди. Кўп кишиларда жамиятга, ислохотларга ва келажакка ишонч кам, маънавий-руҳий ҳаётдаги парокандалик уларни ўз ташвишлари билан биқиниб яшашга мажбур қилмоқда. Мен мана шу ҳолни Ўзбекистондаги ҳолат билан солиштирдим. Бизда ҳам ўтиш даври осон кечаётгани йўқ. Ўқитувчилар, маданият ходимлари, илм-фан ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар ҳаётида етишмовчиликлар оз эмас. Ишсиз юрганлар ҳам бор. Бизда ҳам бир ҳовуч кимсалар икки-уч қаватли данғиллама кошоналар қурмоқда. Аммо таълим-тарбия ўчоқлари, тиббиёт муассасалари ёрдамга ўта муҳтож. Бизда ҳам ноз-неъматлар яратувчи деҳқон қолиб «Экканда йўқ, тикканда йўқ, хирмонда ҳозир» — воситачи-сотувчилар нарх-навони сунъий ошириб, ўзлари фойда орттирмоқдалар. Аммо республикамиздаги маънавий-руҳий бирлик боис кишиларимизда ҳаётга, келажакка ва бир-бирига ишонч бор...

Сафарим тугаб вокзалда патта учун навбатга турдим. Дурустгина кийинган бир эркак ёнимдагиларга йўл пулимни ўғирлатиб қўйдим, илтимос, минг рубль етмайпти, ёрдам беринглар, деб мурожаат қилди. Олдимда турган аёл норози тўнғиллаб нари кетди. Орқамда турган йигитча эса туйқусдан «пошел вон» деб бақириб берса бўладими! Ёрдам сўраган эркак, «ладно, ладно, извините, ради бога, извините» деганича деворга ўгирилди. Кейин у қўл учлари билан кўз ёшларини артаётганини кўрдим.

Иркутскдан Тошкентга йўл ҳақи 460 минг рубль тураркан. Менда эса 262 минг рубль бор эди. Минг рубль сўраган эркак олган жавобни эслаб юрагим орқа-

га тортиб кетди. Энди 200 минг рублни қаердан оламан, деган ўй билан кечгача вокзални айланиб юрдим. Бирорта ҳам таниш учрамади. Бирдан хаёлимга, ҳамюрт проводникларга мурожаат қилиш зарур, деган фикр келди. Таваккал қилиб дуч келганига учрадим. Аҳволимни ётиғи билан тушунтирдим. Тошкентга боргач, қолган пулни топиб беришга сўз бердим. У деди:

— Қолгани керак эмас, ака, ҳаётда бундан беш баттари ҳам бўлиши мумкин, чиқинг, ўз ёнимда олиб кетаман...

Россия — буюк давлат. Буюкликни эса буюклар тўла идрок этади. Мен ундай хислатга даъвогарлик қилолмайман. Агар Россиядаги, унинг узоқ бир ўлкаси Бурётистондаги ҳаётнинг баъзи томонларини илғаб ололмаган, қоғозга туширолмаган бўлсам, айб менда. Аммо нимани кўрган, нимани қалбимдан ўтказган бўлсам, шуни битдим. Мен бир нарсага ишонаманки, Чўлпон денгиз деб атаган халқнинг табиий оқими, яъни бахтли ҳаётга, нурафшон келажакка умиди ўзгармай қолаверади. Худди мана шу умид халқларни халқларга, элатларни элатларга, миллатларни миллатларга талпиниб яшашга, бир-бирларидан ибрат, ўрнатма, мадад ва куч олиб, биродар бўлиб яшашга ундайди, ундайверади.

1997 йил.

ОЛ ДУНЁ, БЕР ДУНЁ ЕХУД БОЗОР ФАЛСАФАСИ

*Эй Навоий, жон олиб деди берай коминг, вале,
Дам урма олмон анга ҳоли бу олғу-бергудин*

Алишер Навоий

* Одамлар ҳаёт муаммолари олдида ожиз қолганларида янги қонунлар тўқишга тушадилар. Ваҳоланки, ҳаёт қонуни азалдан битта — ол ва бер. Ол дунё, бер дунё. Қолганлари эса унга ё таҳжавуруна изоҳ, ё такаббуруна ямоқ.

* Одам турмушнинг севинчи қайдану ўкинчи қайданлигини излаб тополмагач, уларни «ол — бер»га йўйиб, ҳаётга бозор деб ном қўйди.

* «Ол» — Яратганнинг илк сўзи, «бер» — одамнинг. Ол, деб яратган тундан кунни ажратибди. Ол, деб у аввало, тоғу тошни, дарахтларни, дарёларни, охири кунни эса одамни яратибди. Одам яратилган заҳоти жон бер дебди. Яратган ижобат билиб, унга жон берибди. Одам, макон бер, дебди. Яратган унга беҳиштни берибди. Кейин одам насл бер, мол бер, давлат бер, шон бер деб сўрабди. Яратган тааммул қилибди. Берибди. Одамнинг нафси тўймабди. У Яратган даргоҳини забт этишга аҳд қилибди. Одамнинг бу шаккоклиги Яратганга ёқмабди ва одам фарзандларининг тилини аралаш-қуралаш қилиб юборибди... Аммо одам «бер-бер»дан кечмабди. Умрининг сўнгги дақиқасида ҳам у Умрбоқийдан ҳасадона, яна бир кун, ҳеч бўлмаса, яна бир дақиқа умр бер, деб сўрагани сўраган...

* — Нафс курсин, нафс! У, ўт бўлса ҳам бер, сув бўлса ҳам бер, дейди. Қўйиб берсанг Ҳимолайни кемиради. Шунинг учун халқ айтади: «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга соладур».

* Сўзлатган ҳам нафс, бўзлатган ҳам нафс. Тилга шайтон қувват берса, билингки, дилга шайтон қудрат бўлибди. Нафс Яссавийни ҳам фарёд эттирган:

*Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,
Термултириб халойиққа зор айлади.
Зикр айттирмай шайтон бирла ёр айлади.*

* «Ол»дан кечиш осон, «бер»дан кечиш қийин. Чунки, «бер»дан кечган заҳоти одам «олғирлар»га текин ем бўлишини яхши билади.

* Бериб «бер»га даъвогарсан, олиб-чи? Якка ўзинга аён.

* «Бер»га ўрганган оғиз «ол»ни айтолмас.

* Мавлоно Румий ёзибди: «Бу қўл бермоққа ўрганган, олмоққа эмас». Афсус, донишманд бу зикна дунёни эрта сахий кўрибди.

* Мавжудлик қонуни: бераринг бор — оларинг бор, бераринг йўқ — оларинг йўқ. Яшаш қонуни: «ол» деганда, олиб яша, «бер» деганда — бериб. Бозор қонуни: мақтаб сотасан, қарғаб оласан.

* Бир танишим илгари, берганнинг бетиға қарама, деган нақлни такрорлашни севарди. Кейинги пайтларда у, бу олаётган нарсанг суратига қарама, дегани эмас, дейдиган одат чиқарган.

* У яна ўзича нақл тўқийди:

— Пул бўлмаса қувват қайда? Дўст қайда, дилдор қайда? Улус топиб айтган, оғайни: онанг — пул, отанг — пул. Пули йўқнинг — тили йўқ. Эркакни пулсиз қилмасин, оғайни пулсиз...

* Бугун ҳамма ёқ бозор. Бугун гўё бозор олам ва одамни қайта кашф этаётгандай...

* Бозор — икки чўнтак кушандаси. Бозорда кимлар кўп — аёллар. Бу табиий, чунки аёллар ҳам, бозор ҳам «бер»ни севади ва берадиганни севади.

* Аёллар кайфияти — бозор нарх-навосининг ифодаси.

* Аёлим менга қош-қовоғини солиб тикилса, биламанки, бозорда нарх-наво янашибди.

* Бозор шароитида эркакни эзадигани — бер, бер, бер дейдиган хотин, аёлни эзадигани — бер деганда ма, ол демайдиган эр.

* — Ҳаётдан орқада қолмайин десанг бозорга чиқ. Бер дейишни ўрган, — деб насиҳат қилади бир танишим. — Бер дейишни ўргансанг, ол дегувчилар топилади.

* Яна у нақл қилади:

— Бозор кезган нозимни тингла. Бозорни мутааммил этган олимдан ўрган. Бозор кўрган, лекин назмни бозор билган нозимни тинглама. Бозорни нуқул кавсар дегувчи олимни уқма. Бозорни кимлигинг қизиқтирмайдди. Уни ниёзинг қизиқтиради. Ва нисоринг қизиқтиради.

* Сукротни бозорда туғилган дейишади. Балки шунинг учун ҳам кўча ушнинг ижодхонаси бўлган, бозор бўлган.

* Муаллим қўшним донишмандлик қилади: касбимдан кўнглим қолмасин десанг бозорга кирма...

* Бозор фалсафаси: ол, деганда, олиб яша, бер деганда — бериб. Аммо оларинг берарингдан тўрт карра зиёд бўлсин. Ана шунда яшаш азоби эзмайди.

* Бозорнинг ахлоқи — сотиш. Тезроқ ва кўпроқ сотиш.

* Тўғри, бозорга чиққан оч қолмайди. Бироқ ҳамма бозорга чиқса, фарзандларимизга ким ҳарф танитади?

* — Гавдангга қара, — деди кампир барзанги йигитга, — Ҳожимуқонни йиқасан. Юмушинг — пуфак сотиш.

— Бувижон, тирик бўлганда Ҳожимуқон ҳам ҳозир пуфак сотарди...

* Олди-берди, ихтиёрий иш, албатта. Лекин у, айниқса, ҳозир гарду хийладан холи эмас. Тўғри, улус бозор муносабатлари ҳар кимни ўз меҳнатига яраша тақдирлайди, деб умид қилган. Бироқ, бундан бойинглар, қадимгидек, бошқалар бўлиб чиқди.

* Мозий гувоҳки, кишилар ўртасидаги низолар ҳалоллик бузилганда келиб чиқади. Ҳадисларда айтилишича, бир киши Расулуллоҳдан қиёмат қачон бўлади, деб сўраганида, У киши: — Ҳалоллик ўртадан кўтарилганда қиёматни кутавер, — деб жавоб берган эканлар.

* Нарх-навоси тинмай ошадиган бозорга ё баднафс қаллоблар уя қурган бўлади ёки бозор муносабатларининг ўзи — бадният кимсаларнинг кашфиёти.

— Уттиз кун елиб-югуриб жоҳдордан танбеҳ эшитиб ё дакки еб, топган маошимни икки дақиқада бозорга ташлаб чиққанимда, мен қуйидаги башоратни алам билан эслайман: «Шундай замон келадики, унда одамлар ҳалол йўл билан ризқ-рўз топаётирларми ёки ҳаром йўл биланми — фарқига бормай қўядилар».

* «Бозорга ҳалол сотувчилар керак» (эълондан).

* — Бозорни хушнуд қиладиган ҳам ўзим, хушқид қиладиган ҳам ўзим, — дебди кабоб харидорлари кўплигидан гердайиб. Олов кўтарилган экан, у қоп-қора кўмирга айланибди.

— Барибир оладиган топилади, сал нархимни туширсам, бас...

* — Мунча йилтиллайсан, — дебди оддий қатиқ «Наполеон»га.

— Дунё йилтиллаганики, оғайни. Сен йилтиллай олмайсан, шу боис нархинг ҳам доим паст.

* — Бунчалик ҳидинг бад, — дебди қулупнай чимчига.

— Ҳидим бад бўлса-да, қишу ёз бозордаман.

* Бундай ўйлаб кўрсам, мен ҳам унча-мунча нарсани кўриб, анча-мунча нарсани билиб қўйибман. Ма, ол, деб Яратган ҳар бир кунинг ва ҳар бир онингни сирли нигоҳи билан кузатиб, қилмишларингни шукру савоб ва куфру гуноҳга ажратиб бораркан. Унинг «ма, ол», дегани савоб ҳам ихтиёрингда, гуноҳ ҳам ихтиёрингда, улардан дилингга ва ниятингга мосини танла, охирида эса хизматларингга яраша мукофот олурсан, дегани экан. Билагинг қувватга, тилагинг шиддатга тўлалигида савоб қайдаю гуноҳ қайда деб, изламайсан, уларни умрингга қўш қанот билиб, Яратганининг даргоҳини шаккоклик билан забт этмоқчи бўласан, фақат бу зиқна дунёда нафс боиси чопавериб, билагингдан қувват, тилагингдан шиддат кетгач, англайсанки, олмоқнинг бермоғи бор. Сахийликни қарангки, шунда ҳам Яратган «бер», демайди, балки сенинг ўзинг орттирган савобу гуноҳларингни елкангга ортиб, унинг даргоҳига «қани, ол», деб бергани борасан. Нақл ҳақ экан: «Олганининг бермоғи муқаррар...»

1999 йил.

ҚАРЗДОР ДУНЕ

*Икки ҳис қалбда мудом ҳукмрон:
Бир — Ватан йи, бири — ўтганлар ёди.*

А. С. Пушкин.

Одам зоти аслида қарздор бўлиб туғилган. Юрагингни севинч ёки ўкинчга тўлдириб томирларингизда оқаётган қон ҳам, дилингизни тўлдирган илоҳий ёки илҳодий шуур ҳам, тилингизни анис ёки аниф, қаддингизни алиф ё дол этувчи қувват ҳам қарзга берилган. Нима ўзингизники-ю, нима ўзганики — тополмайсиз. Ақли зойиллар бу тилсимот ҳақида ўйламайди, бу — уларнинг закийлиги; ақли қойиллар эса замирига етолмайди, бу — уларнинг заифлиги. Аммо икки тонфа ҳам тавба деб тан олади: умрнинг ўзи қарзга берилган.

* * *

Икки ўринда инсон ақли лол: биринчиси — келмиш олдида, иккинчиси — кетмиш олдида. Одам йиғлаб келади ва йиғлаб кетади, гўёки, у кимларнингдир қарзларини кўз ёшларим билан узаман, деб бу дунёга келгандай...

* * *

Зикр қилинишича, ҳар гал жаноб Расулуллоҳ сал-
лаллоҳу алайҳи вассалламнинг қошларига майитни олиб
келганларида, ул зот, марҳум қарзини узиш учун бирор
нарс қолдирганми, деб сўрар эканлар. Агар майит
жон — зурриёт қолдирган бўлса, ўзлари жаноза ўқир
эканлар, бўлмаса — бошқалар.

* * *

Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари тўққиз юз
йил ва ундан ҳам зиёд умр кўрганлар, аммо қабоҳат
ва фосиқлик авж олгани сари одамнинг умри қисқариб-
қисқариб 60—70 ёшга тушиб қолган. Бу ёшни тўққиз
юзга солиштирсангиз инсоннинг нақадар қарзу гуноҳга
ботиб кетганини англайсиз.

Қарздор ёки қарзсиз ҳолда дунёга келиш Сизга боғ-
лиқ эмас, лекин қарздорлигингизни туйиб ва қарзларин-
гизни узиб яшаш ўзингизга боғлиқ.

* * *

Кимдир — мол қарздори, кимдир — жон қарздори.
Мол қарзи ўткинчи, бир кунмас-бир кун уни бошқа мол
эвазига бўлса-да, узишингиз мумкин. Жон қарзини эса
асло узолмайсиз. Ота-онангизга жон қарздорсиз, сизга
— фарзандларингиз, фарзандларингизга уларнинг фар-
зандлари... Оллоҳ ҳаёт гули сўнмасин деб одамларни
бир-биридан қарздор қилиб яратган. Бу дунё — қарз-
дорлар дунёси! Қарздор дунё! Фақат Яратгангина қарз-
дан холи.

* * *

Ўтганларни ёдламоқ ўтганлар учун эмас, қолганлар
учун зарур. Ўтганлардан устоз тополмаган — қолганлар-
дан ҳам тополмайди.

* * *

Будда бундай деган экан: «Эрталаб қарзларингизни
эсданг, кечқурун қарздорларингизни». Қарздорларингиз
кўплигидан эмас, қарзларингиз кўплигидан дилингиз
ўртансин: қарздорларингиз сизни охирада ҳурмату
иззат билан тилга олса, сизга қарз берганлар — тавқу
лаънат билан хотирлашлари мумкин. Азоб-уқубатли
дунёга яна қайтиш учун эса битта қарзингиз эгасининг
қарғиши кифоя...»

* * *

— Қарзларимни икки дунёда ҳам узолмасам керак, деб қўрқаман. Сендан фалон сўм, фалончидан фалон сўм...

— Мол қарзини узиш осон, оғайни, жон қарзини узиш қийин.

— Шу тўртта жигарбандимни деб...

— Мен эса тирноққа зорман, мана бу — қарз, узиш мушкул қарз...

* * *

Исо алайҳиссалом, дунёни ҳалок этишга эмас, халос қилишга келганман, деган. Шундан буён баҳс кетади: хўш, дунёни ёвузлик, бедиллик ва азоб-уқубатлардан халос этиш кимнинг қўлида — Яратганнингми ёки яратилганнинг?

Ким билади, балки мана шу азалий баҳс туфайли одам ўткинчи нарсалардан муқаддас нарсаларни, фоний дунёдан мангу дунёни фарқлашни ўргангандир...

* «Ол» — Яратганнинг илк сўзи, «бер» — одамнинг.

* * *

Сенека: «Кўп умр кўришингиз — тақдир қўлида, қарзсиз яшашингиз — ўз ихтиёрингизда. Йиққанларингиз эмас сочганларингиз боқийдир», дейди. Қалбингиздагини сочиб, қалбингизни топасиз, умрингиздан кечиб умрингизни. Аммо ҳеч ким сиздан бундай фидойиликни талаб қилмайди. Тақдирнинг ғаройиб фазилати шундаки, ҳамма сочган ва кечганларингизга қараб ҳукм чиқаради. Яратган ҳам. Боқий маконингиз жаннатми-дўзах экани сочган ва кечганларингизга боғлиқ.

* * *

Муҳаммад пайғамбар, бирор киши зиммасидаги қарзни узмоқни бирор бойга ҳавола қилса, у рад этмасин, деб марҳамат қилган эканлар. Пайғамбаримизнинг бу тилаги амалга ошганда эди, дунёда бой ҳам, камбағал ҳам бўлмас эди.

* * *

Раҳматли дадам умрининг охирларида узала тушиб ер ҳидлайдиган одат чиқарган эдилар.

— Ёшинг ўтган сайин ер тортар экан, — дедилар бир

гал ҳайратланиб қараётганимни кўриб. Ёш пайтим эмасми, гапнинг маъносига етмадим.

Йиллар ўтди, сочларимга оқ, пешонамга ажинлар тушди, энди ўзим ҳам гоҳи гоҳида ер ҳидини қўмсайдиган бўлиб қолдим. Во ажаб, дейман ўзимга ўзим, наҳотки, ер ҳидини қўмсаш ҳам қарзга берилган бўлса?

* * *

Олмон файласуфи Шопенгауэр бундай деган экан: «Киши қирқ ёшигача роман ёзади, қирқидан кейин эса унга — изоҳлар». Бу гапга қўшилмай илож йўқ, лекин кўнгилни бир нарса ўртайди: қолган умр изоҳ ёзишга етармикин?..

* * *

Буюкларнинг тобутда ётиши ҳам буюк. Билмадим, бу нима: тақдирнинг таҳсиними ёки таҳқири?

* * *

Яқин-яқингача қабристонга боришдан қўрқардим. Бир куни ёнидан ўтишимга тўғри келди. Энди яқинлашганимни биламан, рўпарамда бўйи Хўжаминорадек оқ — оппоқ кампир пайдо бўлди. Қўрқув ва ҳайрат домида қолиб таққа тўхтадим, тиззаларим қалтираб беҳол ерга чўкдим. Кампир ҳам тиз чўкди. Қап-катта одамлигимни унутиб додламоқчи бўлдим, аммо овозим чиқмади. Юзимни беркитдим. Қанча ўтирганимни билмайман, кимдир елкамдан ушлаганида, ўзимга келдим. Қарасам, қўшни чол экан. Кейин у менга болалигимда мени жонидан ҳам зиёд кўрган бувим ҳам шу қабристонга кўмилганини айтди: «Бувинг руҳи кўпдан сенга мунтазир экан...» Мен бўлсам, ул зотнинг қабрини зиёрат қилиш у ёқда турсин, ҳатто қаерга кўмилганини ҳам суриштирмаган эканман. Энди ҳар гал, Хивага борганимда қарзимни узгали бувимнинг қабри тепасига бораман. Воажаб, биз ўликлар кўзини беркитамиз, улар эса бизнинг кўзимизни очиб кетар эканлар...

* * *

Раҳматли бувимнинг бир ўғитини мудом эслаб юрман: «Болам, — деган эдилар у киши, — икки нарсанинг умри узун: бирам — тошдаги битикларнинг, бирам — дилдаги. Бахтли бўлай десанг, ё тошга битишни ўрган, ё дилга».

* * *

Инсонда умр бўйи уни тарқ этмайдиган битта истак бор, бу — бахтли бўлиш истагидир.

* * *

Бахт нима? Битиклардан ҳикмат қидирдим, тириклардан — ҳиммат. Кимдир шукур билан кўкка ишора қилди, кимдир сукур билан ерга, кимдир, йиққанам бахтим, деди, кимдир — сочганим; кимдир, суйдиргани бахтим, деди, кимдир — куйдиргани; кимдир, бахтим белимда, деди, кимдир — элимда. Бир-бирига ўхшаш жавоб учратмадим. Ҳақ гап экан: ҳамма бир хил бахтли бўлишни истайди, бироқ ҳар ким ўзича бахтли.

* * *

Ҳёте, бахт — мўъжиза, деган. Лекин, деб огоҳлантиради у, бу мўъжизага тегмаган маъқул. Нега? Чунки бахтнинг интиҳоси йўқ, бироқ азияти кўп. Шунинг учун ҳам муқаддас битикларда, «Чеккан азиятларинга яраша улуш олурсан», дейилган.

* * *

«Инжил»да битилишича, одамзоднинг билишга қизиқиши унинг беҳишдан қувилишига сабаб бўлган. Демак, билишга, илмга интилиш — одамзоднинг азалий хислати. Аммо «Инжил»да яна бундай дейилади: «Билим қайғуни оширади». Чунки илмли одамнинг дунёга даъвоси кўп. Даъвоси кўпни эса одамлар ёқтирмайди. Гўдакнинг даъвоси кам, шу боис ҳам уни ҳамма яхши кўради. Балки шунинг учун катта одамдан кўра гўдак кўпроқ бахтлидир.

* * *

Қадимги юнон афсоналаридан бирида айтилишича, илми одамзотга ёв бўлган худолардан бири ўйлаб топган. Табиийки, ёв бахт тиламайди. Балки шунинг учундир, ижодда бахт, Достоевский ибораси билан айтганда, онийдир, ундан ошдими, бас, ижодкор қалбида, сир, ҳақ, меҳр излаш иштиёқи сўнади, ўзгалар бахтини куйлаш учун ижодкор ўша оний бахт билан қаноатланиб яшашга мажбур.

* * *

Умр бўйи саъдийлар йўқ, аммо умр бўйи саъдга интилувчилар бор.

* * *

Одам ўзини шақий сезмасин деб, Яратган дунёни
бир кам яратган.

* * *

Киши умр бўйи бахтга интилса-да, бахтли яшашдан
кўра бебахт яшашга кўпроқ мойил.

* * *

Эпикур, «Ўзини бахтиёр сезмаган — бахтиёр эмас»,
деган экан. Агар толе фақат одамнинг ўзига боғлиқ
бўлганида эди, дунёда бирорта ҳам толесиз зот бўлмас
эди. Тўғри, ҳар ким бахтини ўзи яратади, аммо бошқа-
лар ёрдамида яратади.

* * *

Бахтсизликка ўрганган бахтдан нажот изламайди,
унга бахтсизликнинг ўзи бахт.

* * *

Комронлик диалектикаси: а) бахтга даъвогарлар
кўп, бироқ бахтга сазоворлар кам; б) кишининг энг
шақий кунлари — энг завқли кунларидир; в) киши ҳар
недан бахт топиши мумкин бўлганидек, улардан бахт-
сизлик ҳам топиши мумкин; г) барча истаклари рўёбга
чиқса, одам ўзининг нокомиллиги ҳақида ўйламасликдек
бадбахтликка дучор бўлади; е) ўзгалар бахтидан бах-
тиёрлар чинакам бахтиёрдир.

* * *

Қадимги юнонлардаги бир удумга кўра, то киши
тирик экан, уни бахтли деб атамас эканлар. Менимча,
киши бахтдан масрур бўлиб, манманликка, такаббурлик-
ка берилишини юнонлар биздан яхшироқ билганлар.

* * *

Руҳи банди бахтли кунларда ҳам маҳзун, руҳи озод
зиндонда ҳам шод. Суқротнинг тақдири бунинг далили.

* * *

Шоир ва файласуфлар қисмати бахтдан бахтсизлик,
бахтсизликдан бахт излаб яшашдан иборат.

* * *

Аёлни суймагунча ва аёлдан куймагунча эркак бахтиёрлик сафосини ҳам билмайди, бадбахтлик жафосини ҳам.

* * *

Севилиш — бахт. Шубҳасиз севиш ҳам бахт. Бироқ, ажабо, одам севилишдан эмас, севишдан кўпроқ бахтиёр.

* * *

Бахт баъзан серқилиқ жазманга ўхшайди: чорлайди-ю, тутқич бермайди, тутқич берса, ўпич бермайди, ўпич берса, қониқиш бермайди, аммо худди бекинмачоқ ўйнаётган гўдакдек, қани топ, мен бу ердан, деб кунлари излатгани-излатган, тунлари бўзлатгани-бўзлатган.

* * *

Комронлик истаги сўнмасин деб кишилар бойлик, унвон, бурч, тинчлик, меҳнат, оила, муҳаббат, ватан деган нарсаларни ўйлаб топганлар.

* * *

Тахт топишдан кўра бахт топиш қийин.

* * *

Бахтдан ҳам юксакроқ нарса бор, у — бурч. Киши бурчини бахт деб билмагунча, бахт тополмайди.

* * *

Ҳақ гап, эминликдан ҳам улуғ бахт йўқ. Аммо эминлик ўз посбонларини кўпроқ некбахт этади.

* * *

Бахтли одамлар бахт кўйлагига туғилади, дейдилар. Йўқ, одам бахтиёр туғилмайди, балки бахтли яшаш имкони билан туғилади.

* * *

Саъдийлар саъдни тарғиб қилади, шақийлар шақийликни. Агар юртга бадният шақийлар ҳукмрон бўлса, элнинг хоқонлари! — очкўзликни, оқиллари — маддоҳликни, ўғлонлари — қўрқоқликни, аёллари — шармсизликни касб қилиб оладилар.

* * *

Кишилар ўзига ишончини йўқотганларидан сўнг сохта даҳолар кетидан эргашишга мажбур бўладилар. Шубҳасиз, давр сохта даҳоларни кўзгу юзидаги губордек супуриб ташлайди, бироқ улар қолдирган асоратлар беиз кетмайди. Бу асоратлар мозий токчаларида пайт пойлаб ётади. Қулай фурсат келиши билан қайта жонланади ва соддадил кишилар онгини қайтадан заҳарлаб, уларни бахтиқароликка гирифтор этади. Кишилар ҳақни айтишга, ҳақни севишга, ҳақ учун курашишга интилмагунча ўз кучига ишонч ҳосил қилмайди, демак, сохта даҳолар уларни бебахтлиқ сари етаклайверади.

* * *

Аллеси йўқ халқнинг бахтиқародир.

* * *

Фрейд, ўзини ўзи ўлдиришга жазм қилган киши бир пайтлар кимгадир ўлим тилаган бўлади, деган. Бунинг қанчалик тўғри эканини билмадиму, аммо бахтиқароларнинг қачонлардир бировга бахтиқаролик тилгани бор гап.

* * *

Уйқу ҳам умр. Минг афсуски, унда бахт кўпми ёки бадбахтлиқ — ҳеч кимса айтиб беролмайди. Сюрреалист Бююел эса бундай деган экан: «Уйқусида бахтиёр бўлолмаган одам уйғоқлигида ҳам бахтиёр эмас». Қизиқ, уйқудаги бахтнинг мезони қандай экан?

* * *

Бахтли яшашнинг шартини билганимда эди, умр бўйи бахтли яшардим.

* * *

Киши бахтнинг мисқоллаб йиғади-ю, ботмонлаб йўқотади.

* * *

Шу пайтгача вақтнинг қадрига етгани ҳам, бахтнинг қадрига етгани ҳам учратмадим. Эҳ-ҳе, одам умрини неларга сарф этмайди?! Агар барини ҳисоб-китоб қилиб чиқсангиз борми, энг ақлли зот — инсон деган нақлга ишонмай қўясиз.

* * *

Тирикликнинг ўзи тенгсиз бахт, бироқ бахт тўғрисида гап кетганда уни ҳеч ким тилга олмайди.

1998 йил.

КАМОЛОТ ЗАҲМАТЛАРИ

Одам умри, минг виҳки, қисқа.

Камолот йўллари, о, қанчалар узоқ!

Ҳёте

Комилликка етиш учун бир умр кам. Икки умр керак. Балки уч умр. Бунинг бор аълам Будда пайқаган: «Нирванага етмагунча одам азоб-уқубатли фоний дунёга қайта ва қайта келадир». Комил инсон тўғрисида тинмай ўйлаган заминдошимиз Насафий шундай мутаамил этган: «Кўп одамлар камолот йўлига кирдилар, аммо гирдобга фарқ бўлдилар ва мақсадига етолмадилар, муродлари ҳосил бўлмади». Унга Умар Хайём ҳам жўр бўлган: «Тинмайин изладим комили инсон». Бир умр, 72 йил. излаган. Топганми? Даргумон. Замондошимиз ҳам эътиқод келтирган эди: «Коммунизм эзгу сўздирким, зотан, унинг замирида энг олий қисмат... Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон, Унда мен истаган сиймас ҳақиқат!» Коммунизмнинг сароб чиққани — яна бир сабоқ.

Бошида комиллик шундай бир юк, шундай бир омонат эдики, унга етиш масъулиятини одам енгилтаклик билан ўз устига олган. «Биз, — дейилади Муқаддас битикларда, — омонатни кўкларга, ерга ва тоғларга тақлиф этдик. Улар омонатни ўз зиммаларига олишдан чекиндилар... Фақат одам уни ўз устига олди, чунки у андиша қилғувчи ва нодон эди». Кўп ўтмай одамлар ўз ожизлигини пайқаб қолдилар ва комилликни ўз қурби ва қулфига монанд талқин этишга тушдилар. Шу боис аҳли илм комилликни илму маърифатда деб билади, аҳли давлат — адлу фароғатда, аҳли шайдо — висолу садоқатда, аҳли касб — ихлосу хизматда, аҳли нафосат — назокату нафосатда, аҳли ахлоқ — адабу мурувватда, аҳли дин — ботинда, тасаввуфда деб билади. Бироқ ушбу сулуқларни кундалик ҳаётга татбиқ этган заҳоти саволлар пайдо бўлади.

Хўш, илму маърифатда камолотга етган бўлганми? Умр бўйи илму маърифат излаган «донишмандларнинг донишманди» Суқротнинг «Ҳеч нарса билмаслигимни билдим» деган иқрорига қўшилмаган фақиҳни мен ўтганлардан ҳам, тириклардан ҳам тополмадим. Илму маърифатнинг на туби бор, на поёни. Тубсиз, поёнсиз нарса — шаклсиз, шамойилсиз нарса. Камолот эса одам-

нинг шуурида, тафаккурида, ижтиҳодида шакл-шамойил топади. Агар илму маърифат одамда шакл-шамойил топмаган экан, демак, одамнинг ўзи ҳали камол топмаган.

Камолот адлу фароғатми? Маслаги — зар, мансаб, тилаги — зафар, шон, турмуши роҳат-фароғатда бўлганлар шундай дейиши мумкин. Чунки адлу фароғатга ўрганганларгина яна адлу фароғат истайди. Бошқаларчи?

«Дунёнинг ишида бўлса адолат, Бўлмасди донолар кўнгли оғриши», дейди Умар Хайём ва «Эмас кишига бу дунёда мол-мулк камол», дейди Комил Хоразмий. Биринчиси мавҳум нарса — тутиб бўлмайди, иккинчиси бор нарса — етиб бўлмайди. Тутиб ва етиб бўлмаган нарсаларни комиллик деб аташ ғайриҳаётийдир.

Камолот висолу садоқатдами? Аҳли шайдонинг жавоби бошқача бўлиши мумкин эмас. Бироқ ишқ ҳам ўткинчи, кўрк ҳам. Зар зўр замонда садоқатни сотиб олиш мумкин. Бесабот ва бесабр нарсалардан эса одамнинг кўнгли тез совийди.

Аҳли касбнинг хислати аниқ. У ҳунари, хизмати орқали ўчоқ ёқади, оила боқади. Ўзи ҳам камолга етади. Бу фикрда ҳикмат бор, албатта, аммо у одамнинг бутун «мен»ига эмас, балки вужуднинг бир бўлагига тааллуқли. Яъни тили, билаги, қаддига тааллуқли. Бўлакнинг баркамоллиги эса бутуннинг баркамоллиги эмас.

Камолот чўққиси назокату нафосатдами? Муссолини ва Гитлер ҳам гўзалликка бефарқ қарашмаган. Бепоен само ва баҳузур сабо, кўм-кўк ястанган адир ва ҳил-ҳил етилган самар, гўдак нигоҳидаги саодат ва солиҳа чеҳрасидаги сабоҳат, ҳатто тирикликнинг, яшашнинг ўзи бебаҳо назокату нафосат эмасми? Бўлмаса нега, Муссолини ва Гитлерни кўя турайлик, замини бир, эътиқоди бир, эли бир, ҳатто миллати, тили бир ақраболар бир-бирини беаёв маҳв этгани этган? Йўқ, «гўзалликнинг олами кутқаришига» ҳали эрта. Эрта. Одамни кутқаришига ҳам. Аксинча, унинг ўзи халоскорга муҳтож.

Камолот адабдами? Мурувватдами? Инкор қилмайман — ахлоқсиз камолот йўқ. Димоқ қон ҳидига, кўз пажмурда гавдаларга, қўл ханжар санчишга кўникиб қолган даҳшатли уруш майдонларида ҳам «сиз»лаб гапиршидан кечмаган «ахлоқ қаҳрамонлари» бўлган. Охириги бурда нонини фақир уламларга улаштирган «муруват қаҳрамонлари» ҳам бўлган. Бундайлар яна бўлади, шубҳасиз. Минг афсуски, давр ҳамма нарсага ўзининг

Мурувватли муҳрини босавермас экан. Кеча ахлоқимиз негизи «меҳнат қилдим» эди, бугун эса «пул қилдим». Кеча меҳнат қилганлар қабулимиз тўрида ва қалбимиз қўрида эди, бугун — пул қилганлар. Замонга қараб турланадиган бесабот ахлоқ эса камолотга элтолмайди.

Ҳа, камолот одам ботинида, тасаввуфда деб ишонтирмоқчи бўлаётганлар ҳозир кўп. Керагидан ҳам кўп. Аммо ёлғиз ботин билангина комилликка етишни орзу қилган, очигини айтсам, ё ғўр, ё кўр... Агар муроқабамиз ва муҳоварамизни шу тарзда давом эттирсак, бирор муаммони ечишимиз мушкул. Бирор якунга келишимиз ҳам душвор. Бир донишманд ўғит берган экан: «Ўғлим, саволларингни қўй, ўзинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлган дарёга саволлардан кўприк қуролмайсан. Ўзинг яшамоқчи бўлган уй ҳам қуролмайсан. Саволлар билан ҳақни, комилликни топиш душвор. Фақат уларни борлигига ишониб яшасанг, муродинг ҳосил бўлғай...» Азалдан инсоният топиниб ва талпиниб келаётган КОМИЛ-ЛИКнинг борлигига биз ҳам ишонайлик. Бу борада адашишдан қўрқиб фикр юритмагандан кўра адашишдан қўрқмасдан фикр юритган афзал.

Олам бир-бирига мувофиқ ва номувофиқ кучларнинг бири бирини рад этиб яшашига қурилган. Одам ҳам уларга монанд яралган. Ливанлик файласуф-ёзувчи Жаброн Халил топиб айтган: «Мен — никоҳ ва нифоқдаги зоҳирим ва ботинимдан туғилганман». Одамдаги бу зиддиятни мутафаккирлар турлича изоҳлайдилар: кимлар «диалектика» деди, кимлар — «рақобат», кимлар «кураш» деди, кимлар — «аросат». Диалектика тарафдорлари олам, одам доим ўзгаришда деган гегелона ақидага таяниб, олам ва одамдаги муқимликка, шакл-шамойилдаги барқарорликка шубҳа уйғотдилар. Олам ҳам, одам ҳам, «инкорни инкор»га эмас, балки кўпроқ барқарорликка, ҳатто турғунликка мойил экани уларнинг хаёлига келмади. Рақобат мазҳабидагилар кун ва туннинг, оқ ва қоранинг, эзгулик ва ёвузликнинг мавжудлигини дастак қилиб, улар ўртасидаги минглаб, миллионлаб яқинлашиш нуқталари борлигини ҳисобга олмадилар. Бу кураш мазҳабидагиларга ҳам қўл келди. Ҳаёт эса нафақат тинимсиз рақобат ва кураш, шу билан бирга, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, муроса асосига ҳам қурилган. Аросат бор нарса, аммо мутлоқ аросат йўқ, акс ҳолда одамнинг ҳаётга ишончи, камолотга эътиқоди қолмасди. Ижтиҳодида ғайрат ҳам бўлмасди.

Бу мазҳабларни батамом бартараф этиш мумкин

эмас, чунки одамнинг яшашдан кўнгли қолмасин деб, Яратган дунёни бир кам яратган. Камолот эса уйғунликда, мураттабда.

Мураттаб (гармония) ва номурааттаб (дисгармония) бир-бирига, худди соядек эргашиб юради. Бири эшикдан кирса, иккинчиси тешикдан киради. Бири ёр бўлиб қучоқ очса, иккинчиси ёв бўлиб ханжар санчади. Бири нур бўлиб тонгда уйғотса, иккинчиси зимистон бўлиб ўнгурга қулатади. Уларда диалектика ҳам бор, рақобат ҳам. Кураш ҳам бор, аросат ҳам. Бу ихтилофларни одам мураттаб этишга интилиб келади, бироқ ҳали уддасидан чиққан эмас. Чунки ёввойи табиат ҳали номурааттаб тарафда. Гоҳо онгли жамият ҳам. Бу эса энг аянчлиси. Мисол керакми? Марҳамат.

XX асрда одамнинг мураттабга оид билимлари юз карра ошди. Инсоният ўз тарихида бундай илмий-маърифий юксалиш бўлганини билмайди. Шу билан бирга, таассуфлар бўлғайки, XX асрда оммавий қирғин қуролларининг ваҳшати ҳам миллион(!) карра ошди. Инсоният ўз тарихида бунчалик даҳшатли номурааттаблик яратилганини ҳам билмайди. Турли ирқий, ҳудудий, диний, мулкый низолар, қўпоровчилик, тажовуз, очарчилик ва касалликлар туфайли эса ер юзида ҳар йили 47—48 миллион киши ўлади. Бу нақ иккинчи жаҳон урушининг ўзида ҳалок бўлганлар сони билан тенг! Бу номурааттабликларни бартараф этиб бўладими? Башорат этиш қийин. Менинг фикримча, мураттаб нажот топганда, номурааттаб фасод топади.

Шоир ёзади: «Холиқ ҳам эмасман, Маҳлуқ ҳам, Ахтариб яшайман ўзимни ўзим». Мураттаблик ва комиллик йўллари ўзини-ўзи ахтариш орқали кечади.

Одам ўз «менини» касб-корда, жамиятдаги муносабатларида ва ботиний изланишларида топади.

Ҳозир дунёда ўттиз мингдан зиёд касб-кор бор. Улар устига ҳар йили беш юзга яқини қўшилади. Хўш, улардан қайси бири одамга «менини» топишга ёрдам беради? Аниқ жавоб йўқ. Чунки ҳар кимнинг иқтидори бошқа. Ҳаётий маслағи бошқа. Аммо бир нарса аниқ: севмаган касб билан шуғулланиш севмаган аёл билан бир умр яшашдек азоб. Киши ҳаёт талабини ўз маслағи сифатида қабул қилсагина, жамият билан шахс, шахс билан касб-кор ўртасида мураттаблик юзага келади. Ҳозир ёшлар истаган касб-корни ўрганиши мумкин. Бу — тараққиёт ютуғи.

Инсон — жамият фарзанди. Жамиятдан ташқарида яшайдиган инсон йўқ, шу боис жамиятдан ташқарида шаклландиган камолот ҳам йўқ. Инсоннинг шаклланишида икки ижтимо — оила ва давлат муҳим ўрин тутадн. Оилани, аҳлини одамзод мавҳудод ва ўз ботинидан ёввойи кучларга қарши яратган. Бу кураш жараёнида у мураттабга ихлос қўйди. Камолот қудратини туйди. Бадавлатлик хислатини топди. Мен бадавлатликка беҳуда урғу бераётганим йўқ. Биз энди англаб етаяпмиз бой-бадавлат яшаш айб эмас, ғариб, зоҳидона яшаш — айб. Тўғри, мозийда ғино ва ғизодан кечиб, комилликка интилганлар бўлган. Яна бўлади, шубҳасиз. Аммо бутун халқ, миллат уларга тақлидан яшолмайди. Бой-бадавлат оилаларгина ўз фарзандлари камолоти учун зарур имкониятлар яратиши мумкин. Ғино, хусусий мулк киши ижтиҳодига ғайрат қўшади, руҳини озод, дастурхонини тўкин, иддиёсини аниқ қилади. Беғино ва бемулк кишининг эса уйдан ҳам, ўйидан ҳам номураттаблик кетмайди. Номураттаблик ҳукмрон жойда комиллик йўқ. Камолот йўқ.

Давлат туфайли ижтимоий ҳаёт мураттаб. Кишилар ҳаёти, ҳуқуқи ҳимояда. Камолот маънавий амалий дастурга айланади. Шу билан бирга давлат билан шахс ўртасида номураттаблик мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Давлат ўз қонунларига сўзсиз итоат этганларни, соғидларни ёқтиради. Қонунлар эса ҳар бир шахснинг истакларини, қизиқишларини ҳисобга ололмайди. Шу боис давлат умумийлик хислатига эга, шахс — хусусийлик. Камолот йўллари эса, умумийликни батамом рад этмаса-да, кўпроқ хусусийликка мойил. Румий ва Ғаззолий асарларида бу масалалар старли баён қилинган. Яна, Тарихда беқиёс хазина ва шон-шавкатга эга бўлган, шоҳликлар, шаҳаншоҳлар кўп бўлган. Бироқ инсоният нега тир улардан кўра камолотга интилган зотларни улуғлаб келади. Бу зотлар мағрур қояларга ўхшайди, уларни на даврнинг беаёв тўфонлари қулатган, на бедарак авлодларнинг бўҳтонлари. Сўқрот мисол, Сенека мисол, Машраб мисол, Сахаров мисол... Умумий билан хусусий, яъни давлат билан шахс, ҳокимият билан халқ ўртасида доимий муҳовара, бир-бирига тўла ишонч, мураттаблик ўрнатилгандагина, камолот ҳаётний дастурга айланади.

Ҳозир маънавият, руҳият, илоҳият ҳақида кўп гапирляпти. Шу боис камолот йўллариининг тасаввуфий талқини ҳақида ҳам, Шубҳа йўқ, шарнат, тариқат, маъ-

рифат ва ҳақиқат таълимоти кишида маънавиятга ишонч уйғотади, диққатни, фикрни жамлайди, ижтимо (жамъ) бўлиб яшаш фазилатларини шакллантиради. Айниқса, маърифат сулуки миллий тикланиш учун зарур, бироқ хавфли номурааттаблик шундаки, камолот, маънавий етуклик кишининг фақат ботиний изланишлари сифатида тарғиб қилинмоқда.

Тўғри, «Қодир мутлақ ҳар нарсага қодир, аммо у одамни одамнинг ўзисиз қутқара олмайди» (А. Афана-сий). Жамиятсиз ҳам.

Маънавият — буюк куч. Шууримиз ҳам маънавиятдан, шуқуҳимиз ҳам. Ахлоқимиз ҳам маънавиятдан, аҳволимиз ҳам. Аҳдимиз ҳам маънавиятдан, ақдомимиз ҳам. Шу билан бирга ҳаётимиз, дилимиздаги номурааттабликлар ҳам маънавиятимиздан.

Бутун оламнинг сақланиш қонунини эсингиздами? Ҳеч нарса бордан йўқ бўлмайди, йўқдан — бор, у бир кўр-нишдан иккинчи кўринишга ўтади, холос. Бу қонун жамиятга ҳам тааллуқли. Жамиятдаги савияни, кишилардаги салоҳиятни белгиловчи пул, сўм ҳам бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор; у бир чўнтакдан иккинчи чўнтакка ўтади, холос. Ва у ҳозир қандай йўллар билан, қандай шахслар чўнтагида йиғилаётганини пайқаш қийин эмас. Шундай бўлгач, авомни қандай шарм билан мураттабга даъват этиш, қандай шиор билан комиллик улут хислат эканлигига уни ишонтириш мумкин? Биз яна «замирида энг олий қисмат» ётган жамият қуришга ва ундан «энг порлоқ Инсон»ни ахтаришга интилаётганимиз йўқми? Тўғри, маънавият буюк куч, лекин жамиятдан ундан ҳам қудратлироқ куч бор. У — кишиларнинг жамият бойликларини ҳар кимнинг меҳнати ва иқтидорига мувофиқ тақсимланишини исташидир. Ушбу мураттаблик қонунлари бузилган жойда маънавият — қуруқ гап, комиллик эса, икки минг йил аввалгидек савдон маҳол бўлиб қолаверади. Наҳотки, мураттабликка, камолотга етиш учун бир умр камлик қилса?..

1998 йил.

КУҲНА АНДОЗА

*Дунё ва мен—кўҳна андоза.
Етуклик излаймиз бир-биримиздан.
Гарсия Лорка*

Энг мукаррам, энг онгли мавжудот — одамзоднинг буюк кашфиётларидан бири бу мукаммал дунё ўзининг руҳи, тафаккури ва меҳнати билан яратилишини англаб етганлигидир. Шунинг учун инсон етукликни икки томондан, биринчидан, ўз ички руҳий оламидан, иккинчидан, тафаккури ва амалиётидан, яъни ташқи оламдан излаб келади.

Вақт ўтиши билан руҳий олам муаммолари кўпроқ Шарқнинг, дунёвий муаммолар эса Ғарбнинг сеvimли мавзуларига айланди. Шарқ етук инсонни руҳдан, маънавиятдан, одамнинг Худога, чексизликка талпинишидан кидирди. Будда таълимотига кўра, тўғри қараш, тўғри фикрлаш, тўғри сўзлаш, тўғри яшаш, тўғри роҳатланиш етуклик омилларидир. Ташқи дунё эса чексиз ва бефойда ташвишлардан иборат. У гулханга ўхшайди, одам бу гулханга яқинлашган сайин куйиб бораверади. Шунинг учун инсон фоний дунёда бойлик орттириш, тахт, мансаб учун курашиш, ҳузур-халоватларга берилишдан холи бўлиши зарур.

Етуклик йўли инсоннинг ўзида. У ўзи учун ўзи маёқ, ўзи ўзининг халоскори, ўзи ўзига бошпана, нажотни ҳам якка ўздан излаши лозим. Одам комилликка эришиш учун буюк руҳий жасоратларга тайёр бўлиши, ўткинчи нарсалардан муқаддас нарсаларни ажрата билиши зарур.

Бу фикрлар кейинчалик Яссавия ва Нақшбандия таълимоти, Замахшарий, Кубро, Ибн Сино, Навоий каби алломалар ҳаёти ва ижодида ҳам ўз аксини топди. Парвардигор одамга уч хислатни — шукр, зикр ва фикрни ато этган. Зеро Шарқ ҳар доим руҳий камолот ва жасоратга интилгани боис то ҳозирга қадар моддий дунёга сиғинадиган Ғарб учун мавҳум, «нозик масала» бўлиб келади.

Будда Худога сиғинишни очиқ тарғиб қилмаган бўлса-да, руҳий кечинмаларнинг чексизлик, самовот, илоҳият билан доимо алоқадорликда эканини инкор этмайдди. Шарқ тафаккурининг бу хусусияти унга инсон руҳий оламининг бутун борлиқ, қошиот ва Яратган билан яхлитлигини кенгроқ тадқиқ қилиш имконини берди. Ғарб фалсафасидаги рационализм ва моддиюнчилик эса кўп-

роқ ташқи оламни ўрганишга ундаб, охир-оқибат до-нишмандликнинг асосий манбаи бўлмиш инсонга иккин-чи даражалли нарса, деб қарашга олиб келди. Бу фалсафа, XVII асрдан эътиборан, асосан жамиятни, давлатни бошқаришни, сиёсий институтларни, ишлаб чиқариш усулларини доимо янгилаш, ҳатто уларни инқилобий йўллар билан ўзгартириш таълимотига айлана борди. Одамзоднинг моддий ҳаёт таъсирига тез берилиши ушбу таълимотни XIX—XX асрларда етакчи ғоявий кучга айлантирди. Қадимдан руҳиятни тадқиқ қилишга мойил Шарқ ҳам унинг таъсиридан четда қолмади. Агар Ғарб Шарққа ташқи моддий дунёни ўзгартириш борасида эришган ютуқларини тарқатаётган бўлса, Шарқ унга ўзининг бой маънавий-маданий ва диний-фалсафий бойликлари билан таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди. Ёки ҳаётимизга ғарбона давлат бошқариш тизимлари, демократия, ишлаб чиқариш ва техник қурулларни кенг кириб кела бошлаган бўлса, Ғарб мутафаккирлари, жумладан, Монтеスキё, Хёте, Бергсон, Швейцер, Фромм, Камю, Хаксли Шарқ тафаккуриятидан баҳра олиб, янги-янги фалсафий қарашларни яратдилар. Қолаверса, Шарққа хос буддизм, конфуцийчилик, йога, теософия, астрология, хиромантия ва тасаввуф Ғарбда ҳозирги кунда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни шу мавзулардаги адабиётлар миллионлаб нусхаларда нашр этилаётганидан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ғарб ва Шарқнинг тараққиётда шиддат билан бир-бирига яқинлашуви натижасида келгусида инсоннинг тафаккур олами кенгайди, шахс тарбияси, етук инсоннинг шаклланиши эса ана шу ижтимоий-фалсафий оқимлар ва маданий қатламлар уйғунлашувининг натижаси бўлади, деб ўйлаш мумкин.

Етук инсонни илм-фан намояндалари ён-атрофдан, илоҳиётшунослар руҳиятдан қидирадилар. Оқибатда бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи бу тафаккурий қарашлар баъзи ҳолларда қарама-қарши оқимларга айланади. Шу босқ Форобий, Нақшбанд, Ницше, Бердяев, Соловьев, Ясперс, Тойнби, Шпенглер, Шри Ауробиндодлар диний-фалсафий фикрлар жозибасини инсоннинг ақлий кучлари билан уйғунлаштиришга интилдилар. Бироқ бугун мен ўқувчилик ва талабалик йилларимда марксча-ленинча фалсафадан бошқа қарашлар ҳам мавжудлигини ҳеч кимдан эшитмаганимни афсус-надоматлар билан эслайман. Блаватская мистикаси, Ницше ва Ауробиндонинг Али Одами, Судзукиннинг Дзен—буддизми, Бердяев ва Соловьевнинг худосифат Одами, Наво-

ийнинг илоҳияти, ислом фалсафаси материалистик таърифлар билан тўлган мен сингари мияси сийқа кишиларга сирли дунё бўлиб туюларди. Ҳозирги авлод эса ўз дилига, руҳига яқин қарашларни таплаб олиш имкониятига эга. Аниқроғи, етук инсоннинг шаклланиши учун йўл очиқ.

Инсон тўғрисидаги ҳар қандай фалсафий фикр уни, биринчидан, Қоинот, Борлиқ, Руҳ каби атамалар билан аталувчи Худо, иккинчидан, давлат, учинчидан, жамият билан боғлаб ўрганишни тақозо этади.

Инсонга ён-атрофни, оламни, чексиз борлиқни ўзининг бепоён руҳи билан тадқиқ этишга, англашга интилиш хос. Бу хусусиятни унутган заҳоти у ўзининг қулратини, зиммасига юклатилган мукамал дунё яратниш вазифасини ҳам унутади.

Худони ақлий йўл билан англаш қийин. Уни фақат бой хаёлот ва бу хаёлот орқалигина мавжудлигини туйиш мумкин. Гомернинг «Илиада»си, Даитенинг «Илоҳий комедия»си, қадимги грек маъбудалари ва саройлари, «Маҳобҳорот», Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Навоийнинг «Ҳамса» ва «Ҳазойин ул-маоний» тўплами, Сальвадор Далининг сюрреалистик тасвирлари, Вагнер, Шопен, Чайковский куйлари — бой хаёлот маҳсулотларидир. Бу дурдоналарни идрок қилиш учун ақлдан бойроқ хаёлот зарур. Достоевскийни Библиясиз, Чингиз Айтматовни шарқий хаёлот воситасисиз тушуниб бўлмайди. Чунки, уларнинг асарлари қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, орзу-умиди ва тилакларида киши борлигини ўзига жалб қилувчи мафтункор руҳ бор. Акс ҳолда, айтинг-чи, сиз зўравонлик, фоҳишабозлик ва юлғичлик тасвирланган Ғарб романини ўқиганингизда нима учун шарм ҳиссидан муштингизни сиқасензу, Умар Хайёмнинг рубойлари ёки Навоийнинг

*«Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт.
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.
Буки лаъли ҳасратидан қон ютармен дам бадам,
Базми айи ичра лаболаб бода оқшоимимга айт»*

каби ғазалларини мутолаа қилганингизда нега хаёлингиз сирли кенгликларга парвоз этади?

Фоний дунёда нимага интилманг, нимани қўлга киритманг, маълум вақт ўтгач, у ўз қийматини йўқотади, лекин инсон илоҳиёт томон талпинишдан зерикмайди. Бу сингини инсон дилига ҳузурбахш этади, уни қунаро

Ўзгарувчи ҳавасларга берилишдан, умрини ўткинчи нарсаларга бағишлашдан асрайди. Бироқ, ҳаёт ўта мураккаб. Уни ёлғиз хаёлот орқали идрок этиш бирёқла-маликдир. Инсонга, унинг онгли мавжудот сифатида яшаши учун ақл, илм-фан ҳам зарур. Айтайлик, кришнаизм Шарқ тафаккури кашф этган энг қадимги диний-фалсафий оқим, Кришна эса инсон хаёлотининг маҳсули. Бас, шундай экан, уни яккаю ягона деб билиш, ҳамма нарсани, ҳатто «нопок танни» ҳам, унга фидо қилиш, инсон ҳаромдан пайдо бўлган, унга ишониш мумкин эмас, деб таркидунёчиликка берилиш ўринлими? Ёки «Ригведа» ва «Бхагаватгита»даги (уларни юқори савиядаги бадий асар эканини ҳеч ким инкор қилмайди) таркидунёчиликини, ғайриҳаётий ва ибтидоий қарашларни қайта тиклаш зарурми? Менимча, ўтмишдан қусур эмас, инсонни улуғловчи қадриятларни, диндан қотиб қолган қоидаларни эмас, инсон камолотига хизмат қиладиган, уни тушкунлик, маънавиятсизлик ва ахлоқсизликдан халос қиладиган жиҳатларни излаш лозим. Бу изланишлар инсоният яратган барча ижтимоий-маданий бойликлар, инсон руҳияти кашф этган барча қарашлар синтезига асосланиши мумкин. Дарвоқе, Шарқ мутафаккири Шри Ауробиндо, «Одамзот таракқиётининг янги босқичига ўтиш арафасида турибди. Бу босқични Одамнинг ҳайвонот оламидан илк онгли мавжудотга айланиши даврига қиёслаш мумкин. Келгусида ўз аجدодларидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан кескин фарқ қилувчи етук Инсон юзага келадики, у турли миллатлар ва маданиятлар аралашувининг маҳсули бўлади», деган гоят қизиқарли фикрни илгари суради.

Эндиликда ҳар қандай жамиятни ҳам давлатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатнинг мураккаб ички тузилиши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги, комил инсонни шакллантиришни ўз мақсади деб эълон қилиши миллионлаб кишиларни унинг атрофига бирлаштиради. Ҳозир бошқа халқлар ва цивилизациялар билан алоқа ўрнатмаган давлат йўқ. Бундай алоқалар ҳар бир давлатнинг яшаш ва ривожланиш шартига айланган. Демак, давлат турли халқлар, тизимлар ва цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашувини, натижада етук Инсоннинг ва Янги Дунёнинг шаклланишини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Етукликни эса маълум бир хислатлар билан чегаралаб бўлмайди. Худди шунингдек, шахснинг давлат билан бўладиган алоқаларини ҳам,

Ҳозир дунёда демократик жамият қуришга, давлат идораларини ҳурфикрлик талабларига мувофиқ ташкил этишга интилиш кучли. Бу интилиш демократия, давлат билан шахс манфаатларининг уйғунлашувига, адолатли жамият билан етук инсон шаклланишига кафолат берувчи қадриятга айланмоқда. Аммо ҳақиқий ижодкор инсонга тинмай изланиш, ўз ҳаётидан, ишидан донмо қониқмаслик, янги-янги кашфиётлар қилишга интилиш хос. Давлат ўз хусусияти ва тузилишига кўра, «етти ўлчаб бир кесиш»ни яхши кўради. Бу фарқни батамом бартараф қилиш мумкин эмас, лекин уларни бир-бирларига яқинлаштириш йўллари мавжуд. Биринчиси, ижодкорнинг ҳақиқатни айтишга, адолат ва эзгуликни излашга бўлган ҳаракатларига ғов бўлмаслик. Иккинчиси, маънавиятни, маданият ва маърифатни, кишиларнинг ижодий хислатларини ўстириш жамият ва давлатнинг бош мақсадига айланмоғи, барча иқтисодий ислохотлар кишиларда истеъмолчилликни эмас, балки олампарварлик ва одампарварлик хислатларини юксалтиришга қаратилмоғи зарур. Учинчиси, азалдан ижодкор кишилар, маданият ва маориф бадавлат кишиларнинг, ҳукмдорларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлиб келади. Давлатнинг ёрдамсиз маънавият юксалмаслигига ҳозир ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз бу соҳани ривожлантиришни ўз зиммасига олган. Бинобарин, бир пайтлар Ф. М. Достоевский маорифга ажратиладиган маблағ ҳарбий сарфлардан кам бўлмаслигини орзу қилган эди. Швеция, Швейцария, Япония, Германия каби кўпгина давлатларда миллий даромаднинг асосий қисми маданият, маориф ва илм-фанга ажратилаётгани ҳам ибратли мисолдир.

Инсон — ижтимоий шахс. Будда даврида одам боласи таркидунё қилиб, ўрмон чеккасида якка ўзи камолотга интилган бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда эса инсоннинг жамиятдан ташқарида комилликка эришиши тугул яшашини ҳам тасаввур этиш қийин. Етук инсон ўз тарихий-маданий қадриятларига эга бўлган муҳитда, жамиятда шаклланади.

Комил инсонга хос фазилатларни кимдир ватанпарварликда, адолатпарварлик ва халқпарварликда, кимдир меҳнатсеварликда, яхши хулқ-атворда, яна кимдир эл-юрт ташвиши билан яшашда, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишда, меҳр-оқибатли, илм-маърифатли бўлишда, деб билади. Шубҳасиз, баркамол инсон учун бу

хислатларнинг барчаси муҳим. Бу жамик халқларнинг ўзоқ тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳақиқат. Ф. Ницше шуни назарда тутиб: «Биз ўтмишга занжир-бандмиз, қаерга чопсак, тарих занжири ҳам биз билан бирга чопади», — деган эди. Ньютондан, «Сиз ажойиб кашфиётларга қандай эришдингиз?», — деб сўрашганида, у: «Мен буюк аждодлар елкасида ўтиргандим», — деб жавоб берган экан. Демак, биз буюк аждодларимиз меросидан унумли фойдалана билишимиз ўта муҳим.

Тарих ва аждодларимизнинг ўлмас руҳи бизни ҳаминша ҳушёрликка чорлайди. Қиммиз, яшашдан мақсадимиз нима, иймон-этиқодимиз бутунми, бахт-саодатга эришиш йўлларини топдикми, ёшларга нима беришимиз, келгуси авлодга нима қолдиришимиз, деган азалий саволлар ўй-хаёлларимизни тарк этмайди. Бу муаммоларни ҳар бир авлод ўзича, ўзининг онги, кучи, салоҳияти билан ҳал этади. Бир авлод босиб ўтган йўл, қўлланган усуллар бошқаси учун тўғри келмаслиги мумкин. Аммо инсоният МАЪНАВИЯТ деган бир соҳани, РУҲИЯТ деган бир оламни кашф қилганки, уларнинг моҳияти барча даврлар ва барча авлодлар учун бир хил.

Инглиз файласуф-тарихчиси А. Тойнбиннинг ҳисоб-китобида кўра, инсоният маданият ва тараққиёт йўлига қадам қўйганига эндигина 6 минг йил бўлган. Демак, Инсон мукамал дунё яратишга киришганига кўп бўлмади, демак, изланишлар ҳали олдинда...

1996 йил.

ОШИҚЛАРНИ БУЗЛАТГАН АЁЛ

Антоний:

*Қаердан ҳам кўзим тушди сенинг ҳуснингга?
Не кунларга солдинг мени, Миср малаги!*

Шекспир. «Антоний ва Клеопатра».

Утмишда сир кўп. Сатр кўп. Айниқса унга табиат бор сеҳрини инъом этган серноз, серитоб ва саркаш аёл аралашган бўлса. Дарвоқе, эркак мавжуд мардлиги билан яратган тарих аслида аёл мавжуд макри билан яратган тарихдир. Эркакдаги мавжуд мардлик билан аёлдаги мавжуд макр қўшилгани боис тарих сирга, сатрга тўла.

Гўзал аёлнинг ўзи — давлат, ўзи шуҳрат, мабодо шундай аёл яна давлат ва шуҳрат истаса борми, эркакларнинг ҳолига вой. Мен инглиз ёзувчиси Ҳенри Ройдер Хоққарднинг «Клеопатра» романини ўқиб шундай хулосага келдим.

«Гўзал аёл туфайли худолар даъватини унутган, барча нурафшон умидларидан айрилиб тўғри йўлдан адашган мен — Ҳармаҳисман! Аёлни деб хоинларнинг хоинига айланган, уятга, хўрликка ботган, энг забун ва хароб киши мен — Ҳармаҳисман!» Роман бош қаҳрамоннинг ана шундай аччиқ афсус-надоматлари билан бошланади. Ҳармаҳис фиръавнлар авлодидан. Миср тахтининг наслий меросхўри. Бироқ Миср римлик лоҳидлар, цезарларга қарам. Мисрни бошқариш Клеопатрага ўттиши зарур эди. Аммо ҳарам оғаси бу васиятни бузади, тахтга Клеопатранинг укаси Птоломейни ўтқазади. Клеопатра буни ноҳақлик деб билади ва Шомга қочиб тахтни қайтариб олиш учун лашкар тўплай бошлайди.

Кучнинг жилови — куч. Ҳақу ҳақиқат қанчалик шарафланмасин, у кучга айланмагунча беқадр ва бесамар қолаверади. Буни Клеопатра яхши билади. У яна биладики, аёлга тахт камлик қилади, унга бахт ҳам керак. Шоҳларнинг бахти эса тахти каби — кучда. Куч эса Римда. Демак, тахтни ҳам, бахтни ҳам Римдан излаш керак. У ўзини қимматбаҳо гиламга ўратиб совға сифатида Юлий Цезарга юбортиради. Антиқа асотирларга, бебаҳо совғаларга ўч Цезар гиламни ёйишни буюради. Қимматбаҳо гилам ичидан ундан ҳам қимматбаҳо совға

Энди ўн еттига кирган, қошларининг меҳробига, нур ва сеҳр чарақлаб турган мовий кўзларига, севги маъбудасиникидек хушбичим қоматига ва ярим очик елка ҳамда сийналари оша тўлғониб товонига тушган қоп-қора сочларига қараб тўймас қамарчеҳра бир малойик чиқадди. Унинг савти—соҳир мусиқа, нафаси—насим. Цезарлол! Битта имо билан не-не шоҳларни тиз чўктирган, не-не санамлар васлига мушарраф бўлган жаҳонгир ўзини йўқотиб қўяди. Қлеопатра ниятига эришади: тахт ҳам кўлда, бахт ҳам.

Гўзаллик — ноёб нарса. Унинг қадрловчилари кам, аммо истовчилари кўп. Қадрловчиларда у ҳавас уйғотади, истовчиларда — ҳасад. Ҳавас ижодга ундайди. ҳасад — нафратга. Уз ҳусни ва ақлининг ноёблигини билган Қлеопатра шоҳона ҳаёт лаззатларини тўла тоғиб яшашга интилади. Унинг бу қилмишлари, айниқса римликларга яқинлиги, собиқ фиръавнларда нафрат уйғотади. Улар Қлеопатрани ўлдириб, Мисрни римликлардан озод қилишни Ҳармаҳисга юклайдилар.

Лекин аёлга тиг кўтариш у ёқда турсин, тил тегишининг ўзи гуноҳ. Раммоллик ва сеҳргарликни ўрганган Ҳармаҳис сарвари коинот Изидани кўмакка чақириш сиридан воқиф, аммо энг зарур пайтда, яъни Қлеопатрани ўлдириш они келганда, Изидида — сукутда. Фитнадан воқиф Қлеопатра ҳаёт, ё мамот олдида турганини, қотилга қулай бир он кифоя, ана шу бир онга қасри ва умри гаровга қўйилганини пайқайди. Шу ондан ютиш керак. Қандай қилиб? Ҳармаҳисни ҳибсга олиб, қатл этиш осон, аммо мисрликлар бундан хабар топса, исён кўтаришлари мумкин.

Нажот йўли битта — тигни эмас, дилни мағлуб этиш. Қалби бандининг — ўзи банди. Аёлга эса ўз ҳусни ва латофати билан эркакни банди этиш макри берилган. Бундан яхши хабардор Қлеопатра Ҳармаҳисни муаттар пар ёстиқларга ёнбошлаганича, эркак ҳирсини жунбушга келтирувчи нафис баданини, оёқларини оқ ҳарир кўйлак тагидан кўз-кўз қилганича кутиб олади. Маликанинг кўзлари нақ ёғду! Бу табиат мўъжизасини илғамаслик, истамаслик ва севмаслик учун ё одам бўлиб туғилмаслик, ё юрак ўрнига беҳис кесак олиб юриш жоиз эди. Серҳис қучоқ ва серлаззат дудоқ ўз қудратини кўрсатади. Натижада, эркак қаҳридан аёл макри устун келади. «Ўлимдан ҳам қудратли ва шармисор бу бўсада мен ҳаммасини унутдим: худони, қасамларимни, умидларимни, ор-номусимни, ватанимни, дўстларимни, ҳамма-ҳам-

масини унутдим...» Ҳармаҳиснинг бу сўзларига ажаб-лашмасам ҳам бўлади. Чунки Изида, худолар аёл тарафида эди. Фиръавилар Ҳармаҳисга тахтни эгаллаш сирларини ўргатишди, лекин аёлга ром бўлмаслик сирларини эмас. Афсуски, тахтнинг эгаси ҳам, қўлдоши ҳам аёл эди. «— Йўқ, мен сени ўлдирмайман, — дейди тантанавор тарзда Клеопатра Ҳармаҳис ўзига келгач. — Шундай эркакни ўлдириш — хайф! Сенга ҳаёт инъом этаман! Бор, яша, мағлуб фиръавн! Сени аёл макри мағлуб этди! Энди сен менинг давлатимга давлат, шуҳратимга шуҳрат қўшиш учунгина яшайсан!»

Ҳаёти ҳам, мамоти ҳам ихтиёридан кетган кимсанинг қисмати шу. Шу кундан бошлаб Ҳармаҳис Клеопатранинг ипсиз боғланган асирга айланади. Унинг, сени ҳукмдорим, Миср Фиръавни, деб эълон қиламан, Мисрни бирга бошқарамиз деган сўзларига ишониб, кўҳна Ҳер эҳромига яширилган жавоҳирларни топиб беради. Шу ўринда биз ёзувчининг ҳаётини ва ғайритабиий ҳодисаларни қўшиб, ўқувчи дилини яйратувчи моҳир ҳикоянавис эканлигини кўрамиз. У қаҳрамонларини ғайриҳаётини тўсиқларга дучор қилар экан, бойликка ўчлик энг муқаддас туйғуларни ҳам топташини, одамлар — давлат, шуҳрат, айш-ишрат қули эканлигини, агарда илоҳий тартиботлар бўлмаганда, уларнинг дунёни ўз нафсига қурбон қилишга шай кемирувчилардан фарқи йўқлигини тасвирлайди. Қалбингда қаҳрамонлар қисмати хайрихоҳлик уйғотса-да, уларнинг қилмишлари хайрихоҳлик уйғотмайди.

Бир ёвдан қутулганда иккинчиси пайдо бўлади. Рим триумвирати Антоний Клеопатрани ўз олдига чақиради. Саркарда дарғазаб. Маликани аравага кишанлаб Рим кўчаларида сазойи қилиш нияти бор. Нима қилиш керак? Нажот қайда? Нажоткор қайда? Клеопатра яна бир бор макру салиҳасини ишга солади. Кўҳна Ҳер эҳроми жавоҳирларини пуллаб тиллодан кема ясатади ва Антоний олдига боради. Цезарни ҳам ҳалок этган қамарсиймо паризодни кўриб, Антонийни севинч, фахр ва ишқу ҳирс чулғаб олади. У — шод, аслида бу шодлик бўлғуси фожиянинг боши эди. Базмдаги ушбу ҳодиса тиллардан-тилларга, даврлардан-даврларга ўтиб келади.

Ута шоҳона базм дастурхони ва ҳадялардан ҳайратга тушиб Антоний дейди: «Миср қумлари ҳам тиллодан бўлса керак». Клеопатра мийшида кулади. Иккинчи базмда саркарда ярим ҳазил, ярим чин луқма ташлайди:

«Бү базминг кечагидан ортиқ эмас». «Ортигини энди кўрасан». Клеопатра ўнта шоҳона базмга тенг самин жавахир зирагини қулогидан ечади, уни сиркада эритиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бепарвогина сипқоради. Иккинчи зирагини ечаётганда уни Антоний тўхтатади. Жаҳонгир таслим. «Сен, — дейди у ҳали ниқорли ва виқорли нигоҳини Клеопатрага тикиб, шубҳасиз, айбдорсан. Агар Клеопатра бўлмаганингда сенга Мисрни қайта кўриш насиб этмасди. Ҳозир эса... (Виқорли дилнинг изҳори дилга айланишига қаранг — В. А.) Дунё ҳеч қачон сендек малоикани кўрмаган. Мен ҳайратомуз гўзаллигинг ва хушсувратлигинг учун барча айбингни кечирдим. Ана кўрдингми, аёл заковати ва ҳусни нималарга қодир».

Энди ёв Антоний ёр Антоний эди.

Клеопатра сирли табассум билан ўзини саркарда қучоғидан четга олади, у фақат ўзига аён бир туйғу билан сезардики, ҳатто жангда голиб келган одам ҳам бундай давлат ва шуҳратга эришолмайди. Бироқ у триумвиратни ҳам алдамоқчи, уни ҳам забун, хароб ва шармисор этмоқчи эмасми? Нима яширинган бу манҳус қалб тубида? Ишқми ё ўч? Муҳаббатми ё мусибат? Шуҳратми ё ишрат? «Табиатан аёл шундай яралганки, уни ишқ, муҳаббат ёлғизлик азобидан халос этади. Ҳеч қачон севмаганман, ушбу бахтли оқшомгача ҳеч кимни сендек севмаганман». Кейинчалик жон бераётган Антонийни қучоқлаб ушбу оқшомни ёдига солади: «Мени нлк бор қучиб, ёрим-ёргинам, жоним-жонгинам, деб атаган ўша кеча эсингдами? О, қандай бахтли оқшом эди у! Бутун умринг аламли тугаса-да, атиги шундай бир оқшом учун яшаш қандай завқли!»

Аёлнинг ишқ ўлчови бошқа. Унга ўзингни банди қилиб топширишинг камлик қилади. Ҳатто борингни бағишласанг-да, аёл тўла шод бўлмайди, у юрагининг ҳали ҳеч ким кашф этмаган тубида навбатдаги таъна, макр ва эҳтирос учун жой қолдиради. Энг ғаройибни ҳам шундаки, бунинг аёлнинг ўзи билмайди. Ана шу хислати сабаб аёл доим сирли туюлади. Эркак туйган, бироқ туйиб тополмаган сирдир бу!

«Клеопатра қалбида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, муқаддас тартиботларни мазахона топтайдиган, салтанатларни қўғирчоқдек ўз қўлида ўйнатишга ва ўзининг чексиз майлларини ҳатто қонлар билан бўлса ҳам, қондиринишга шай гадрга ғарқ руҳ яшарди».

Ана шу маккор руҳ Клеопатрани меҳрли ё қаҳрли.

оқил ё рофил, вафоли ё жафоли, икромли ё икроҳли, эътиқодли ё иртидодли қилиб, нафақат ўзини, шу билан бирга унинг аҳбобларини ҳам топиш мушкул бўлган сеҳрга чулғаб фожиаларга мубтало этади. Цезар, Ҳармаҳис, Антоний... Бу аҳли жабрлар қандай сеҳрга салосил бўлганларини тополмай ўз ожизлигини ишққа, севгига йўйган. Шекспир Антонийни иқрор эттиради:

*Уйнар эдим бу оламнинг ярмини қўлда,
Тақдирларни якка ўзим қилар эдим ҳал!
Сенинг севги тузоғингга тушгандан бери,
Қиличим ҳам йралашиб ишқинг ториға,
Сенинг севгинг қаршисида бош эгиб қолди.*

Фожиа арафасида эса у нидо қилади: «Алвастига ўлим! Мени сотди гўдакка...» Ёўқ, аксинча. Уни сотган — ўзи. У, бошқалар ҳам, ишққа, лаззатга сотган эди ўзини. Клеопатра эса харидор эди. Умрни бозорга солдингми, тамом, харидор ундан керагини олади. Ва керагича олади...

Дил икки ҳис олдида ожиз, бири — муҳаббат, иккинчиси — мусибат. Муҳаббат ҳам эшик қоқиб кирмайди, мусибат ҳам. Бироқ вужудда бир сир борки, у шуларни доим эсингга солиб туради. Улардан қочиб яшашиг мумкин, бироқ кечиб яшолмайсан. Романдаги Ҳармиёна образи ана шу икки туйғуни ифода қилади. Бу солиҳада муҳаббат мусибатга айланади, мусибат—муҳаббатга.

Аёлнинг рақиби — аёл. Клеопатранинг давлати ва шуҳрати унинг канизаги, тахт қўлдоши Ҳармиёнада ҳасад уйғотади. Ана шу ҳасад уни Ҳармаҳисга кўнгил қўйишга ундайди. Кейинроқ эса ҳасад ишқ ва рашкка аралашиб хоинликка, мусибатга айланади.

Аёл ҳамма нарсани кечириши мумкин: ҳақоратни ҳам, хиёнатни ҳам. Лекин у ишқини поймол қилганни кечиролмайди. У сизни севишини айтдим, билаверинг, шу ондан бошлаб сиз унга ё ёрсиз, ё ёв. Тақдири Ҳармиёна билан боғлиқлигини ҳали Ҳармаҳис сезмайди. Канизак эса ўз ниятига Ҳармаҳис орқали етиши мумкинлигини билади. Эркак қудрати билан топган ҳақиқат — аёл қалби билан топган ҳақиқатдир. Буни билмагани учун ҳам Ҳармаҳис қиз ишқини рад этади.

Ҳармаҳис қиз илтижолари устидан қаҳқаҳа отиб кулади. Ахир Миср маликасининг ўзи, мана, ол мени, деб турганида канизакнинг дил изҳори кулги уйғотмайдими? Кейин Ҳармиёна яна бир бор сўз очади. Бефойда,

Ҳармаҳис Клеопатрага ошиқ. «Майли гапларимни бир туш каби унут. Аммо ишқим Миср эҳромлари каби мустаҳкам». «Сен менга сингил, дўст бўлишни мумкин, ундан ортигини ваъда қилолмайман». «Майли, кетдик, — дейди канизак нозик табассум билан Ҳармаҳисни Клеопатра ётоқхонасига эргаштириб кетаркан, — тушдан, тушга...» «Бу табассум билан у Миср тарихини ўзгартириб юборди. Агар шу хоинона табассум бўлмаганда, Октавий дунёга ҳоким бўлмасди. Миср озод ва ҳур давлатга айланарди!» Аслида бу аёлнинг оддий табассуми эди. Бироқ оддий аёлнинг эмас. Бу аёлнинг тили, қўли чўри эди, аммо дили, руҳи эмас. Аёлнинг иштиҳори ва иштиғоли ўртасидаги бу фарқни билмаган эркакнинг, Ҳармаҳис каби, бахти қародир.

Ҳармиёна бўлажак қотилликдан Клеопатрани воқиф этади...

Ҳармаҳис ўзининг аламли тақдири, алданган муҳаббати ва поймол бўлган умидлари учун Клеопатрадан кейинчалик ўч олади. Ёзувчи уни хавfli, бироқ қизиқарли саргузаштларга дучор этади. Бу саргузаштлар ва ситамларда нима кўп: тарихийликми ё бадийликми — ўқувчи учун булар иккинчи даражали. У учун энг асосий нарса — воқеаларнинг ишонарли тасвирланиши, қаҳрамонларнинг ҳаёт мангулиги учун курашувлари. Ҳаётнинг мангулиги эса аёл сиймосидаги ишқда, муҳаббатда. Аёлдаги ҳаёт мангулиги нимада? Аёлнинг ўзида. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Ушбу ҳақиқатсиз дунёнинг шавқи ҳам бўлмасди, завқи ҳам.

Мангуликнинг изи ҳам бўлмасди, ўзи ҳам. Бебахт ва бетахт қолган Клеопатра ўзини ўзи заҳарлайди. «Гурурлан, ўлим чангалинга тушди ҳозир бебаҳо аёл!» Тўғри, ўлим тантана қилади. Начора, ўлимнинг нишони — умр. Аммо умр мангу эмас, ҳаёт — мангу. Аёл эса ҳаётнинг мангулигини асраш учун умридан кечиб яшайди. Шу боис сармад табиат доимо у тарафда.

Адиб хулоса чиқаради: «Агар дунёга шундай яна бир аёл келса борми, дунёнинг адо бўлгани». Демак, дунёни ҳалок этиш ҳам аёл ҳукмида, халос этиш ҳам.

Дунёнинг ҳукмдори — аёл!

1997 йил.

ДАҲОЛИК ИЗЛАБ

«Уйқу ва бой хаёлот ҳаётимга ҳукмрон бўлди, шундан бери мавжудлик билан номавжудлик, ҳаёт билан хаёлот ўртасида фарқ қолмади... Умр бўйи улар ўртасида телба яшадим». Бу буюк испан рассоми Сальвадор Далининг иқрори. У ҳаётни хаёлотга, хаёлотни ҳаётга айлантириб шуҳрат топди.

Барча даҳоларга бир хислат хос, ё оламни, ё одамни қутқариш ўйи билан яшаш. Улар назарида дунё тескари қурилган, шу боис одам қилмишларида гуноҳ кўп, нидо кўп. Лекин улардан қутулиш йўллари мавжуд, у — халоскорнинг юраги ва тилагида.

«Мен санъатни қутқариш учун дунёга келганман! Сальвадор дегани — халоскор дегани!»

«Икки даҳо бор: бири — Рафаэл, иккинчиси — мен, Сальвадор Дали!»

«Сюрреализм бу — мен! Менгача санъат бўлмаган!» Биз, оддий кишилар учун бу манманлик, ўта такаббурилик бўлиб кўринади. Лекин даҳоларнинг ўз ўлчовлари бор. Даҳолар вақт, макон, боис, тасодиф ҳукмрони, биз — қурбони. Даҳолар даврни яратади, бизни эса — давр. Даҳолар ўзлигини излаб, Яратганни топади, биз ўзлигимизни излаб, Яратганни унутамиз. Улар азобланиб яратади, шундан ҳузур олади, биз яратиб азобланамиз, ундан заҳмат тортамиз. Даҳоларнинг ўлчови — мангулик, бизнинг ўлчовимиз — мансаб, унвон, зар...

Ким деб тасаввур қилмади у ўзини: олти ёшида ошпаз, етти ёшида Наполеон, саккиз ёшида шаҳзода, кейинчалик қирол, қассоб, донишманд, анархиячи, борлиқ ҳукмдори, шоир, фаришта, кубизм, иррационализм, сюрреализм, традиционализм тарафдори... Бир умр файласуфларни мутолаа қилди. Олмон файласуфи Кант унинг ақлини ром этди, Кантни фаришта деб билди, лекин асарларини «мутлақо бефойда» деб баҳолади. Ницшенинг «Зардушт таваллоси» асарини севиб ўқиди, аммо «мен шу асарни яхшироқ ёзардим», деди. Будда, Афлотун, Спиноза, Декартлардан фахрланди, ҳақиқат ва айнанликка берилган таърифларга юраги бардош беролмай йиғлади, лекин уларни тушдан, ҳаёдан ахтарди. Ҳамюрти Гарсиа Лорка ҳавас қилган шеърлар битди, ўта истеъдодли шоир бўлиши мумкин эди, бироқ «мўйқалам қироли» бўлишни афзал кўрди. Дарвоқе, суратларида шеърният, мусиқа таъсири бор. Бу энг ғайритабиий ҳол. Ранглар уйғунлиги ва бир-бирини

тўлдириб, бойитиб келиши шундай хулосага олиб келади.

Дали таърифига кўра, «Гражданлар уруши хавфини пайқаш» сурати дурдона асар. «Ҳеч ким мендек уруш хавфи ва асоратини илғамаган». Бир қарашда унда нима тасвирланганини билмайсан. Нимаси унинг дурдона? Тасаввурга сиғмас қандайдир баҳайбат қўл аёл, тўғрироғи, ўз сийнасини, худди хамирдек чўзиб, юлиб олмоқчи. Ёвуз ички бир куч бутун тана ва эти шилинган суяклар сийғасини йўқотиб, аллақандай махлуқотга айланган. Уша ички ёвуз куч азобидан бўйин томирлари бўртиб чиққан, ияк, пешона, кўз чаноқларида нафосатдан асар ҳам йўқ, бурун катаклари парчаланиб кетган, оёқ панжалари табиийлигини йўқотиб мажақланган. Иккинчи баҳайбат қўл, узоқдан элас-элас кўзга ташланаётган шаҳар тасвирида, ўз панжалари билан мавжуд тирик жонларни, одам яратган ҳар қандай нарсани йўқ қилиш ниятида пастга тушгандай. Бармоқлар орасида пажмурда гавдалар кўзга ташланади. Махлуқотда бу даражадаги ваҳшийлик қаердан? Рассом уларни тасвирлаб нима демоқчи ўзи? Ёвуз куч махлуқотнинг ўзидан чиққан. Бутун вужудни қийноққа, азобга солаётган, тирик жонларни ўз панжасида эзаётган ҳам ўша вужуднинг ўзидан, ичидан униб чиққан баҳайбат, ёвуз қўллар эмасми? Мана гражданлар урушининг даҳшати! Бу қирғинда голиб йўқ, ҳамма — мағлуб. Уша қўллар ҳам сийна, вужуд кетидан, шубҳасиз, қурбонга айланади.

Яна бир «Уруш» деган суратда катта бош суяк тасвирланган. Даҳшатдан очилган кўз чаноқлари ва оғиз ичида яна бош суяклар, улар ичида ҳам бош суяклар. Уларни гўё шодликдан рақсга тушаётгандай, илонлар қуршаб олган. Қомлари катта очик, бош суякларни ялашмоқда. Липпиллаб ўйнаётган тилларидан этнинг титраб кетади. Суратда на чопаётган аскар бор, на ёнаётган шаҳар. Ноодатий тасвирга дарров кўниколмайсан. Бир нарса етмаётгандай. Нима? Дарров тополмайсан. Чунки хаёлот мўъжизаси олдида ақл ожиз. Хаёлотнинг ўзи зарур. Уруш раҳми, меҳрни билмайди, унга кераги ҳам бош суяк, унинг тилаги ҳам бош суяк. Эл деймиз, ер деймиз, тахт деймиз. Уларни кимлардир тортиб олмоқчидай. Ичимизда яшаётган бу хавф нафақат ён-атрофдагиларга, ҳатто ўзимизни-ўзимизга ҳам ёв қилаётганини сезмаймиз. Фақат инсон яккаю ягона, муқаддас эканини унутамиз.

Хонамда «Гўдак тасаввурида одамнинг туғилиши» сурати осифлик. Унга беш йилдан бери тикиламан. Узоқ-

узоқлардан мункайиб келаётган чол ҳам назаримдан қочмаган. Унинг хаёлларини ҳам илғагандекман. Лекин ҳанузгача асосий сирни тополмадим. Суратга ҳар сафар қараганда турли хаёллар, фикрлар уйғонади.

Суратда тухумни ёриб чиқаётган киши тасвирланган. Мушаклар, бармоқлар охирги, ҳал қилувчи жангга тайёрлангандай. Шу боис улар бор қувватлари билан бўртиб чиққан. Оёқлар бор кучи билан тухумдан ташқарига интилади. Улар ҳаракатида қандайдир азоб бор. Будданинг, туғилиш — азоб, деган сўзлари эса тушади. Унг томонда туғилиш азобини гўдакка кўрсатаётган аёл турибди. Гўдак унинг оёқларини жон-жаҳди билан қучиб олган. Ҳаракатлари қўрқув аралаш ҳайратга тўла. Бир ондан кейин у додлаб йиғлаши аниқ. Оқ — оппоқ чойшабга тухум сариғи оққан. У — ҳаёт уруғи. Тухумда ер куррасининг акси бор. У ҳам чойшабга оқиб тушмоқда. Бутун замин туғилиш онига жўр бўлаётгандай. Савол туғилади — туғилиш азобми? Ахир, туғилиш — яралиш, яралиш — яшаш, яшаш — мангулик, мангулик — умид, умид эса қувонч уйғотмайдими? Туғилиш шодлик эмасми? Бўлмаса, нега ҳаракатларда қувонч, бўёқларда нафосат йўқ? Қора, долчин ва қўнғир ранглар кўзни қувонтириш ўрнига маъносиз ўйга солади? Лекин ҳаёт билан хаёлот қоришиб, ифодалаш қийин бўлган тасвир яратганки, ҳар ким ундан ўз иқтидори ва тасаввурига яраша фикр топади. Даҳонинг қудрати мавжудликни шунчаки тасвирлашга эмас, балки киши руҳини қўзғаб, онги тубида унут ётган қувватни юзага чиқаришдадир.

Сальвадор Дали ўзи ҳақида афсоналар тўқиди. Умри ҳам афсона деб билди. Яратганлари ҳам афсонага айланди. «Афсоналар билан ва афсоналарча яшаш — қисматим!» Узини телба деб атади; доим телбалик ахтарди. Машҳур руҳшунос Ломброзонинг, «Ҳамма даҳолар — телба», дегани балки тўғридир.

Айтишларича, ёшлигида Наполеонни: «Жаноб турнинг, сизни буюк ишлар кутяпти», — деб уйғотишаркан. Балки шунинг учун ҳам у буюк ишларга интилиб яшаган, тарихга буюк шахс сифатида киргандир? Сальвадор Дали эса ўзини-ўзи, мен ўзимдан дурдона яратишим керак, деб уйғотарди. Даҳоликка даъвогарлик умр бўйи уни тарк этмади. Балки шунинг учун ҳам у санъатдаги одадий тасаввурларни бузиб яшади. «Мен ранг-тасвирни йўқ қиламан», «Санъат кошонаси Париж олдимида тиз чўқади». «Коннотга, кенгликка интил, пастда шавқ йўқ». Қандай асар яратмасни, қандай ғайритабний, ҳатто ғай-

риҳаётӣй фикрга эргашмасин, деярли барчасида кенглик, чексиз коинот бор.

Кишилар тирик даҳоларни тан олмайди, балки ўтган даҳоларга сажда қилишни афзал кўрадилар, чунки тирик даҳолар уларнинг дилини ваҳимага солади, ақли ва ўйини ўзига банди этади. Даҳоларга қарам бўлмаслик учун ҳам кишилар уларни топтаб, агар раҳм қилсалар, улардан қочиб яшайди. Фақат Сальвадор Далигина тириклигида даҳолик даражасига кўтарилиб, шарафланди.

Сальвадор Дали қалбида икки куч: муҳит ва бетакрор руҳ, бепоён хаёл курашиб келди. Муҳитни ёв билиб, муҳитдан қочиб яшаш — даҳолар қисмати. Аслида муҳитдан қочиб бўладими? Ҳа, фақат хаёлда. Дали суратларига тикилар экансан, бунга иқрор бўласан.

Сальвадор Дали асарларига ҳеч қандай «изм» тўла тўғри келмаса-да, уларга қандайдир мезон топиш лозим, акс ҳолда ақл, тафаккурга, ушбу мушоҳадаларга ўрин қолмайди.

Далини сюрреалист деб аташади. Буни ўзи ҳам такрорлайди. Шу билан бирга, у соф сюрреализмни тан олмайди, сюрреалистларни эса ўзининг кўланкалари деб билади. Классик тасвирий санъатни биринчи ўринга қўяди. Ҳар қандай хаёлий тасвири ана шу талабдан келиб чиқиб яратади. «Рад этиш эмас — ром этиш пайти. Йўқ қилиш эмас — яратиш пайти. На инқилоб зарур, на аксилинқилоб. Анъана зарур! Тикланиш зарур!» Охириги сўзлари тагида классик санъат анъаналарини тиклаш назарда тутилади. Тўғри-да, муҳитни инкор қилиш, одатий тасаввурларни бузиш мумкин, аммо улардан тўла озод бўлиш мумкин эмас. «Мен ранг-тасвири йўқ қилмоқчи эдим, аммо у мени йўқ қилишига оз қолди». Шунинг учун «мен ўтмишдан кечмадим, ундан ўздим». «Мен тикланиш дарақчисиман!» дейди у.

Ҳа, даҳолар одатий тасаввурларни бузиб, лекин мангуликни шарафлаб яшайди. Улар учун рад қилиш руҳнинг ўлмас, оламнинг чексиз, одамнинг боқийлигини — мангуликнинг мангулигини излашга йўл. Аслида одам мангуликнинг мангулигини исботлаш учун дунёга келади. Аммо у биз учун — хоҳиш, даҳолар учун — тақдир. Хоҳишдан осонгина кечиш мумкин, тақдирдан эса қочолмайсиз. У шоҳ Эдипникидек, доим олдинда чопади. Аммо Эдип ўз қисматида қочиб, Сальвадор Дали эса унга талпиниб яшади. Эдип тақдирнинг қурбони бўлди, Сальвадор Дали — унинг ҳукмрони. Ўз тақдирига ҳукмронлик қилиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди...

1997 йил

СЮРРЕАЛИЗМ—ЗУР РЕАЛИЗММИ?

*Санъат ва нафоситдаги боқий нарсалар
ақл ила ҳис-хаёл уйғунлигидан туғилган.*

Гойя

Ижод доим сир. Унга гоҳо ижодкор ижтиҳоди ҳам етолмайди. Биринчи наъма ёки биринчи қофия қандай, қайси ибтидодан туғилганини тополмайди, шуурида ҳосил бўлган сирли бир тугун дилини ўртаб, ё саз, ё сўз талаб қилаверади. Энг ғаройиби шундаки, у топганида ҳам тўла қониқмайди, бу ихтилофдан ақлнинг, вужуднинг, имконнинг маҳдудлигини туйиб, охир натижада шоир кетидан, «Уйимизни сарсон қилган ҳар қандай жумбоқ вақти келиб, ечим топар, йўқ, ақл мутлоқ», деб ночор такрорлашга мажбур бўлади. Бироқ шундай ижодкорлар бўладики, бу ихтилофдан мавжуд маъно қидиради ва маъно топади ҳам.

Ақл, рационализм Декартдан кейин Европа учун ҳамма нарсага қодир кучга айланди. Илм, фан, техника жадал ривожланди, теизм ўрнига атеизм, идеализм ўрнига материализм, романтизм ўрнига реализм, ҳамма жойда бой ҳис-хаёл ўрнига қуруқ, ҳисоб-китобга, ўлчовга мойил ақл, рационализм қарор топа борди. Теизм ҳам, идеализм ҳам, романтизм ҳам ақлу тафаккурнинг қуруқ қонунлари нуқтан назаридан, қундалик ҳаёт эҳтиёжлари чиғирингидан ўтказиб баҳоланадиган бўлди. Ҳар қандай ихтиро цивилизация ютуғи, ақлнинг маҳдудот устидан ғолиблиги сифатида шарафланди. Бироқ инсон руҳи ақлнинг чекланишини ёқтирмайди, борлиқ тубидан яна борлиқ, шуур тубидан яна шуур, чексизлик тубидан яна чексизлик излаш унга хос. Унинг назаридан, ақл борлиқни тўла идрок этишга ожиз. Аслида ҳам мана шу ожизлик ақлни ақлга қарши қилиб, ҳатто ёв қилиб қўяди.

Асримиз бошларида ҳаётдан маъно излаб адабиётга, санъат ва фалсафага мурожаат қилаётган бир гуруҳ европалик ёш ижодкорлар—сюрреалистлар ақл кучи билан яратилган аэроплан, танк ва замбараклар гуллаётган шаҳарларни вайрон қилганини, ақлни кўкка кўтарган давлатлар қудрати ўзига сиғмай бир-бирини маҳв қилишга интилганини, натижада кўчалар, шаҳарлар очьяланғоч, ярим мажруҳ гавдаларга, уйсиз, кимсасиз дайдиларга тўлганини, жаҳон уруши ақли занф эмас, ақли закий Европанинг ички эканини кўриб ҳайратга тўшдилар. Сюрреализмнинг ғоявий асосчиси Андре Бретон

«Ақл ваҳшийлиги ибтидоий одамлар ваҳшийлигидан ваҳшийроқ... Йўқ, биз ўзга олам яратишимиз зарур, у ақлга зид ҳиссий-хаёлий олам бўлади», деган даъват билан чиқди.

«Ақл шуҳудга интилади, шуур — ғайбга. Шуурдан фикр — чароғон, ақл — топағон. Ижодкор шуур орқали борлиқ моҳиятига тўла етади» (Анри Бергсон). Машхур фаранг файласуфининг бу фикрини сюрреалистлар ўзларига дастур қилиб олдилар. Ҳақиқатан ҳам, шуҳуднинг беқарорлиги олдида ақл ожиз. У чиқарган ҳар қандай хулоса фасодни, емирилишни тан олишга бориб тақалади. Шунинг учун ақл борлиқ мунтаҳосига тўла етолмайди, чунки унинг ўзида иқомат йўқ. Иқомати йўқ, ўзини-ўзи доим инкор қиладиган нарсага эса тўла ишониб қийин. Агар борлиқ фақат беқарорликдан, фасоддан иборат бўлганида эди, мавжудликнинг мавжудлиги ҳам бўлмасди; унда, яъни борлиқда, ақл мунтаҳосини тополмаган, нигоҳ борини қамраб ололмаган синовлар зиддиятини ечолмаган, аммо борлиқни бир бутун борлиқ, мавжудликни бир бутун мавжудлик қилиб турганч бир иқд борки, унга ақлдан ҳам зўрроқ, нигоҳдан ҳам кенгроқ, синовлардан ҳам ўткирроқ ҳиссий-хаёлий идроккина етиши мумкин. Сюрреализм ақлни бутунлай инкор этмайди, у билан қониқмайди ҳам. У ақлнинг муҳолифи эмас — мусоҳиби; у ақлни ҳиссий-хаёлий тадқиқ билан тўлдириш тарафдори, ҳатто у бу борада мантиқни атайин бузади. Номантиқийликда ҳам сирли, боқий бир ижтимоъ борки, уни излашнинг ўзи мантиқдир, аммо у ақл ўлчовидаги эмас, ҳиссий-хаёлий олам ўлчовидаги мантиқ.

«Мен ранг-тасвирни маҳв қилиш учун келганман!» (С. Дали.) Санъат тарихида ҳеч бир даҳо бундай пиндорликка берилмаган. Лекин Сальвадор Дали классик санъатни эмас, балки «Чўчқанинг ифлос туёқлари қолдирган излар рассом мўйқалами қолдирадиган излардан гўзалроқ», «Энди рассомлар ҳам, ёзувчилар ҳам, муסיқачилар ҳам, сиёсатчилар ҳам, армия ҳам, ватан ҳам... Ҳеч нима, ҳеч нима, ҳеч нима керак эмас», деб даъво қилувчи, мусаввирнинг ўз ибораси билан айтганда, «кўланкаларни» назарда тутди.

«Ўзини сюрреалистлар деб атаётганлар — менинг кўланкаларим. Сюрреализм — бу мен!»

Шунинг учун у кундаликларида, таржимаи ҳолида бирорта «кўланкаларни» тилга олмайди, уларнинг асарлари ҳақида тўхталмайди, гўёки санъат оламида —

Рафаэл, П. Элюар, П. Пикассо, Л. Бюнюэл, Г. Лорка ва С. Дали — ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмагандай. «Мен даҳоман!» Бу барча кўланкалар, нусхачилар, социализмдаги кўчирмачилар устидан чиқарилган ҳукм бўлиб эшитилади.

Сальвадор Далининг «Туш...» деган сурати бор. Унда бир-бирига зид ва ғайриҳаётий манзаралар тасвирланган. Бепоен мовий денгиз. Ер парчаси устида табиат исор этган бор исмати ва малоҳатини кўз-кўз қилиб, сирли туш оғушида бир малойик ётибди. У шунчалик муассирона тасвири, бўртиб турган сийна тагидан осуда, бир маромда ураётган юрак саси эшитилаётгандай. Ногаҳон уйғотиб юборишдан қўрқасан, нафасингни ичингга ютиб машҳур санъаткорнинг «Аёл танасида табиат яратган барча гўзаллик мужассам», деган сўзларини эслайсан. Нозик билагига милтиқ тиғи санчилган. Милтиқ кетидан икки қоплон бир-бирининг кетидан отилиб чиқмоқда. Бир зум ўтмай уларнинг маҳобатли панжалари, ханжарсимон қайрилма тирноқлари, ваҳшиёна очилган жағлари беғам ётган фариштани титка-тилка қилиб ташлаши мумкин. Паланглар ўз навбатида наҳанг, наҳанг эса ёрилган анор ичидан чиққан. Узоқда денгиз устида ўз хожасини миндириб фил бормоқда. Унинг осмонга етгудек ингичка оёқлари ғайритабиийлиги билан кулги уйғотади... Тушга нималар кирмайди? Лекин мен ундан маъно ахтараман. «Асарларимдаги сирларга ўзим ҳам етолмайман, улардаги маъно шунчалик чуқур, мураккаб, ранг-баранг ва ўзбошимчаки, улар оддий мантиққа тутқич бермайди».

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, агар сюрреализм бемаънилик бўлганида эди, унда маъно ахтариш ҳам бемаънилик бўларди.

Мусаввирнинг таъкидлашича, анор ёнида учаётган болари тушни уйғотган. Болари билан фаришта ўртасида нима алоқа бор? Нигоҳингиз чиройли ўгирилган бўйиндан энди етилган олмадек тўлиқ кўкракка, унда қадимги грек тоштасвирларидаги маъбудаларникидек силлиқ ва гўё оламнинг мафтункор нуқтаси каби, хаёлни ўзига тортувчи киндикка сирғалади. Ногаҳон, болари ана шу киндикдан чиққан ёки унга қайтаётган бўлса-чи, деган фикр туғилади. Тўғри, фикр ғайриҳаётий. Ахир ғайриҳаётий тасвир ғайриҳаётий фикр уйғотмайdimи? Демак, туш ҳам ана шу нуқтадан чиққан, у — ҳаёт нуқтаси, мангулик нуқтаси. Чексиз самода инсоннинг ўзи ҳам нуқта, боларидек асал йиғувчи нуқта.

«Чизувчи! Комилликдан қўрқма, сен унга ҳеч қачон етолмайсан!» Комиллик чекланганлигини енгиб, чексизликка тинмай интилишда. Чизишда ҳам, ёзишда ҳам, фалсафада ҳам шундай. Сальвадор Дали Гарсия Лорка ҳавас қилган шеърлар битган, умрининг охиригача фалсафа билан шуғулланган.

«Михланган Исо» суратида ҳам чексизликка интилиш мавжуд. Исо хочдан тушиб кетадигандай. Пастдаги чексиз обгун само эса ер ўзига ортиқча кўрган Маҳдийни ўз бағрига олиш учун қучоқ очаётгандай. Бошқа суратлардагидек на фарёд уриб йиғлаётган Биби Марям бор, на бемажол гавдани хочдан олаётган ҳаворийлар. Улар ўрнида обгун осмонга қўшилиб кетган мовий денгиз, михлар орасини ёриб чиқаётган кўм-кўк само бор. «Будда» суратида ҳам мангулик, чексизлик мавзун устун. У файласуфона мууроқабага ундайди. Тўқ бинафша бўёқлардаги тепаликлар, сувга акси тушган қирғоқлар ва номавҳум аллақандай шаклларга улашиб, қўшилиб кетган бош. У — Будда. Нигоҳи муфараҳ, дунё ишлари уни безовта қилмайди, шу боис хотиржам мууроқаба қилаётгандай: «Ҳаммаси ўткинчи, ҳеч нима, ҳеч ким мангу эмас». Айтишларига қараганда, Дали бу суратини умрининг охирларида, шуҳратдан ҳам, давлатдан ҳам тўйиб энг яқин кишиларидан айрилгач, хилватнишини кунларда яратган. Ким билади, балки ўзи доим интилган тез ора обгун осмонга руҳи, чексизликка вужуди қўшилажagini сезиб, Будда сўзларини тез-тез такрорлаб ўтгандир, чунки даврлар, қилмиш-қидирмишлар ўзгача бўлса-да, охириги нидо ҳамон ўша-ўша...

Сюрреализмни баъзан, хунукликни, емирилишни кўпроқ тасвирлайди, деб айблашади. Бироқ, нега гўзалликни тасвирлаш мумкин хунукликни тасвирлаш мумкин эмас? Гўзалликнинг гўзаллиги хунуклик орқали идрок этилмайdimи? Хунукликни нафъ этиш гўзалликни ҳам нафъ этиш эмасми? Аслида «Хунуклик ноёб нарса, худди гўзаллик каби ноёб» (Леонардо да Винчи). Соцреализм гўзалликдан гўзаллик излайди, сюрреализм — хунукликдан, чунки унинг учун мутлақо хунуклик йўқ. Емирилиш эса чекланганнинг хислати. Оламда ўз зоҳирини йўқотмайдиган нарса борми ўзи? Ҳамма нарса, шу қатори дунё мофиҳо ҳам вақти келиб чексизлик қаърига синиб кетади. Демак, хунуклик ва емирилиш, худди гўзаллик ва яраллиш каби, мавжудлик қонуни, санъаткор уларнинг қайси бирини танлайди — унинг

ихтиёри, руҳ эҳтиёжи.

лий идрокка ўчилиги Ўзбекистонда

вужудга келтиради. Сюрреализмга асосланган суратлар бугун кўргазма ва дўконларда намойиш этилмоқда. И. Икромжонов, Э. Исоҳоқов, Г. Сеитова, Б. Тўраев, А. Верниченко, М. Антонов, А. Ширниёзданов, Р. Мухаммаров каби мўйқалам усталарининг асарлари нафақат жанрлари, шу билан бирга, борлиққа ҳиссий-хаёлий муносабати, мавзуларга сингдирилган фалсафий ғоялари билан ҳам ранг-барангдир. И. Икромжонов суратларида қуюқ қўнғир бўёқлар билан тасвирланган тупроқ уюмлари худди шундай бўёқлардаги фазога, кенгликка қўшилиб, жимжитлик яратган. Улкан суратда бирор тирик жон йўқ. Совуқ жимликдан қандайдир баҳайбат қуш ҳам (бойўғли бўлса керак) қотиб қолган. Бир кунмас бир кун ўзинг ҳам ана шу уюмлар тагидан ва совуқ кенликдан таралаётган жимликка мағлуб бўласан. Тезроқ бу жимликдан қочгинг келади, аммо шуурингда уйғонган фикрдан қочолмаслигингни сезиб, ҳаётингда ниманидир ўзгартиргинг, қалбингга чўккан жимликни бузгинг, ҳатто қўлингга бўёқ олиб, суратга беижозат қуёш нурини тортигинг келади. Тўғри, мусаввир асарларини тўла сюрреализмга тааллуқли деб бўлмайди, аммо уларда сюрреализмга хос мавҳумликдан фалсафий маъно излаш бор.

Бахтиёр Тўраев миллий тасвирий санъатни сюрреализм билан қўшишга мойил. Натижада миниатюра санъатида янги бир йўналиш пайдо бўлаётганини кузатамиз. «Ойдан юқорида» суратида шаталоқ отиб кетаётган эшакда кўзойнагини бурни учига қўндириб ўзича алланималарнинг хаёлини суриб бораётган чол тасвирланган. У ўз хаёли билан шунчалик машғулки, ҳатто бир ковуши тушиб қолганини ҳам сезмайди. Эшак арава ўрнига узун таёқчага қўшилган. Таёқча устида «от ўйини» кетяпти. Унда шахмат ўйнаётган икки киши ҳам ўтирибди. Бор-йўғи битта эгри-бугри ғилдирак тагидан тортилган ипдан бир сиқим пичан осилиб эшакни олға чорламоқда. Пичан қармоққа илинган. Суратда ғайри-ҳаётий нарса йўқ, лекин рассом уларни шундай ғайри-ҳаётий ва ғайритабiiй жойлаштирганки, натижада мавжудлик мавҳумликка, мавҳумлик мавжудликка айланган.

Тошкентлик А. Верниченко ранг-тасвирларини том маънодаги сюрреализм намуналари десак бўлади. Уларда ҳаётийлик билан ғайриҳаётийлик, табиийлик билан

ғайритабиийлик қўшилиб, янги бир ҳиссий-хаёлий олам намоён бўлган. «Салтанатнинг қулаши» суратида қаҳри совуқ ва ички зиддиятларга тўла, макри афтини, пешонасини, иякларини босган ажинли одам — «барча давр ва барча халқлар устози» тасвирланган. У бор-йўғи оҳак, тош ҳайкал, бироқ суратлигини унутиб, совуқ башарадан орқангга қарамай қочиб қолгинг келади. Ҳайкалча орқасида қуюқ қора ва қўнғир рангларда ҳаддан ташқари баҳайбат бино бўлиб, бино эмас гилдирак бўлиб гилдирак эмас, портлаш бўлиб портлаш эмас — қандайдир дўзахсифат бир жойда ўзини ҳар ёнга ураётган сон-саноксиз жуссалар, мажақланган бош чаноқлари, пайлар, панжалар, тўрт тарафга чирмовиқдек тарқалган михсимлар кўзга ташланади. Тепадан ўз ибтиҳожини яширмай, кўзойнак остидан бир оддий тикилади. Унинг кимлигини биласан, лекин номини тилга олгинг келмайди. Ногаҳон тирилиб қолишидан қўрқасан. Пастда бир гуруҳ тарихий шахслар ижтимоъ бўлиб «устоз»ни олқишлашмоқда. Маддоҳлик, сохта ибтиҳож уларнинг дилларида нима кечаётганини яширолмайди. Бу тасвирлар бир-бирларига чатишиб, бир-бирларини тўлдириб, қуюқ бўёқлар таъсирида ғайритабиий бир иморатга айланган. Унг томондан тушган нур, жуда чароғон бўлмаса-да, иморатга дарз кетганини кўрсатади. Иморат бир оз олдинга эгилган, тез орага қулаши ва «оҳак тош ҳайкалчани» босиб қолиши мумкин... Сурат 1990 йилда чизилган, гўё мусаввир зўравонликка қурилган империянинг қулашини олдиндан туйгандай.

Империя тузишни кимлар ният қилмаган: кимдир Қодирини, кимдир қудратини, кимдир қонини рўкач қилган. Оқибатда барчаси ўз юкларини ўзи кўтаролмай, ўз қонхўрликларига ўзи чидолмай қулаган. «Икки нарсанинг чеки йўқ: бир ҳам эзгуликнинг, бир ҳам ёвузликнинг» (Сенека). Тўғри, эзгуликни қардлаймиз, унга талпинамиз, ёвузликдан қўрқамиз, ҳатто унга маҳкумвормиз, лекин ундан қутулиш ўйидан кечолмаймиз. Ёвузликнинг, шу жумладан, империянинг ҳам фожиаси шундаки, у ўзига-ўзи итоат этишни билмайди; у фақат бошқаларни қул этишни билади. Ўзини-ўзига мусаллам этолмаган ўзгаларни ўзига мусаллам этолмайди...

Сюрреализм ҳар кимнинг иқтидори, руҳиятига мос фикр юритишига ундаши билан ўзига тортади. Ҳаммаси шундаки, у ҳар кимда ва ҳар қараганинда ҳар хил фикр уйғотади, мувоқаб ва муҳоварага чорлайди. У қотган қоидаларни, андозаларни рад этади, кимсан.

руҳинг ва мутасаввиринг нимага қодир, марҳамат, оғ, керагича хулоса чиқар. Уткинчи ва муқаддас, чекланган ва чексиз, ақл ва хаёл, яралган ва Яратган тилсимотлари ўйингни қанчалик банд этган? Мавжудлик сирин мавҳумлик, мавҳумлик сирин эса мавжудликда; шуурингдан ситилиб чиқадиған фикр, умр бўйи ором бермайдиган истак, тушларингни борлиққа йўйған ҳис-хаёл мангуликка даъват этганини пайқайсанми? Акс ҳолда ҳаёт — бемаъни, дунёга келганинг — хато. Сюрреализмни, бемаънилик, деб рад этиш осон, аммо уни тушуниб, этиш учун ақлдан ҳам кенгроқ, мантиқдан ҳам нозикроқ ҳис-хаёл олами зарур.

Бугун миллий тасвирий санъатда жонланиш, турли мактабларга мурожаат қилиш, даҳо санъаткорлар билан баҳслашишга қодир асарлар яратилаётгани кўзга ташланади. Ранг-баранглик эркин ижод эса санъатнинг яшаш ва ривожланиш шарти. Худди шунинг учун ҳам хорижий давлатларда санъаткорларимиз муайян ижодига қизиқиш пайдо бўлаяпти. Сюрреализм йўналишида ижод қилаётган талантли юртдошларимиз ҳозир АҚШ, Олмония, Корея, Туркия, Фарангистондан турли буюртмаларни бажармоқдалар. Дўконларимиздаги асарларни эса хорижий меҳмонлар сотиб олаётганини кузатамиз. Бу фахр уйғотади, албатта. Бироқ бир мулоҳазадан ўзимни тия олмайман.

Ҳар қандай музейни безашга лойиқ асарларнинг четга кетаётгани тўғримики? Улар вилоятлардаги ичи ҳувиллаб ётган айрим Маданият уйлари ва саройларини безаши мумкин эмасми? Нега ноёб суратлар яратишга қодир санъаткорларимизга ўзимиз буюртмалар бермаймиз? Ҳозирги бефарқлигимиз келажакда қимматга тушиши мумкин. Сальвадор Далининг юртдоши ва замондоши Пикассо қандай мўъжизавий талантга эга бўлгани ҳаммага маълум. У хорижда яшашга, яратган дурдоналарини эса арзимас нархга сотишга мажбур бўлган, натижада улар ўша жойларда қолиб кетган. Ҳозир Испания ҳукумати ўша пайтда буюк санъаткор тақдири ва ижодига бефарқ қараганини минг бир афсус билан эслайди. Ибратли мисол бу! Оқил одам ва оқил давлат учун ортиқча изоҳ талаб қилмайдиган мисол...

1997 йил.

«МЕН ҲАЁТНИ СУЙИБ...»

Шоир зоти ёзилган ва ёзилмаган мисралар, топилган ва топилмаган қофиялар ўртасида сарсон яшайди. У, Горсиа Лорка ибораси билан айтганда, ҳар бир қофияни юрак қаъридан ситиб олгунча қидиради, ҳукмни эса бошқалар чиқаради.

Менга журналист сифатида таниш Гулчеҳра Муродалиеванинг бир шеъридаги «Қорми — тақдиримга муҳрини босди. Шамолми — супурди ортимдан...» мисралари ёдимда муҳрланиб қолди. Қандайдир ҳазинлик, изтироб, соғинч аралаш нидо шеърга яширингандай туюлди.

...Айниқса

Тумандай ўйлар тўзғиса —

Елғиз қолсанг ҳамда яланғоч.

Айниқса

Дафъатан дунёдан тўйсанг,

Кўнги — эса оч...

Айниқса борлигинг ҳеч ким сезмаса,

Сен эса яшасанг тоғдай...

Айниқса

ҳаммаси, ҳаммаси... ўтса

Куз келса йигирма еттинчи...

Айниқса келганлар қайтиб келмаса...

Ишқ эса...

(...Ўткинчи!..)

Йигирма еттида кўнги оч бўла туриб, ҳаётдан тўйиш, тоғдай яшашингни ҳеч ким пайқамаслигини туйиш, ҳаммаси, ҳаммаси, шу қаторда ишқ ҳам ўткинчи эканлигини англаш ва улар ҳақида дилни тўлғовчи мисралар битиш!..

Энди юракка тигдай ботувчи мана бу мисраларга қулоқ тутинг:

Рост ҳаёт! — Елгон ҳаёт! —

Ортимда қолгон ҳаёт!..

Кулдириб ҳам куйдириб

Домига олгон ҳаёт!

Йигирма еттида ҳаётнинг рост ва ёлгондан иборатлигини пайқаш мумкин, лекин уни ортимда қолган ҳаёт дейишга ҳали тил бормайди. Ҳали машаққатлардан ҳузур олиш сўнмаган, ҳали белингдан қувват, кўзларингдан нур кетмаган, ҳали томирларингдан қон уфуриб

оқийшдан тинмаган. Ҳали эрта, аммо ижодкор учун эмас,
айниқса у ҳақиқий истеъдодга ошно бўлса.

*Кел ёнимга, келгил,
Кела қол...
Ахир сени чорлаяпман мен.
Кел. Бир лаҳза қўлларимдан ол —
Бор оламни унутай тамом...
Кел ёнимга
Бўрон... кела қол!
Тўфонларга айлангил, майли.
Бу дунёдан армонларни ол,
Олгин яна
Мен — бечорани...*

Киромийларга эргашиш — киромийликдан дарак
(Эпикур). Асло кўр-кўрона тақлид қилиш эмас. Гул-
чеҳра, худди Лермонтовдек, маҳзун ўйлари, ҳазин туй-
ғулари ва соғинч унларини барча шеърларига сингдир-
ган. Лекин уларнинг ибрати ҳам, ибороти ҳам ўзиники.
Соғинч — танҳолик, ёлғизлик синглизиси. Нидо, ғам
— уларнинг қўли. Ана шу қўлларга таяниб юради
соғинч.

*Сочларимни сийпама, Ёмғир,
Юзларимни сийлама...
Сени узоқ кутишди.
Нафасингни бир умр соғинишди.
Биз нега ўхшамадик,
Ёмғир —
Нега ўхшамадик?..*

Шоира бу шеърини «Танҳолик» деб атаган. У ём-
ғирга ўхшашни, тўғрироғи эса, ўзини ҳам ёмғирдек бир
умр соғиниб кутишларини истайди. «Нега ўхшамадик?..»
— фарёд бўлиб эшитилади.

Шоира қалби — соғинчлардан кўкарган чечак. Бал-
ки шунинг учун ҳам, «соғинчлардан ўлмаслик — гуноҳ»,
деб ҳукм чиқаради у. Бунга тўла ҳаққи бор. Баъзан
шоира «Шодликлардан йироқман бугун, Соғинч энди
ўртамас асло», деб ўзини ҳам, ўқувчини ҳам ишонтир-
моқчи бўлади. Дарвоқе, бу чекиниш ўқувчи иштиёқини
оширади. Кейинроқ эса «Яна қайтар асрий мўъжиза,
шодлик, севги... барчаси», деб хабар беради. Ана шу
асрий мўъжизалар билан ижодкор бахтиёр эканлигини
билганидан, уларнинг яна қайтганидан хурсанд бўла-
сан. Бироқ шеърни у:

*Ёстиғим нам,
Вужуд — аланга!
Ташланаман унинг бағрига...*

деб тугатади. Ҳамдардлик аралаш бир ҳис уйғонади қалбингда. Унинг нималигини дарров тополмайсан. Бунинг учун шеърдан озгина узоқлашиш зарур. Худди мозаикани бутунича илғаш учун масофа керак бўлганидек. Уйларингни ўз ўтмишингга кўчириб улар ўкинчига айланган севинч, насиб бўлмаган севги, ушалмаган орзу, риёкор тақдирлигини пайқаб, шоирнинг бахти унинг бахтсизлигида, деган иборани ночор такрорлайсан...

Яна бир шеърда Гулчеҳра «Ҳаммаси ўткинчи. Ҳаммаси ўтар... Бир кун тарк этганда яшашнинг ғами. Сенинг юзларингда соғинчми қотар, Менинг юрагимга ботгани каби», деб ёзади. Юрагига ботган соғинч баъзан «киприклар остида музлайди», дилни ўртаб оқади» ёки «Сени қучиб соғиндим, ҳаёт, Сени суйиб йиғладим... ҳаёт!» каби ўқувчини ҳам ҳайратга, ҳам хасратга солувчи хитобга айланади. Бетакрор қиёслашлар соғинчга ички нидони сингдириб, сеҳрли олам яратади, ақл мантиқ измидан чиқиб нафис ва дардчил туйғулар кетидан эргашади. Қаердадир тўхтагинг, қаердадир эътироз билдириб, ҳатто мисраларни ўзингники қилгинг келади, лекин улар сени ўзиники қилганини пайқайсан. Мисралар сенинг измингдамас, сен уларнинг измидасан. Бу шеърият ва истеъдод мўъжизасидир.

Гулчеҳра қисқа мисралар тузади. Шеърлари ҳам узун эмас. Энг узун ярим бет. Баъзан менга шоира шеър эмас, афоризмлар тўқишга аҳд қилгандай туюлади. Қиёслашлари лўнда, фикрлари файласуфона. Деярли ҳар сатрда учровчи тиниш белгилари, айниқса уч нуқталар, келинчак юзидаги ниқобдай, мисраларни серҳаё ва сермаъно қилади. Ҳатто пўртанадай отилишга шай туйғулар ҳам ўзини тийиб, уч нуқталар ичига яширинади. Натижада уч нуқталар ҳар кимнинг ўз иқтидорига яраша фикр айтишига жой қолдиради.

*Ҳаёт...
Йўқ! Шошма!..
Тутгин лабларингни —
Мени жазола...*

Деярли ҳар бир шеърда шундай. Гулчеҳранинг фикрлари қотган қондалардан, қофия-

бозликдан йироқ. Ҳатто шоира бу қондаларни атайин бузишини кузатамиз. У, мен шундай, истасангиз, шу, деяётгандай. Қофия бузилади, лекин моҳият ютади.

*Бўтакўзнинг сокин термулишида
Бир ҳасрат бор эди — ишққа мунтазир!
Унинг ҳар кўзида қайғу гулларди,
Менинг ҳар кунимда йиғлайди туйғу...*

Илк китоб илк севгидай. Илк севги покиза ва сирли ҳисларга чулғайди, энг тоза ва ардоқли йўлларга ошно этади. Кўп ҳолларда эса айрилиқ азобини, бедиллик жафосини тотасан, натижада шоирнинг ўкинчли «толеимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат» сўзларини бенхтиёр такрорлайсан. Қайси бири қимматли — севги сафосими ёки севги жафоси? Тўғри, сафосиз жафосини билмайсан, жафосиз — сафосини. Бироқ негадир жафокаш сатрлар кўпроқ ҳамдардлик уйғотади. Ўзига ҳамфикр этади. Айниқса, шеъриятда. Ҳатто шоирани унутасан. Муаллифи, гўеки сен. Гўеки, ойнинг шарпаси сени ташлаб кетаётгандай, тунлар гуноҳингни кечираётгандай, бугунларинг маъсуд тунларингдай, лабларинг бемид илтижо билан, «севгим, кетма, қол, бағримда қол», деб ёлвораётгандай. Бу сирнинг ибтидосини қидирасан. Тополмайсан, топишинг ҳам даргумон. Яна мисралар ёрдамга келади.

*Ёшлигим беролмам сенга, дўстгинам,
Куйгун умр ўтар борини олиб!
Бироқ
Дарча, булут.
Ёмғирдан ивиган сўқмоқ
Ишқ бўлиб ёндирар ортимда қолиб!..*

Бошқа жойда шоира ёзади: «Ишқ — онамдир, Ишқ — боламдир, Ишқ — худойим!.. Бир даҳрийга бундан ортиқ нидо қайда?» Ёки:

*Дилдан кишанларни парчинлайверар
Асрлар қаъридан ўтган бу ҳужум:
Муҳаббат юракнинг туғилишидир;
Муҳаббат — дунёга ташланган ҳукм!..*

Ҳеч қандай изох, ҳеч қандай талқин улар ўрнини босолмайди. Шеърга — шеърнинг ўзи ўлчов, ўзи — мақтов.

Гулчеҳра шеърларида ҳар бир сатрнинг, ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бор. Улардан истаганингизни олишингиз мумкин. «*Мен ҳаётни суйиб...*» — дея шоира сатр-ни тугатади. Ҳаётни севмаслик мумкинми? Уни севиш, севмаслик бизнинг ихтиёримиздами? Шоира кейинги сатрда «*Туғилдим*» деб ундов қўяди. «*Мен ҳаётни суйиб... Туғилдим!*» Ҳаётни севиб туғилиш мумкинми? Нега бўлмаса одам дунёга йиғлаб келади? Йўқ, шоира ҳаётнинг — рост ҳаёт, ёлғон ҳаёт, ҳатто қаттол ҳаётлигига қарамай, уни севишини айтмоқчи. Оддийгина сўзлар мантиқий фикрлашни рад этиб, сермаъно мисраларга айланади. Эшитинг: «*Мен ҳаётни суйиб... Туғилдим! Денгиз, сендан олдим юракни... Қумларингга ботдим. Йўғрилдим. Қумлар — шўрли таним. — Ватаним. Қуёш, бунча бағрим доғлама: Сен оловсан — сен маргсан — тенгсиз! Нетай сени чорлаб тўймади Юрагимда фарқ бўлган денгиз...*» Мана, шеърият сеҳри!

Гулчеҳрада азалий мавзуларга қизиқиш кучли, шу боисдан у замонавийлик байроғи остида тамағирлик билан шеър битишдан қочади. Яратган, Ҳаёт, Севги, Соғинч, Дўст, Юрак, Моҳ, Тун, Изтироб каби умуминсоний ва умумназмий мавзуларга мурожаат қилади, уларни ўз кечинмалари билан тўлдириб, пардозлаб ҳар бири ҳақида бетакрор фалсафий мушоҳадалар юритади. Фалсафа шеъриятдан туғилган дейишади. Фалсафа шеъриятга йўғрилган ҳам. Айниқса, Шарқда. Гулчеҳранинг шеърлари ҳам бунга ишончли мисол.

Тўғрисини айтсам, Гулчеҳранинг шеърлари менда ҳавас уйғотади, таланти — ҳасад. Дўстона маънода, албатта. Нега мен ёзмадим уларни? Ахир, мен ҳам айтишим мумкин эди-ку? Лекин айтмадим, нега? Шоира жавоб беради: «*... Утаётган ўктам кунлардан бир лаҳза бор — менга аталган*». Демак, Гулчеҳра ана шу лаҳзани топган, мен эса тополмадим, Гулчеҳра ана шу лаҳзада ўзини, ўзи айтгандай, малика эканини сезган, мен эса у лаҳзанинг итоаткор қули бўлиб қолаверганман...

Шеърлар — шоиранинг кўпдан бери қатра-қатралаб йиғилган ёрагига сиғмас куйлари! Улар — шоиранинг дилига тўпланган «*армондай улуғ нафиса*»лари! Улар шоиранинг чеккан чексиз изтироблари туфайли «*бўғзидан юракка қайтган сўзлари!*» Улар келар-да кетар ойнинг шарпаси эмас, балки ҳаётнинг мураккаб ва

серқайғу сұқмоқларида тортган оқлар шарпаси. Ұлар —
хаётга, муҳаббатга ташналик! Шунинг учун ҳам у ру-
ҳий изтироблари ва дардчил ўйларини енгиб: «*Мен
хаётга ҳали тўймадим*», деб ўзига тасалли беради. Ҳа-
ётга тўймаган куйлашга ҳам тўймайди. Шеърятга
эса, ўз ихтиёринг билан кириш бору, чиқиш йўқ. Де-
мак, куйлар, Гулчеҳранинг Ҳаёт ва Муҳаббат ҳақидаги
куйлари, ҳали олдинда дегим келади...

1997 йил.

СЕВИНЧ ВА УКИНЧ (Жабронга назира)

*Хуб тўла қалбимиз фарзанди — одам.
Одам камол излар ердаги худо.
Дили фарқ севинч ва ўкинчларидан
Унинг умри гоҳ — шод, гоҳ саргардон.*

Жаброн Халил Жаброн

Қодир мутлақ вужудидан Руҳни, Одам руҳини аж-
ратиб ва унга қадаҳини кўрсатиб дебди:

— Бундан ҳаргиз ичмагайсан, ичсанг кечмишинг
унут бўлғай, келмишинг — улу.

Сўнгра ўкинч қадаҳини тутиб дебди:

— Бундан мудом ичгайсан, у туфайли ҳаёт абадий
ҳамрозинг бўлғай, нафосат ва муҳаббат ҳамроҳинг
бўлғай.

Бошқа бир асарида Жаброн бу фикрни тўлдиради:
«Ҳузну аламга тўлган ўкинчларимни қувончларга, фи-
фондан тўкилган кўз ёшларимни қаҳқаҳаларга алиш-
тирмайман. Мен ҳаётим севинч ва ўкинч бўлиб қоли-
шини иштайман: севинч ҳамдил, ҳаммаслак орттирса,
Яратганга ҳамду санолар айтишга ундаса, ўкинч юрак-
ни тозалайди, маҳдудот сирларидан воқиф этади. Се-
винч мавжуд шодликдан хабар берса, ўкинч юраги пора
кишилар билан ҳамдари яшашга ўргатади».

Одам — севинч ва ўкинч фарзанди. Севинч ва ўкинч
ибтило нима-ю ибтиҳож нима, икром нима-ю икроҳ ни-
ма, мусаллат киму мусаллам ким, хуштоле киму бетоле
кимлигини мудом одамнинг эсига солиб, уни беиқомат-
дап иқоматни, шаклдан шамойилни фарқлаб яшашга
ундайди. Севинч ўкинч туфайли — қадрли, ўкинч се-
винч туфайли — жабрли. Қадрсиз севинчда қадр йўқ,
жабрсиз ўкинчда — жабр. Ҳаёт, умр аслида қадрли ва
жабрли онлар ижтмоси демакдир. Бироқ ҳамма ҳам
ўкинчдан севинч, севинчдан ўкинч излашга қодир эмас.
Ақли зойиллар учун ўкинч — бу мутлоқ ўкинч, севинч—
бу мутлоқ севинч, ақли қойилларнинг эса ўкинчдан
севинч излаши — қисмат, севинчдан ўкинч топиши —
ҳикмат. Укинч қисматга айланганда, умр ҳикматга ай-
ланади. Ва аксинча, севинч қисматга айланса, умр лаъ-

натга айланади. Айтишларича, худо кимдан ўч олмоқчи бўлса, уни ўкинчдан маҳрум этармиш.

Севинч нима? Ҳис, туйғу. Одам руҳининг қувончга, нишотга мойил ҳолати. Укинч-чи? У ҳам — ҳис, туйғу. Бироқ унда руҳ ҳузига, надоматга мойил. Мен се-винч ва ўкинчга илмий таъриф бераётганим йўқ. Жаб-рон ҳам ундай қилмайди. Севинч ва ўкинч ёзувчининг, файласуфнинг юрак қаъридан жой олган, бутун фикр-лари ва асарларига хослик бахш этган кечинмаларидир.

Ҳаёт сирларидан воқиф бўлишни истаган заҳоти уни ёшлик севинч ва ўкинчга ҳамдил этди. У ёшликнинг масрур сўзига ва мағрур кучига ишонди. Шу боис унга талпинди. Ва топинди. Ёшлик унинг қўлидан тутиб, кўм-кўк майсалар тўшалган қирга етаклади. Бепоен осмонда кезаётган паға-паға булутлар, сирли сукут ва виқор билан кўкка чўзилган қоялар, мангулик қўшиғи-ни куйлаётган чигирткалар, қушлар, ўрмонлар, сойлар — бутун борлиқ илоҳий ва мураттаблик боис, ёшлик бўлиб кўринди, ақл ва хаёлни ром этиб дилини севинч-га, қувончга, нишотга тўлдирди. (Бу улуғворликдан унинг ё шоир, ё мусаввир бўлмаслиги гуноҳ эди.)

«— Биз қаердамиз? — деб сўради у ёшликдан.

— Ҳайрат майдонидамиз. Бу олам ва одамни, се-винч ва қувончни билиш майдони». Кейинчалик сирли борлиқдан ҳам сирлироқ, нафис улуғворликдан ҳам нафисроқ аёл тасвири пайдо бўлди.

«— Бу ким, ёшлик? — деб сўради у ҳайратда.

— У Юпитер қизи, Мелпомена. Укинч маъбудаси.

— Унга мендан нима керак?

— Мен сенга қувонч ва севинчларимни кўрсатдим. Мелпомена эса сенга ўкинчларни кўрсатади. Одам ги-рифтор ғамларни ҳам. Эсингда бўлсин: ҳайратни ти-лингга ёр тутсанг, олам ва ҳаёт сирларига етиш ўйи дилингни тарк этмайди. Севинч онлари канчалик оз бўлмасин нажотни фақат ундан топгайсан. Яна эсингда турсин: ўкинчдан узоқ — севинчдан узоқ. Энди бор, Мелпоменага эргаш».

Ёшлик сўзини тугатмасиданоқ, ўкинч маъбудаси уни узун қанотларига ўраб осмонга олиб чиқди.

«— Ерга, одамларга боқ! — деди у, — уларни ку-зат, улардан ўрган!» Ёзувчи пастга қараб инига чўп-тиқилган қумурсқадек, тўрт томонга чопқиллаётган бе-сарамжон одамларни кўрди. Уларнинг эсига на Кўкдаги тушарди, на Ергадаги. Узаро ихтилофлардан борлиқ ғам-да. Яратган ғамда. У саъдийни шаъқий кўрди, шаъқий-

ни эса янада шаъқий. Иблислар ғадри боис фаришталар безовта. Қувғинда. Иблислар ва фаришталар ғазвидан одам ўйи — ғазовотда. У одамлар дилида муҳаббат ҳам, нафрат ҳам борлигини кўрди. Барчаси сотилар ва сотиб олинар экан. Давлат бадният ғофиллар қўлида, зўравонлик ва риёкорлик уларнинг одати экан. Фуқаролари муҳтожликда, донолари — мусофирликда.

«Наҳотки, шу мен яшаётган ер бўлса?! Наҳотки, одамларнинг муштдек юрагида шунчалар қабоҳат бўлса? Илоҳий қудратга ва ҳикматга эга одамлар ҳали шуми?»

Мелпомена дилни яқсон қилувчи хотиржамлик билан жавоб қайтарди:

«Ер — тиканли ва ёввойи ўтлар босган ўкинч майдони. Кўрганларинг — соялар. Беқувонч, беумид, бемаслак соялар...» Ёшлик унга севинчлар орқали нафисликни, нафосатни туйишга ўргатди, ўкинч орқали — дардни, муҳаббатни суйишга. «Мен учун нафосатдан ўзга дин ҳам йўқ, фан ҳам йўқ, муҳаббатдан ўзга бахт ҳам йўқ, тахт ҳам йўқ».

Маҳдудот севинчга тўла, бироқ ҳамма сир уни топишда, топа олишда. Энг ғалатиси ҳам шундаки, одам дили севинчдан кўра ўкинчга кўпроқ мойил. Бўлмаса нега деразасидан тушган тонгги нурдан у шод уйғониш ўрнига дарпарда билан унинг йўлини тўсади? Нега касбдошига теккан мукофотдан, унвондан қувонмайди, балки аксинча, ғамга ботади? Нега одам ё мол деб, ё шон деб ўзини ўтга, сувга ургани урган? На офиятини ўйлайди, на ориятини. Наҳотки, инъом этилган энг олий неъмат — ҳаётнинг, тирикликнинг ўзи беқиёс шодлик, қувонч эканлигини у билмаса?.. Савол кўп. Тўғри, жавоб ҳам кўп. Аммо жавобгар йўқ.

Севинчнинг қанотлари — назмдан, томирлари базмдан. Шу боис у куй бўлиб, васфу мақтов бўлиб нафис қанотларида кишини осмоннинг еттинчи қаватига чиқаради, кайфу сафо бўлиб, куч-қудрат бўлиб уни жаҳоншоҳга айлантиради. Дилини умидга, билагини қувватга тўлдиради, гўёки, оламда бари унинг лафзига, ҳукмига мунтазир. Аммо севинч доимо ўкинч таъқибида, ўкинч унинг қанотларини қирқиб кўкдан ерга туширади, бошидан тожини олиб камсуқум бандага айлантиради, томирларига болта уриб, бир кунмас бир кун йиқилишидан уни огоҳ этиб туради. Шунинг учун мутлоқ севинч йўқ.

Ўкинч — изтироб, дард. Кишининг рўёбга чиқмаган

орзулари, дилидан ўчмаган истаклари, тубига етолмаган фикрлари боис уйғонадиган дард. Бу дарднинг қанотлари темирдан. Томирлари ҳам. Кун чиқаверади ва ботаверади. Ҳаёт, умр ўтаверади. Улар кишининг орзуларига, фикру ўйларига бефарқ, аммо ушалмаган орзулар, улар қолдирган асорат беиз ўтмайди. Уларнинг ўкинчи ўтмайди. Улар темир қанотларига ўраб умр бўйи эзади одамни. Агар бир кун 1440 дақиқадан иборат бўлса, унинг 40 дақиқаси севинчини, қолганлари ўкинчини. Бу руҳшунос олимларнинг ҳисобкитоби. Нега шундай? Одамнинг ушалмайдиган орзулари кўпми? Ҳамма орзулари ҳам ушалавермайди, одам буни яхши билади. Одамнинг имкони, қудрати камми? Аксинча, сайёрада ундан ўзга қудратли мавжудот йўқ. Ақли қисқами ёки хаёли? Йўқ, у ақли туфайли оламга ҳукмрон, хаёли туфайли келажакка. Бўлмаса нега одам умрига ўкинч ҳукмрон? Одам ҳали нафосатни туйишни, муҳаббатни суйишни одат қилмади. Урганмади. Қодир мутлоқ ўз вужудидан Руҳни, одам руҳини ажратган, унга нафосатни, муҳаббатни ва суйиш хислатини ато этган. Унинг назарида одам ўкинч орқали нафосат ва муҳаббатга етиши зарур эди. Минг афсуски, одам ўкинчни енгиб ўтолмади, унга банди бўлиб қолди.

Одам учун ердан, одамлар орасидан бошқа бахт йўқ. Шу билан бирга, айнан одамлар боис одам ўз саодатини тополмаслиги мумкин. «Одамлар сўзамол иллатларимни кўкка кўтариб камсуқум қимматларимни ерга ургач, мен танҳоликдан саъд изладим. Бераҳм оломондан сукутни сирдош тутдим». Асар қаҳрамонларининг барчаси танҳоликдан ё сукутдан, телбаликдан ё зоҳидликдан нажот излайди. Улардан бири Юсуф Ал Фахрий, ўз тожу салтанатидан воз кечадн, танҳоликдан донолик қидиради. «— Ҳа, — дейди у, — мен одамлар даврасида қолиб ҳам Яратганга хизмат қилишим мумкин эди. Яратганни излаш учун мен одамлардан воз кечганим йўқ. Иймоним улар иймонидан, эътиқодим улар эътиқодидан, тилакларим улар тилақларидан бошқачароқ эканини пайқагач, мен учун донишмандликдан ўзга саодат йўқлигини билдим. Донишмандлик оломондан йироқ, у — танҳоликни севади. Танҳоликдан ҳикмат тополмаган, маҳдудотдан ҳикмат тополмайди. Мен маслағи паст оломондан юксак эътиқодимни, серғавго шаҳардан донишмандликка ўч қалбимни асраш учун, танҳоликка, сукутга меҳр қўйдим...»

Табнийки, ҳаммага маълум сирдан номаълум сирни, ҳаммага маълум мақсаддан номаълум мақсадни излашга мойил қалб учун танҳоликдан, сукутдан ўзга қулай нажот йўқ. Аммо гап танҳоликнинг, сукутнинг ўзида эмас. Гап — танҳоликдаги, сукутдаги изланишда. Изланишнинг ўзи — сир, изланишнинг ўзи — мақсад. Танҳолик ва сукут унга барқарор макон. Сирга, мақсадга айланган ижод қалбга ором бермайди, бемақсад умрни мақсад билан, бемаслак дилни маслак билан, бефикр хаёлни фикр билан тўлдиради; у одамни борлиқдан ҳам боқийроқ, кенгликдан ҳам кенгроқ, қодирдан ҳам қодирроқ бир иқдн топнишга ундайди. Акс ҳолда, менга айтинг-чи, тожу салтанатлар пойида ётса ҳам, бутун мавжудот унинг ҳукмига илҳақ бўлса ҳам одам тағин нималарнидир излашини, тағин кимларнидир исташини қандай фаҳм этса бўлади?

Яратганга ҳамма нарса аён, одамга — ҳеч нарса. Аёнда билишга ҳожат йўқ. Одамга эса ҳеч нарса аён эмас. Омийлиги боис унинг умри доим изланишда, билишда, ўрганишда. Айниқса ҳаёт ўкинчларга тўлиб, тошганида одам билимлар онаси — фалсафага мурожат қилади, тўғрироғи, ҳаётнинг ўзи уни файласуфга айлантиради. «Ҳаёт ўз ўкинчларига лойиқ куйчи тополмаганида файласуфларни туғади». Чунки ҳаётнинг ўз бағрига сиғдира олмаган дардларини, ўкинчларини куйчилардан фақат файласуфгина билишга, очиб беришга қодир.

Ўкинч фарёд, дод солиши зарур. Акс ҳолда уни ҳеч ким эшитмайди. Оддий кишилар тасаввурида шундай. Лекин донишманд сукут сақлайди, ҳатто сукутни улуғлайди ҳам. «Буюк куйчи шуки, ким ўкинчда сукут сақласа, сукутда ўкинчни куйласа». Аълам Будда азобуқубатли ҳаётдан одамларни халос этиш йўлларини топиш учун ўн икки йил сукут сақлаган. Пифагор ҳаёт сирларига етиш учун шогирдларидан оғзига етти йил тош солиб юришларини талаб қилган. Деярли барча мазҳаблар сўзамолликни ғайрикамолий ҳол деб билади. «Ким ўз вужудидаги сукутдан мадад тополмаса, умидсизликда ўлади. Чунки ҳаёт зоҳирдан эмас, одам ботинидан яралган». Лекин сукут — таркидунёлик, таркиодамлик, таркификрлик дегани эмас. Сукут — ўз қалбинг билан яккама-якка, рўй-рост ва бешафқат суҳбат. Серғавфо ва серқайғу дунёнинг кўчаларига бош тикавериб, дардчил дилига маҳдудотдан даъво излайвериб, чарчаган руҳ ўзи билан ўзи шундай очиқ суҳ-

батга муштоқ. «Экилгану ўсиб чиқмаган умидлар уруғи — бу мен; кезавериб Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам тополмаган дайди шамол — бу мен; ёнгану нур бўлмаган шам — бу мен; нима учун мен бу ердаман, айт. эй илоҳим?! Нима учун о, ёлғиз қалблар ичида ёлғиз қолган Қодирим, сен каби унут ва ёлғизман бу ерда?! Мутафаккир жавоб излайди. Аслида қаҳрамонларнинг тақдирини — жавоб. Бизни ҳам жавоб излашга даъват этади. Биз қаҳрамонлар тақдирини ва ёзувчи ҳикматларини ғайриҳаётний топамиз. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки биз ХХ аср одами — ижтимоий одам. У, яъни, ижтимоий одам, таҳолиқдан, сукутдан ҳикмат қидирган қалб ўқинчларини қабул қилишга ожиз.

Уртада масофа эмас, жарлик бор. У тилакда, эътиқодда. Жаброн учун ҳақни, муҳаббатни, нафосатни излаш — тилак, эътиқод. Деярли барча асарларида у Ҳақ, Муҳаббат, Нафосат излаб муқаддас битикларга мурожат қилади, ҳаётида ҳам уларга эргашади. Ижтимоий одам учун эса унвон, мансаб, завқ — тилак, эътиқод. Бу нарсаларсиз ижтимода у ўзининг ҳеч ким эмаслигини яхши билади. Шунинг учун уларга ким: Холиқми ёки махлуқми, фарқи йўқ, кўпроқ ваъда қилса у ўшанга хизмат қилади...

Яна бир мавзу ёзувчи хаёлини тарк этмайди. У — телбалик. «Мен телбаликдан ўзим учун озодлик ва хавфсизлик топдим». Ҳақиқатан ҳам, савдойи билан ҳеч ким қизиқмайди, ҳеч ким уни таъқиб этмайди. У сўроқлардан, одатлардан, ҳатто қонунлардан озод. «Мен телбаман» — деган эди Ницше. — Телба! Ундан ўзга озодлик йўқ, эрк йўқ. Майли, ҳасадгўй оломон мени телба деяверсин; телбалик завқини оломон қаердан билади, аммо келажак ҳаёт юзидаги манфурлик ниқобларини юлиб олган телбаларни улуғлайди...» Фикрлар ўхшаш, услуб ҳам. Балки шунинг учун ҳам Жабронни Ницше, Шопенгауер, Спиноза, Блейк, Кафкага қиёслашади, тенглашади. Қандай бўлмасин, Жаброн худди Ницше каби, ҳасадгўй оломондан ўзгача фикрлаш, ўзгача яшашга ўзида мойиллик сезади. «Шаҳар ўртасида ягона қудуқ бор. Ундан бутун шаҳар, сарой аҳли ва шоҳ ҳам сув ичади. Бир жодугар қудуқ устига келади ва унга оғу томишиб, сендан ким сув ичса ақлдан озсин, деб ҳукм қилади. Эртасига шаҳар ва сарой аҳли қудуқдан сув ичиб ақлдан озади. Фақат подшоҳ ва унинг вазирини ўзларини сақлаб қоладилар. Подшоҳнинг ўзидан бошқача фикрлаётганини кўрган

оломон, у бизни алдаб келган, уни йўқ қилиш керак, деган сўзларни тарқата бошлайди. Бундан хабар топган подшоҳ қудуқдан захраб келтиришни буюради ва уни оломон олдида ичади. Шаҳар шодликка, тантанага тўлади, чунки подшоҳга ҳам «ақл қайтганди». Ҳа, асл телбалик ҳасадгўй оломон билан бирга фикрлашда, у каби яшашда. Ундан ўзгача фикрлаш ва ўзгача яшаш эса, бошқача, яъни, ақл қудратини топишга интилган телбаликдир. Худди шунингдек, бу телбалик муаллиф руҳининг ҳали асл ифодаси, сояси ҳам эмас, балки, у кетма-кет ўзгариб турувчи қалб ўкинчларининг бир қирраси, бу ўкинчлардан маъно, қудрат, сир топишга аҳд қилган изланишидир. «Ақл, идрок тагида қандайдир сир яширинган, уни ақл, идрокнинг ўзи эмас, унга зид бўлган, унга рўпара турган телбалик топади ёки телбаликни қурол қилган истак топади». Тўғри-да, иссиқнинг иссиқлиги совуқ орқали, оқнинг оқлиги қора орқали аниқлангани каби ақл, идрок тагидаги сирга телбалик орқали етилади-да. Бу — аслида ақл қудратини шарафловчи телбалик. Аммо беҳис мантиқ орқали эмас, балки серҳис севинч ва ўкинч орқали...

Файласуф кўча тозалаётган фаррошга дебди:

— Сенга ачинаман, ишинг жуда қийин ва ифлос. — Раҳмат, афандим, — дебди тавозе билан фаррош. — Сиз ўзингиз нима билан шуғулланасиз?

— Мен файласуфман. Одамлар тафаккурини, қалбини тозалайман.

Фаррош илжайиб дебди:

— Мен сизга ачинаман...

Аччиқ сўзлар. Аммо очиқ сўзлар. Улар тагида донишманднинг қисмати яширинган. Донишманднинг севинч ва ўкинчлари ҳам.

1998 йил.

БУДДАВИЙЛИК

Буддавийликда жаҳолат асоратини эмас, камолот фароғатини кўраман.

Луис Борхес

Олам ва одам — кўҳна андоза, бирини бири рад этиб, бирига бири ё ёр, ё ёв бўлиб яшовчи андоза. Улар баҳсида рамздан кўра ражо кўп, баҳсгоҳ эса — инсон ҳаёти, инсон руҳи. Мана шу азалий баҳсдан бирини бири тўлдирувчи икки соҳа — тамаддун ва маъ-

навият яралган. Бу баҳснинг муаллифи ҳам, мухолифи ҳам — одам.

Тамаддуннинг мақсади — фароғатли, фаровон олам яратиш; маънавиятнинг мақсади — комил, руҳи солим одам яратиш. Тамаддун қурумсоқ ақлга, ниятга топинади; маънавият бепоён, бой руҳиятга талпинади. Тамаддун учун абадий нарса йўқ, унинг қонуни инкор ва яна инкор; маънавият учун Яратган, руҳ абадий, унинг қонуни — эътиқод ва яна эътиқод. Тамаддуннинг мавжудлиги — янги-янги воситаларни, бошқариш тизимларини, истеъмол буюмларини яратишда; маънавиятнинг мавжудлиги — ҳақу ҳақиқатни, абадиятни излашда. Тамаддун учун ҳамма нарсанинг, жумладан, инсон қадрининг ҳам ўлчови бор, у — шуҳрат, унвон, мансаб, пул ва бойлик; маънавиятнинг мезони эса — Яратганга, руҳга садоқат, ихлос. Одамзод онгли мавжудот эканини англаган фурсатдан буён Яратган билан яратилганни, олам билан одамни уйғунлаштиришга интилиб келади (Олам ва одам мавжудлигининг асоси ҳам аслида ана шунда). Бироқ, тарихий бурилиш даврларида тамаддун ва маънавият, олам ва одам баҳси авж олиб, янги фикр оқимлари, мактаблари вужудга келади. Тафаккур тарихидан аён бўладикки, ана шундай оқим ва мактаблар энг аввало, Шарқда шаклланган. Улардан бири буддавийликдир.

Буддавийлик гарчи Ҳиндистонда вужудга келган бўлса-да, унинг таълимот сифатида шаклланиши ва ёйилишида барча Шарқ халқларининг улуши бор. Эрампиздан олдинги 2000 йилларнинг ўрталарида Урта Осиё ва Қуйи Волга соҳилларида яшовчи орийлар Ҳиндистонга кўчиб кела бошлайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, орийлар маҳаллий қабилалардан кўра пухтароқ хўжалик юритиш ва бошқариш усулига, урф-одагларга эга бўлган.

Орийларнинг таълимотига кўра, жамият кўп босқичли тизим бўйича бошқарилиши, ҳар бир босқичдаги киши ўз вазифаси ва бурчига эга бўлиши зарур эди. Шунга кўра, аҳоли ўртасида броҳманлар, кшатирлар, вайшлар ва шудрилар деб аталувчи жамият поғоналари — ижтимоий табақалар юзага келган. Тарихчи Каутилининг ёзишича (эрадан аввалги IV аср охири яшаб ўтган), броҳманлар ўқиш ва ўқитиш, ўзи ва бошқалар учун худойи қилиш ва худойилар олиш; кшатирлар — ҳарбий юриш ва посбонлик қилиш; вайшлар — ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан; шудрилар эса ер ҳай-

даш, юқори табақалар учун зарур маҳсулотларни ет-казиб бериш ва уларга хизмат қилиш билан шуғулланган. Орийлар ўзини броҳманлар, кшатирлар ва вайшлар табақаларга мансуб деб билган. Эрамиздан олдинги мингичи йилларга келиб эса, броҳманлар бошқариш ишлари билан шуғулланувчи алоҳида бир қатламга — коҳин броҳманларга айланган. Кейин улар ўзининг хизмати ва хислатларини илоҳийлаштиришга ўтган: «Бизни илоҳий куч Ердагиларни бошқаришга юборган. Бизнинг ақидаларимиз, урф-одатларимиз ва тарғиботларимиз илоҳий куч истагининг ифодасидир, уларга итоат этиш ва ишониш барчанинг бурчи. Оламда иккита илоҳий куч бор, бири — Яратган Броҳманнинг ўзи, иккинчиси — уни шарафловчи одам қиёфасидаги броҳман. Фақат угина Яратганнинг тилакларини бажо келтириши мумкин. Ҳар куни, ҳар турли сабаблар билан Яратганга худойи қилиш, унинг бир қисмини броҳманга бериш зарур. Броҳманнинг мол-мулки дахлсиздир. Броҳманнинг ишини, тоат-ибодатини, худойи қилиш ва худойи олиш ҳуқуқини фақат броҳман бўлган зотгина давом эттириши мумкин».

Броҳманлик айрим кишиларгагина хос хислат деб тарғиб қилинган, унинг ақидаларига кўра, сон-саноқсиз худойилар талаб этилгани ҳамда мафкураси халқ оммасига тушунарсиз тилда — санскритда, Ведалар лаҳжасида юритилгани, унинг охир-оқибатда тараққиёт говига айланишига сабаб бўлди. Энди халқни, тарқоқ қабила ва шоҳликларни бирлаштириб, ягона, йирик давлат тузишга хизмат қиладиган таълимот зарур эди. Буддавийлик ана шундай ижтимоий зарурият туфайли юзага келади.

Будда яшаган эрамиздан аввалги V—IV асрлар инсониятнинг маънавий ижтимоий-фалсафий уйғониш даври эди. Айнан ана шу даврда Чину Мочинда Лао-Цзи, Конфуций, қадимги Грецияда Гераклит, Пифагор ва Диоген каби мутафаккирлар етишиб чиқди. У давлатларда донишмандлик ва баҳс юритиш турмуш тарзи, санъат ва илм мақомига кўтарилди. Қизиғи шундаки, турли ўлкаларда бири-бирдан беҳабар яшаган бу донишмандлар таълимотларида фарқдан кўра муштараклик кўп.

Будданинг асл исми Сакна Мунидир. У шоҳнинг ўғли бўлган. У тугилган онда фолбин еру кўк, аҳли олам халоскорни таваллуд топганини, агар у шоҳлик истаса, беқиёс давлат, шон-шуҳрат топажагини, агар касаллик,

қарилық, ұлымдан воқиф бұлыб, кишиларни бу азоблардан қутқариш йўлини излайдиган бўлса, будда, яъни тиниқ онг, мусаффо фикр эгаси бўлажанини башорат қилади.

Шоҳга таназулга юз тутаётган давлатни мустаҳкамлашга қодир меросхўр зарур эди. Шунинг учун у ўғлини будда бўлишдан қайтариш ниятида тўрт фаслга мос тўрт сарой қурдиради. Сон-саноқсиз чўрилар, канизаклар, раққоса-ю машшоқларни хизматга ёллаб, Сакиа Мунини кечаси-ю кундузи турли томоша ва базмларга ошно этади. Ун олти ёшга қадам қўйгач, унинг бошини боғлайдилар — уйлантириб қўядилар.

Айтишларича, Сакиа Муни бир куни сайл асносида юзига яра тошиб таниб бўлмас ҳолга келган бир кишига дуч келиб қолади. Соғлом ва хушсурат тенгдошларининг ранг-рўйига кўниккан шаҳзода бу бадбашарани кўриб ҳайратга тушади ва ҳамроҳидан, бу ким, у не боис бу қадар жирканч қиёфада, деб сўрайди. Шериги унга қараб, одам касалланиши, бунинг оқибатида баданига яра чиқиб, уни бадбашара қилиб қўйиши мумкин, дея жавоб беради. Яна бир гал шаҳзода асо тутган, қадди дол, бемадор оёқларини зўрға судраб келаётган бесоч, серажин қари чолга дуч келади. Бу ким, қўлидагиси не дея ҳайрат ила йўлдошини сўроққа тутади. Ҳамроҳи, йиллар ўтгач кишининг юзидан чирой, белидан қувват, тиззасидан мадор кетиб қарийди, ана шунда у суянчиқсиз юролмайдиган бўлиб қолади, дея жавоб беради. Учинчи гал Сакиа Муни ногоҳ бир гала одам алланимани елкага олиб чопқиллаб кетаётганини кўриб қолади. Улар ким, нимани кўтариб, бунча шошиб кетишяпти, дея ҳамроҳига қарайди шаҳзода. Ҳамроҳи эса, одам зоти шундай яралганки, вақти соати етиб у бу дунёни тарк этади — ўлади, ана шунда уни қабристонга элтиб кўмадилар, дейди оҳиста. Уша уч ҳодиса Сакиа Мунининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилиб юборади, у қандай бўлмасин, кишиларни азоб-уқубатлардан халос қилиш йўлларини топишга аҳд қилади.

У замонларда ҳақ ва мукамаллик излаб ўрмон, дашт ва саҳро кезиб юргувчи зоҳидлар кўп эди. Улар тўғрисидаги гаройиб ривоятлар, пурҳикмат ҳикоялар позьктаъб Сакиа Муни қалбида ажиб бир таассурот қолдирган ва зимдан ўзини зоҳидликка шайлаб юрган. Шунинг учун у саройдан, шоҳлик ва роҳат-фароғатга тўлиқ аслзодаларча ҳаётдан воз кечади, зоҳидлик йў-

лини танлайди. Ун икки йиллик зоҳидлик ва изланишлардан кейин Сакиа Муни тайин бир хулосага келади. Яъни, у киши тортадиган азоб-уқубатларнинг, изтиробларнинг илдизи унинг ўзида, ўзига бино қўйганида; бутун ўйи, фикри, хаёли ўзининг лаззати, ҳузурига қаратилганида, дея ҳукм чиқаради. Киши қанчалик елиб-югурмасин, мол-дунё орттирмасин, ҳаммаси бешойда, кўнгил яна ва яна бойлик истайверади, яна ва яна лаззат, ҳазз-ҳузурга талпинаверади. Бу истак ва интилишларнинг чек-чегараси йўқ. Ғалати жойи шундаки, лаззат ва ҳузур одамнинг дилига ором беролмайди. Маълум бир вақт ўтгач, унда яна янги-янги истаклар пайдо бўлиб, ўй-фикрини банд қилади. Натижада у на куни, на кечаси ором топади. Чархифалак косасидаги сувни ўз ўқи атрофида бир бор айлантириб но керак нарса каби тўкиб ташлаганидай, яшашга, тан ҳузурига ўчлик ҳам кишини камолотдан нарига итқитади. Хўш, одам дунёга нима учун келади? Чексиз азоб-уқубатлардан қутулишнинг чораси борми? Бўлса — қанақа?

Дарднинг чораси бор, деб жавоб беради, Будда. Одам дунёга азоб-уқубатларсиз яшаш учун келган. (Беш аср ўтгач, Исо алайҳиссалом очиқдан очиқ, мен инсонларни азоб-уқубатдан халос қилгани келганман, дея башорат қиладилар). Унга етмоқнинг чораси одамнинг ўзида. Ер ҳам ўзига-ўзи, ёв ҳам ўзига-ўзи. Ёрман деганга дунё — ёр, ёвман деганга дунё — ёв. Шу боис Будда бани одамга қарата: «Халоскор ҳам ўзинг, маёқ ҳам ўзинг, нажотни ёлғиз ўзингдан изла», дея хитоб қилади.

Оламнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Одам ибтидо билан интиҳо ўртасида яшашга маҳкум этилган. Блез Паскалнинг одам — чексиз борлиқ билан кўз илғамас зарра оралиғидаги бир нуқта, у ана шу икки мавжудлик орасида яшайди, деган гапида буддавийликнинг таъсири бўлса ажаб эмас. Одам қанчалик изланмасин, ибтидони ҳам, интиҳони ҳам тополмайди. У — ночор. У тан ҳузурига берилгани сайин ибтидо билан интиҳо оралиғида яшаш ғамига, тан ва жон ташвишининг нопок қилмиши, шум хаёли, ўй ва ниятларни беизкетмайди, келгуси авлодлар тақдирига кўчиб, уларни ҳам нопок қилмиш ва хатти-ҳаракатларга етаклайди. Оталар қилмиши — ўғиллар қисмати. Тақдирдан қочиб бўлмайди. Буни, худди шоҳ Эдип каби, кишининг ўзи

билмаслиги, сезмаслиги мумкин. Бироқ тақдир мудом киши билан изма-из юради, уни тинимсиз ўзига чорлайди. Тақдир ёки қисмат-кармага ишониш Ҳиндистонда ҳанузгача мавжуд. Ҳатто Махатма Ганди ҳам, шу таълимот асосида, касалхоналар қуришга қарши чиққан. Унинг фикрича, касалга чалинганлар — гуноҳкорлардир. Уларни даволаш — пешонасига битилган тақдири азал ҳукмини чўзиш билан баробар.

Будда азоблардан фориғ бўлиш йўлларини учга бўлиб кўрсатади. Биринчиси — ҳузур ва лаззатга ҳам, таркидунёчиликка ҳам берилмаслик. Лаззатланиш гашти кишини мислсиз машаққатларга дучор этади; умрининг куч ва ғайрат тўлиб-тошган лаҳзалари ҳузур излаш, завқ топишга сарфланганидан киши доимий изтиробда, қийноқда яшайди. Ҳаётдан тугал қониқмасликнинг ҳам боиси ана шу. Орадан беш юз йил ўтиб, Рим файласуфи Сенека ҳам ўша гапни такрорлайди: «Бизни бадном этадиган барча иллатлар — дилимизда уйғонадиган лаззатпараст майллардандир. Майл бандаси — иллат бандасидир. Майл ва истакларини тизгинлай олган одамгина озод яшайди».

Таркидунёчилик нафақат танани, балки ўй-фикрни ҳам заифлаштиради. Бу ҳол аслида, ўша пайтда кенг тарқалаётган зоҳидлик ва таркидунёчиликка қарши даъват эди. Будданинг мана шу фикри оддий кишиларга айниқса манзур бўлган ва унинг таълимотини халқ ҳаётига яқинлаштирган.

Иккинчиси — жон, руҳ масаласи. Турли диний таълимотлардан фарқли ўлароқ, Будда жон, руҳ мавжудлигини инкор этади. Унинг фикрича, агар жон, руҳ бўлганида эди, тана азоб-уқубат ва номукамалликка (дукха) гирифтор бўлмасди, у руҳ тартиботларига монанд яшарди. Ҳиссиёт идрок, хатти-ҳаракат ва шуурдан жирканарди, демак, ён-атрофга боғлиқликдан батамом қутуларди. Озод бўлганлар бу дунё азобларини тортиш учун қайта туғилмайди, яъни улар нирванага етади.

Учинчи йўналишни «тақдир палаги» ёки «сансара» деб атайдилар. Унга кўра, кишининг гофиллиги бу ҳаёт машаққатларини тортиш учун яна қайта туғилишга сабаб бўлади. Гофиллик туфайли кишида уни анъанавий турмушга мослаштирувчи хатти-ҳаракатлар, фикрлаш тарзи пайдо бўлади. Улар кўз, қулоқ, бурун, тил, тана ва хаёлни қўзғатади, натижада ҳиссиёт уйғонади; у эса хоҳиш ва майлни, улар эса очкўзликни,

У эса узоқ яшаш истагини кучайтиради. Пиравардида киши яна қайтадан дунёга келади, бироқ у тананинг охир-оқибатда қариши, касалланиши ва ўлишини билмайди. Билс ҳам буни сира хаёлига келтирмайди. Унинг гофиллиги — ана шунда. Туғилиш — азоб; касаллик — азоб; қарилик — азоб; ўлиш — азоб. Азобли ва қайғули бу дунёдан халос бўлиш, таъкидланганидек, ибтидо билан интиҳо ўртасида тўғри фикрлаш ва тўғри яшашга боғлиқ.

«Мен жуда кўп нарсанинг моҳиятига етдим,— дейди Будда шоғирдларига.— Аммо сизларга ошкор этадиганим кўп эмас... Биринчиси — азоб-уқубатлар, номукамаллик (дукха) мавжуд. Иккинчиси — азоб-уқубатларнинг, номукамаллик (дукха)нинг сабаблари бор. Учинчиси — дукхадан қутулиш мумкин. Тўртинчиси — дукхани тугатиш йўллари мавжуд». Киши ушбу тўрт ҳақиқатни билгач, қуйидагилардан воз кечиш орқали нирванага етишиши мумкин: «мен» билан боғлиқ жон, рух ўзгармас, деган фикрдан; қайта туғилиш туфайли изтиробдан озод бўлиш мумкин, деган ишончдан; диний урф-одатлар, хайр-эҳсон ва худойилар орқали халос бўлиш мумкин, деган ишончдан; ҳиссий ва ҳирсий боғланишлардан, майл ва истаклардан; нафратланиш ва ёмон фикр юритишдан; ҳаётга меҳр қўйишдан; келгуси самода яшаш орзусидан; такаббурлик; манманлик, димоғдорлик ва ғафлатда юришдан. Бу усуллар буддавийликда жуда батафсил ёритилган. Мутахассислар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келатган нарсани буддавийликдаги таркидунёчиликдир. Ҳақиқатан ҳам, буддавийлик, ҳаётга, дунёга меҳр қўймасликка даъват этади. Серғалва турмушнинг чексиз ташвишлари, истак ва хоҳишларнинг тинмай ўзгариб туриши, меҳнатдан келадиган машаққатлар, муносабатлардаги дилозорликлар, касаллик, кексаллик ва тананинг инжиқлиги боис туғиладиган оғриқлар, туғилиш ва ўлиш, ёр ва ёв, дўст ва душман, кун ва тун, эзгулик ва ёвузлик, топиш ва йўқотиш, иссиқлик ва совуқлик каби бир-бирига зид омиллар кишини ғаму андуҳларда ўртайди. У бир кунмас бир кун излагани — муваққат; топгани — беқадр; сизингани — алдоқчи, амаллари — бесамар, севганлари — бевафо, ҳамма-ҳамма нарсани усундан ўлим деб аталувчи ёвуз куч ҳукмрон эканига иқрор бўлади, бошқа чораси қолмайди... (Ривоят қилишларича, Будда таълимотидан илк бор воқиф бўлганлар ундаги ҳақиқат кучига бардош беролмай юрак-

лари ёрилиб ўлган экан). Шунинг учун киши ҳаётга, тана лаззатларига бандиликдан халос бўлмай туриб комилликка эриша олмайди.

Таркидунёчилик, ҳаётдан қониқмаслик, умуман, инсонга хос хусусият. Умрнинг муайян бир палласида бу фикрга берилмайдиган ёки уни ҳаёлидан ўтказмайдиган киши деярли топилмайди. Тўғри, таркидунёчилик талабларига ҳамма ҳам амал қилолмайди. Буни Будда яхши тушунган. Шунинг учун у, нирванага барча ҳам етолмайди, у айрим шахсларгагина насиб этади, қолганлар эса унга интилиши ва унинг маълум бир поғоналарига чиқиши мумкин, деган.

Будда таълимоти ахлоқий-маънавий жасорат талаб этади, холос. Инсон бор ёмонликни камайтириш учун фидойилик кўрсатиши; беозор, мурувватли бўлиши; нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам ҳаловат бахш этиши; ҳеч зот ўз ғам-ташвишларига ўралашиб қолмаслиги — ўз иши, турмуши ҳақида ўйлаганда бошқаларнинг ҳам ғам-ташвишини эсда тутиши; мудом кўнгли ва қўли очиқ ҳолда тиланчиларга хайр-эҳсон бериши, ногирон ва заифлар ҳақида қайғуриши зарур. «Ҳар қандай ёмонликдан сақлангин, эзгулик улашгин, шум ўй, хаёллардан кечгин», дейилади Будда ҳикматларида.

Будда таълимотида ҳаётнинг ўткинчи экани асосий ўринда турса-да, унинг замирида покликка, эзгуликка, ахлоқий етукликка даъват ётади. Ҳаётга, вужудга меҳр қўймаслик — ҳаётдан воз кечиш дегани эмас, балки бу ахлоқий комиллик сари фидойилик йўлидир. Фидойилик эса яратишда. Яратиш мавжудликнинг боши ҳам, охири ҳамдир. Ҳар кимнинг яратганига қараб унинг келгуси ҳаёти ва оламнинг келажаги шаклланади. Ким ёмонлик яратса, ўшанга лойиқ азоб тортади, ким эзгулик қилса, шунга муносиб бахт топади. Яхшиликнинг меваси — эзгулик, ёмонликнинг ҳосили — ёвузликдир.

Будда жон, руҳнинг мавжудлигини инкор қилса-да, кишининг то нирванага етгунга қадар қайта-қайта туғилишини таъкидлайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзи тадқиқотчилар Будда жон, руҳнинг абадийлигини, яшовчанлигини тан олади, деган фикрни ҳам олға сурадилар. Аслида Будда жоннинг, руҳнинг эмас, киши ҳаётининг такрорланишини қайд этади, холос. Агар гап «Жатака» ҳақида кетадиган бўлса, олдин Сакия Муни турли кўринишларда бўлган, Будда унинг охирги ҳолати, камолот чўққиси, у қайта туғилмайди, яъни азоб-

уқубатлардан холи нирванада яшайди. Абадий яшайди.

Будда таълимотида гайриҳаётӣ ва диний спекулятив мушоҳадалар йўқ. У жон, руҳ, илоҳият каби аталарни изоҳлашдан қочган, унинг учун кишиларни ахлоқий камолотга бошлаш муҳим эди. Бунинг йўлида у рақибларини ҳам севишга тайёр эди. «Менга жабр қилганларни ҳам бегараз меҳрим ҳимоясига олурман, дейди у.—Рақибим менга қанчалик қаҳр қилса, мен унга шу қадар меҳр кўрсатурман». Исо алайҳиссаломнинг: «Ҳатто ўз душманингни ҳам сев», деган даъвати билан Будда таълимоти қанчалик ўхшаш.

Будда нафақат кишиларга, балки жонивор ва мавжудотларга ҳам озор бермасликка чақирган. Шунинг учун у броҳманлик таълимотидаги қурбонлик қилиш одатини рад этади. Айтишларича, баъзи буддавий оқимларнинг вакиллари «ҳаво ва тупроқ кўзга кўринмас жониворларга тўлиқ, уларга билиб-билмай озор бермаслик зарур», дея оғзини рўмол билан ёпиб, олдини доим супуриб юрганлар. Будданинг ўзи эса жониворлар гўштини ейишни тақиқлаган. Ушандан буён Ҳиндистонда мол гўштини емаслик, парҳез қатъий одат бўлиб келади.

Буддавийлик, аслида ахлоқий-фалсафий таълимот. Кейинчалик уни Будданинг издошлари диний эътиқодга айлантирдилар. Бугунги кунда унинг кўпдан-кўп оқимлари мавжуд. Буддавийлик исломгача ватанимизда, айниқса, Сурхон ва Фарғона воҳасида анча кенг ёйилган эди.

Буддавийлик тарғиботи оммабоп тилда юритилгани, халқнинг ўй-хаёллари, ҳаётӣ ташвиш ва тилақларини ифодалагани, барчани меҳр-муҳаббат ва шафқатга даъват этгани, адолатни кўзлагани, тинч-тотув яшашга чақиргани учун тез ёйилди. Аёлларни, айниқса, ўша даврнинг машҳур зотларини сафига тортгани учун мавқеени мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Кейинчалик Будда тарафдорларининг жамияти — сангха юзага келди. Жамият аъзолари бикша, яъни ғариб, камбағал яшовчи киши, деб аталади. Бикша ихтиёрий тарзда мол-дунёдан воз кечиши, бойлик орттиришга интилмаслиги, бир кунга етгулик хайр-садақа эвазига яшаши лозим эди.

Будда ёки бикшаларга инъом этилган мол-мулк сангханики бўлган. Бикша эски, уринган читдан сариқ ридо кийиб, сочини тақир олдириб юрган. Эна томонда бир тола сочи осилиб турган. Бу одатни бу-

гун кришнаийларда учратиш мумкин. Қўллар, оғир касаллар, вояга етмаганлар ва жиноятчилар сангхага қабул қилинмаган. Сангхада яшаш мажбурий бўлмаган, истаган киши ундан чиқиши ҳам мумкин эди. Жамият аъзолари махсус қурилган ибодатхоналарда яшаган ёки ўрмон чеккаларида умргузаронлик қилган. Улар тонг отиши билан ўринларидан туриб, руҳий машқлар, табиат ва ҳаёт ҳақида суҳбатлар ўтказганлар. Кейин яқинроқдаги қишлоқ ё шаҳарга хайр-эҳсон йиғишга жўнаганлар. Бир ҳовуч егулик сиғадиган идишини чўзиб, бошини ҳам қилиб, садақа олганлар. Овоз чиқариб ёки ёлвориб садақа сўраш ман этилган, чўзилган қўл садақа тилашни англатган. Садақа учга бўлинган: бир улуши гадо ва етим-есирларга; иккинчи улуши — қонхўр ҳайвонларга ва жониворларга; қолгани эса бикшаларга тенг тақсимланган. Куннинг иккинчи ярмида руҳий машқлар яна давом эттирилган.

Чордона қуриб ўтириш рамзий ҳолат эди. Шунинг учун ҳам барча тасвирларда Будда чордона қуриб ўтиради. Ривоятларга кўра, Будда она қорнида ҳам чордона қуриб ўтирган ҳолда туғилган эмиш.

Будда ахлоқий даъватлар, камолот йўли — одамнинг ўзида, деган инсонпарварлик ғоялари барчага бирдай мақбул бўлавермаслигига умрининг охирида ишонч ҳосил қилди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Будда яшаган даврда шакийлар давлати таназзулга юз тутаётган эди. Ён-атрофдаги шоҳликларнинг тез-тез ҳужум қилиб туриши Буддани меросхўрликдан воз кечиб, зоҳидлик йўлига киришга мажбур қилган, деган фикр мавжуд.

Виручжоқи — қўшни давлатнинг ҳукмдори шакийлар устига қўшин тортади. Бундан хабар топган Будда қон тўкишни тўхтатиш ниятида Виручжоқининг қарши-сига пешвоз чиқади, лекин ялиниб-ёлворса-да, гапи кор қилмайди. Виручжоқи заррача қаршилиқ кўрсатмаган бегуноҳ ва беҳимоя юз минг кишини буткул қиличдан ўтказади, мол-мулкини талаб кетади. Қирғин пайтида Будда ўрмон чеккасида турган бўлади. У кўкни қоплаган фарёдга чидай олмай бошини ридосига ўраб ерга чўкади. У қирқ беш йилдан буён ишониб келган, туну кун ором билмай тарғиб қилган, ахлоқий ақидаларини дир-дир титраганча зикр этмоқда эди...

Орқасига қайтар асносида ўзи кашф этган ҳақиқатни илк бор эълон қилган қишлоқ чеккасида тўхтади.

Қазо соати етганини сезиб, бир дарахтнинг соясига чўкади.

— Ҳеч нима ва ҳеч нарса абадий эмас!

Бу — Будда таълимотининг асоси, шу билан бирга унинг сўнгги сўзи ҳам эди...

Будда тириклигида унинг ҳикматлари ва ваъзлари ёзилмаган, аммо издошлари уларни авлоддан-авлодга, ўлкалардан-ўлкаларга етказиб келган. Фақат Ашоқ подшо (эрамиздан аввалги 259—222 йилларда ҳукм сурган) давридагина улар тўпланиб, китоб ҳолига келтирилган. Мана, йигирма беш аср ўтибдики, тамаддун ва маънавий тараққиёт йўлига асос солган Шарқнинг буюк фарзандларидан бири Сакиа Муни — Буддани инсоният ҳали-ҳамон фахр билан эслаб келади.

1997 йил.

ФАЛСАФА ЁХУД ФИКРЛАШ ЛАЗЗАТИ

*Донишмандлар — мудом файласуф,
Файласуфлар гоҳо донишманд.*

Лаоцзи

Фалсафада материалистлар ва идеалистлар эмас, балки боқийга худо изловчи аҳли ҳикмат — донишманд файласуфлар ва фонийдан ҳаво изловчи аҳли ҳирфат — ҳожатманд файласуфлар оқими мавжуд. Биринчиси ҳикматни — кашфиёт, уни излашни қисматим, ҳузну саъдим деб билса, иккинчиси илм—касб-кор, уни амалу амвол топишга ҳожат деб билади.

* * *

Фалсафани аҳли ҳикмат яратган ва яратиб келади, аҳли ҳирфат эса улар топган ҳикматларнинг ожиз шарҳловчиларидир.

* * *

Донишманд — файласуф олдин фикр излайди, кейин ёзади. У гоҳо ёзмаслиги ҳам мумкин, лекин ҳикмат излашдан тинмайди.

Ҳожатманд-файласуф олдин ёзади, кейин фикрлайди. У гоҳо фикрламаслиги ҳам мумкин, лекин ёзишдан тинмайди.

* * *

Яна. Донишманд — файласуф закийлик излаб, заҳмат тортиб, ўзини топади; ҳожатманд файласуф эса унвон излаб, улуғлик истаб ўзини йўқотади. Инсон тафаккуридаги ҳайратомуз томон шундаки, ўзини топган ҳам доноликка даъвогар, ўзини йўқотган ҳам доноликка даъвогар, фалсафа эса улар ўртасида уч минг йилдан бери сарсон-саргардон.

* * *

Яна. Ҳожатманд-файласуф ўрнини жамиятшунос, ахлоқшунос, ҳатто табиатшунос ҳам босиши мумкин, аммо донишманд ўрнига фақат донишманд лозим.

* * *

Аҳли аъламнинг иқрори: «Ҳеч нарсани билмаслигимни билдим». Лекин аҳли аъмодан ушбу суқротона иқрорни ҳеч ким эшитган эмас.

* * *

Яна. Хайрият, ҳамма файласуфлар аълам эмас, акс ҳолда ҳаётда донишмандларга ҳожат қолмасди.

* * *

Амалдорлар аҳли аъламдан кўра аҳли хушомадни ўзига ҳамроҳ тутадилар, чунки биринчиси, қанчалик аччиқ бўлса-да, бор ҳақу ҳақиқатни, иккинчиси эса амалдорларга хуш ёқадиган ҳақиқатни айтишни лозим тутадилар.

* * *

Диссертациялар донишмандлик битиклари бўлганида эди, Олий Атгестация Комиссияси аллақачон «Байт ул ҳикма» бўларди...

* * *

Фалсафанинг ғалати қонунларидан бири—мантиқсизликдан мантиқ, маънисизликдан маъно, ғофилликдан оқиллик қидиришдир.

* * *

Фалсафага оид бўлмаган кавн ҳам йўқ, кавнайн ҳам йўқ. Мавзу ҳам йўқ, мазмун ҳам йўқ. Аммо ҳамма сир — улардан ҳикмат топишда.

* * *

Пифагор фалсафани донишмандлик илми деб атаган эди. Шундан бери баҳс кетади: фалсафа донишмандликми ёки илми? Донишмандлик бўлса — сир, ҳикмати қайда, илм бўлса — сеҳри, қудрати нимада?

* * *

«Фалсафа — фанлар худоси» (Арасту). Худо эса таърифга ҳам муҳтож эмас, тавсифга ҳам.

* * *

Фалсафа нима? Жавоблар кўп. Таърифлар ҳам кўп. Лекин ҳеч биридан кўнглинг тўлмайди. Балки шунинг ўзи жавоб, шунинг ўзи таърифдир?...

* * *

«Аввал яша, кейин донишмандлик қил» (Қадимги ҳинд ҳикматларидан). Э-воҳ, қани ўша чегара?

* * *

Фалсафанинг икки қудратли қаноти бор: бири — руҳият ва бадияят, иккинчиси — амалиёт ва ақлият. Руҳият ва бадияятдан узоқ қурумсоқ ақл ўткинчи амалиятга банди бўлади; амалият ва ақлиятга бегона — руҳият ва бадиятга ҳам бегона. Шунинг учун деб маслаҳат беради Альбер Камю: «Файласуф бўлишни истасангиз романлар ёзинг». Руҳият билан ақлиятни, бадият билан амалиётни уйғунлаштирмай эса роман ёзиш душвор.

* * *

Фалсафада руҳият ва бадият сеҳри амалиёт ва ақлият сеҳридан кучли.

* * *

«Фалсафа ўз ҳикматлари билан мушкуллимни енгиллаштиради, деб ўйлаганлар устидан кулмай бўладими?» (Сенека). Бу ҳаммаси эмас. «Фалсафа устидан истеҳзоли кулгангина ҳақиқатан аъламона фикр юриади» (Б. Паскаль). Бу ҳам ҳаммаси эмас. «Дунёда энг уқувсиз, энг гўл, энг бедаво кишилар ким деб сўраганларида, улар файласуфлардир, деб жавоб берган бўлардим» (Авессалом). Начора, Хосе Ортега-и Гассет ҳақ: «Фалсафа — омадсизлар машғулоти». Ломброзо эса янада аниқроқ айтган: «Файласуфлар тафаккурдан ўзган телбалардир». Хўш, айтинг-чи, аҳли замон молдунё излашга мубтало пайтида аҳли фароғатидан, офиятидан, оромидан кечиб туну кун ҳикмат излаганларни яна қандай аташ мумкин?..

* * *

«Фалсафа фан эмас ва фан бўлмаслиги ҳам керак... Фан заруриятга нтоаткорликдир. Фалсафа эса заруриятга инсон руҳи бандилигининг аксидир. Ҳақиқий файласуф — донишмандлар ҳеч қачон заруриятга банди бўлмаганлар» (Н. Бердяев). Э-ҳе, ушбу ҳикматлар моҳиятига етиш учун бир кун, ҳеч бўлмаса бир соат серғалва ва серғавго ҳаёт заруриятларидан холи яшаб кўриш керак.

* * *

Фалсафанинг бош муаммоси «Материя бирламчими ёки онгми?» деган саволда эмас. Муаммо «Фалсафа кимнинг манфаатларига хизмат қилади: комилликка даъвогаргами ёки қабихликка даъваткоргами деган саволдадир.

* * *

Гофиллар давлат тепасига келса ўз нодонликларини яшириш учун энг аввало аҳли донишмандларни йўқотадилар. Агар очиқ ўч олишдан қўрқсалар, уларни зимдан бадном қиладилар, бунга ҳам кучлари етмаса, йўқсилликка, муҳтожликка гирифтор этадилар.

* * *

Одамлар ўз ақлу тафаккури ва жисму қуввати етмайдиган ҳақу ҳақиқатни излашдан бевақт нобуд бўлмасинлар деб Яратган донишмандларни яратган. Фақат донишмандларгина муқаддас битикларда зикр этилганидек, тоғу тошлар, ирмоқу дарёлар ва оддий одамлар кўтаролмаган юкнинг кўкдан қулаб тушишидан сақлаб турадилар.

* * *

Фаранг қироли Спинозага дебди:
— Бирор асарингни менга бағишласанг, умринг охиригача етадиган нафақа тайинлайман.
Донишманд мағрур жавоб берибди:
— Мен асарларимни фақат ҳақиқатга бағишлайман...

* * *

Эркнинг, ҳурфикрликнинг биринчи қурбонлари донишмандлар бўлган, уларнинг сўнгги қурбонлари ҳам донишмандлар бўлса ажаб эмас.

* * *

«Донишмандлар ўз қорни ҳақида камроқ ўйласин, умуман ўйламаса ундан ҳам яхши». Плутоннинг ушбу фикрларини, орадан ўн етти аср ўтган бўлса-да, ҳаётга жорий этувчи бефаҳм ҳасабпарастлар ҳамон топилиб туради...

* * *

Мозий гувоҳки, кўпчилик тан олган ҳикмат ҳақиқат бўлмаслиги, аммо тўрт киши маъқуллаган бидъат вақти келиб чуқур эътиқодга айланиши, баъзан эса тўрт киши сифинган эътиқод бутун авлодни бадном этса, кўпчилик рад этган ҳикмат вақти келиб олий ҳақиқатдек шарафланиши мумкин. Энг оқил тарихчини ҳам лол қолдирадиган ушбу жумбоқлардаги адлни, ҳақни топишга фақат фалсафа ўргатади.

* * *

«Бир фикрга таянган, бир фикрга эргашган, бир шахс фикрлари маъқулланган жойда бир фикр ҳукмрон бўлади. Бир фикрнинг эса адашиши турган гап» (Форобий). Боқийлик сўқмоқларида адашмаслик, ўзгалар фикрига банди ва ўзгалар найрангларига қурбон бўлмаслик учун ҳар кимга бетакрор руҳий қудрат, бетакрор тафаккурий шижоат, ҳайратга монанд бетакрор умр берилган. Фалсафа ана шу бетакрор имкониётлардан дурдоналар яратишга қодир жисму вужудингдаги илоҳий сифатларни сийқа даъватларга қарши чархлаб туради.

* * *

Фалсафанинг юраги — муаммо, савол. Шуур, шууримиз нима? Ақлу тафаккуримизнинг ранг-баранглиги қайдан? Боқийлик тимсоли — ҳаёт, умр ўлим олдида ожиз. Нега? Менга азоб берадиган ўйлар, туйғулар бошқа бировларга шоду хуррамлик бахш этади. Хўш, бунинг сири нимада? Агар ҳар нарсадан Огоҳ, ҳар нарсага Қодир, ҳар нарсадан Қудратли бўлса, ўйлаб ўйининг тубига етолмайдиган, яратиб кўнгли тўлмайдиган, йиғиб нафси тўймайдиган «мен»га не ҳожат? Мураттабни номураттаб, аъламни эса аъмо доимо мағлуб этиб келади? Хўш, бу жумбоқларга жавоб қайда? Ушбу муаммо ва саволларни кимдир одам вужудига жо этиб, унинг устидан кулишга аҳд қилган. Одам эса ўз ожизлигини ниқоблаш учун фалсафани ўйлаб чиқарган.

* * *

Фалсафада тор кўчалар, айланма кўчалар, жинкўчалар, берк кўчалар кўп. Унда шоҳ кўча йўқ. Агар бор бўлса ҳам унда юриш аҳли аъламга насиб этмаган.

* * *

Фалсафанинг боши ҳеч ким эмас, унинг боши — ўзинг, ўзинг. Руҳингда яширин бир сир ҳикмат излашга тунлари бедор этмаса, топган ҳикматинг маҳбубанг тонгги бўсасидан ҳам лаззатли, бепоён орзуларингдан ҳам ардоқли, топган зару давлатларингдан ҳам қимматли туюлмаса, қаламни от! Ҳаёт инъом этган неъматлардан, роҳатлару ҳузурлардан қолма! Ахир ҳамма ҳам файласуф бўлиши шарт эмас.

* * *

Файласуф! Ношир излаб чопавериш закийлик белгиси эмас. Сен ноширларни эмас, балки, аксинча, ноширлар сени изласин.

* * *

Гоҳо фикрлашдан, ёзишдан, ҳатто яшашдан ҳам безиб кетаман. Қандайдир бераҳм куч фикр излаш азобига дучор этаётганини топмоқ истайман. Бефойда, тополмайман. Ўзимни ожиз сезиб, кимсасиз саҳрогами ёки беғам тентаклар дунёсигами бош олиб кетгим келади. «Ҳаёт — бемаънилик» (А. Камю), деб ишонтирмоқчи бўламан ўзимни ўзим. Минг ваҳки, тўрт дақиқа ўтмай, руҳимга яширин ўша бераҳм куч мени тағин ўйлашга мажбур этади. О, фикрлаш азоби! Бу қандай азоб?! Бу ҳақиқатан азобми ёхуд лаззати азим?! Ҳанузгача тополмайман: мен фикрларимга бандиманми ёки фикрларим менга? Ким кимга муҳтож: мен фикрларимгами ёки фикрларим менга? Ким кимга мададкор: мен фикрларимгами ёки фикрларим менга?...

* * *

Ҳар сафар ёзганларимга сўнги нуқта қўйгач қўлимга бошқа қалам олмасликка онт ичаман. Фалсафа севиш ва севилиш умидидан ҳали воз кечмаган, курашиш ва музаффарлик шавқига ҳали тўймаган, турмушнинг севинч ва ўкинчларини яна тотишга муштоқ вужудни бевақт ўзига чорлаётган лаҳаддек кўринади. Файласуфлар исмини тилга олишдан қўрқаман гўёки, уларнинг ўтган даҳолари тирилиб, мени ечими йўқ муаммоларга яна банди этадигандек. Қарашлар, назарлар, мактаблар ичида йўлини йўқотган гумроҳдек сезаман ўзимни; «ҳаётдан безганларгина фалсафадан нажот излайди» деган эски нақлни эслайман, уни рад этгим келади, лекин но-

чорман. Ногаҳон туғилган бир фикрдан завжам ётоқхонасини тарк этиб туни билан ҳатто бир нотавон дилга ҳамдард бўла олмайдиган бенаф ва беҳис нфода, тасвир излаб чиққан им ёдимга тушади; оқариб келаётган кунни орқасига қайтаришга ёки уни бир дақиқага бўлсада тўхтатишга шошаман, аммо бари бефойда. Гоҳ шодликдан, ҳазздан, давлатдан, шондан кечиб буюк кашфиёт бўлиб кўринган бир ғализ фикр кетидан сарсон чопганим, энг қимматли онларимни, кунларимни ҳатто йилларимни унга беҳуда сарфлаганим учун Хроносдан, айб қилиб қўлга тушган гўдакдек, раҳм-шафқат тилайман, унга шошма, кечир энди яшашни ўргандим, бенаф фикрларга вақт, умр сарфлашдан ҳам ортиқ нодонлик йўқ экан, деб ёлвораман. Пешонамга эрта тушган ажинларни, сочларимга қўнган оқни, нурлари сусайган кўзларимни далил қилиб, ҳатто «фикрлайман, демек, мавжудман» (Р. Декарт) деган исбот талаб қилмас қондага эргашсам-да, фикр излашга энди қайтмайман, деб ўзимни юпантираман. Шу заҳоти руҳим энгил тортади, оғир ва серандух ўйлар чекинади, пўртанадек отилиб чиқишга шай турган севинч ва қувонч борлигимни чулғаб дадил ўз қанотларида Осмонга олиб чиқади. Терадан пастга, ерга боқаман. Ҳар бир майса, ҳар бир дарахт мангулик даракчисидек, ирмоқлар, денгизлар ерга куч-қувват таратаётган шарбатдек, тоғлар, далалар илоҳий бир куйга жим қулоқ солаётган мўйсафиддек, қумурсқалар, жониворлар мозий оша янграб келаётган мураттаблик қўшиғига жўр бўлаётгандек; хуллас бутун борлиқ ҳаётни, мангуликни севинч ва қувончни тараннум этиб инсон руҳини муқаддас ва улуғвор тилаклар билан яшашга ундовчи бир навога тўлган. Ушбу навода серҳуш бўлиб, ҳатто қуёш ҳам нур сочаётгандек, ер бир маромда тебранаётгандек «сайёралар бир-бирига жилва билан тикилаётгандек, турмуш машаққатларига бардош беролмай ўзимни телбанамо ҳар ён урганларимни, серандух ўйлардан буткул қутулиш мақсадида баъзан бўғзимга ё пичоқ ёки сиртмоқ тортишни ихтиёр этганларимни эслайман ва қандай бемаъни, ҳаёт қувончлари олдида хасча қадрсиз ўйларга банди юрган имни туйиб ўзимни ўзим қойиб кетаман. Дилимга ҳукмрон осойишталик ва қувончдан замин узра тўлиб-тошиб парвоз этгим, азоб-уқубатларни писанд этмай завқ-шавққа талпиниб яшагим келади. Бироқ, ерга, ҳаётга қайтган заҳотим ўша азобли ўйлар яна чулғаб олади. Бенхтиёр «Фикрлаш лаззати унинг азобига мувофиқ» деган алфоз

эсимга келади. О, тақдир, аҳли донишмандларни фикр-лаш азобидан маҳрум этма! Ана шундагина фалсафа донишмандлик илми сифатида сийқа ва ғализ таърифлардан холи яшайди.

* * *

Ўз-ўзимга ўғитларим:

1. Ҳикмат изла! Ҳикмат топмаган кунинг абас кетгай, абас!
2. Олдин фикр изла, кейин ёз. Фикри ғализнинг — сўзи ғализ.
3. Ҳамма бир-бирига шогирд, бири бирига устоз. Фақат сен ҳаммага шогирд бўлиб яшашга маҳкумсан.
4. Қувонч ва ўкинчдан қочма. Қувончни умр они бил, ўкинчни — ижод жони.
5. Муҳтожликдан қўрқма! Аламли ўйларгина боқийликка талпиниб яшашга ўргатади.
6. Ҳақни ёз, адлни ёз. Куйиб ёз, кулиб ёз. Ҳасрат билан ёз, ҳайрат билан ёз. Бироқ унутма: ҳаёт устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи сенга берилмаган.
7. Маддоҳларга эргашма, лекин улардан қандай яшамасликни ўргансанг арзийди.
8. Кўп тингла, кўп ўйла, кўп изла. Топганларинг бари ўзингники бўлгач, дод сол, фарёд сол! Шунда ҳам додинг, фарёдинг фақат ўз қалбингдаги дардчил ва нафис туйғуларни уйғотишдан бошқасига умид қилма.

* * *

— Донишмандликни кимдан ўрганиш мумкин?— деб сўрашибди шогирдлари Конфуцийдан.

— Ким кўп ва ҳўб яратган бўлса, ўшандан,— деб жавоб берибди донишманд сермаъно кўкка тикилиб.

* * *

Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларини,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.

Умар Хайёмнинг мавзуимизга оид ушбу ҳикматларига изоҳ ортиқча, бироқ ундан фикр излаш ортиқча эмас.

* * *

«Фалсафа» сўзининг кашфиётчиси Пифагор ўз шогирдларидан бир нарсани талаб этган — етти йил оғзига тош солиб юришни. Сергаплик фикрлаш қувватини сусайтиришини донишманд жуда яхши билган. Даврларда соатлаб ваъз ўқийдиган ҳамкасбларимга гоҳо тикилиб, ичимда такрорлайман: «Сергаплик оқиллик белгиси бўлганида эди, халқлар маддоҳларга алданиб яшарди» (Эрим Фромм).

* * *

Донишмандлик маъбудаси — аёл, София. Балки шунинг учун ҳам донишмандликка кўпроқ эркаклар интиладилар.

2000 йил.

МУНДАРИЖА

Ердаги бахт	3
Аёл мўъжизаси	15
Аёл қудрати	21
Серфусун аёл	23
Севганим, сянгинганим...	26
Сарҳадлардан ўтганда	29
Ол дунё, бер дунё ёхуд бозор фалсафаси	38
Қарздор дунё	41
Қамолот заҳматлари	49
Кўҳна андоза	55
Ошиқларни бўзлатган аёл	61
Даҳоллик излаб	67
Сюрреализм — зўр реализмми?	71
«Мен ҳаётни суйиб...»	78
Севинч ва ўкинч	84
Буддавийлик	90
Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати	101

Ижтимоий-сиёсий нашр

ВИКТОР АЛИМАСОВ

ФАЛСАФА ЕХУД ФИКРЛАШ ЛАЗЗАТИ

Тошкент «Маънавият» 2001

Муҳаррирлар *Б. Муродалиев, М. Аҳмад*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга берилди 01.05.01. Босишга рухсат этилди 13.06.01. Бичими 84×108^{1/32}. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 5,88. Шартли кр.-отт. 5,99. Нашр т. 5,75. 3000 нусха. Буюртма № 74. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 35—01.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 2001.

А 50

Алимасов, Виктор.
Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. — Т.: «Маъ-
навият», 2001. — 112 б.

ББК 87.7